



# بىخەتەرلىك

6  
1997



Кухна ва ҳамеша навқирон  
Самарқандда булиб утган  
«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» —  
Биринчи Халқаро мусиқа  
фестивали қатнашчилари.



ноябрь-декабрь

Ижтимоий-сиёсий,  
илмий-оммабоп ва  
бадий безакли журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ишлари  
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тилаб МАҲМУДОВ.

Таҳрир ҳайъати:

Рустам АБДУЛЛАЕВ,  
Абдумўмин БОЙМАТОВ,  
Жуманиёз ЖАББОРОВ,  
Асқар МАҲКАМ  
(бош муҳаррир ўринбосари),  
Тоҳир МИРЖАЛИЛОВ,  
Жасур РАСУЛТОЕВ,  
Маънура НАБИЕВА  
(масъул котиб),  
Муҳсин ҚОДИРОВ,  
Турсунали ҚЎЗИЕВ,  
Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВ.

Журнал 1925 йилдан  
чиқа бошлаган.

УШБУ СОНДА

Муҳаррир минбари. Хавфсизликка таҳдид ва унинг олдини олиш (Иккинчи мақола).....	2
Феруза ЁҚУБОВА. Мустақиллик ва таълим-тарбия ислоҳоти.....	5
Севара ШАРОПОВА. Жамиятнинг ўзини англаши.....	6
Хуррам ҲАЙДАРОВ. Истиқбол ва қонун.....	7
Аблаберди ЭГАМОВ. Бозор иқтисодиёти ва дизайн.....	8
Сабоҳат НОРБЎТАЕВА. "Овозим менинг – армоним менинг".....	9
Маънура НАБИЕВА. "Энг муҳими – интизом" (Режиссёр Ҳайбатилла Алиев билан суҳбат).....	10
Раҳимжон КАРИМОВ. Бобур лирикасида бадий воситалар.....	12
Розия КАРИМОВА. Рақс – ҳаёт гултожи.....	14
Ўктам ҲАКИМАЛИ. "Ҳеч кима маълум эмас..." (Қирғизистон халқ артисти Толибжон Бадинов билан мусоҳаба).....	19
Умарали НОРМАТОВ. Ҳақиқатнинг сеҳрли кучи.....	21
Юсуфали ШОНАЗАРОВ. Қодирий ва Чўлпон.....	22
Н.ФАЙЗИЕВА. Қоронғу кечаларнинг ёруғ юлдузлари.....	24
Алишер МЎМИНОВ. Ўзбекона маросимлар.....	24
Сайёра ШОДИЕВА. "Виждон уйғоқ бўлсин!" (Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов билан мусоҳаба).....	30
Сарвар ОЧИЛОВ. Ҳазрат Али заковати.....	32
Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ. Меъморликка сингиган тасвир.....	34
Гулчеҳра УМАРОВА. Қадим наволар йўлга чорлади.....	37
Нозим ҚОСИМОВ. Лапарлар – халқ ҳаётининг кўзгуси.....	38
Асқар МАҲКАМ. Буюк девонаворлик.....	39
Абдулҳақ АБДУЛЛАЕВ. "Илоҳий жазога гирифторман..." (Шеърлар).....	39

Л.И.РЕМПЕЛЬ – 90 ЁШДА

Г.П.ПУГАЧЕНКОВА. Лазарь Израилевич Ремпель – олим, педагог, фан ташкилотчиси.....	43
Искандар АЗИМОВ. Устозни хотирлаб .....	44
Э.В.РТВЕЛАДЗЕ. Экспедицияда .....	45
Акбар ҲАКИМОВ. Л.И.Ремпель Ҳамсаси.....	46
Тилаб МАҲМУДОВ. Донолар даврасида.....	47
Эдуард ХОЛДЕН. Ҳиндистон императори буюк Акбаршоҳ (давоми).....	50
Ойитилла ҲОЛИҚ қизи. Овоз санъати.....	53
Жалолиддин РУМИЙ. Маснавий (давоми).....	54
Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ. Марат Азимов.....	60
Маҳкам МАҲМУД, Ботир НОРБОЙ. Одоб – инсон зийнати.....	61
Алижон УМАРОВ. Муҳаммадҷон аския.....	62
Абулқосим ТҮЙЧИЕВ. Ҳеч ким менингдек бўлмасин.....	63

Муқованинг биринчи бетиде:  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
Неъмат АМИНОВ.

# XXI

аср остонасида дунё харитаси ўзгариб, мафкуравий кураш силсиласи пасайган бўлса-да, халқлар ва мамлакатлар тинчлиги, осойишталигига хавф солувчи минтақавий можароларнинг вужудга келгани ҳам рост.

Собиқ Иттифоқ парчалангач, Ўзбекистон уруш ва танглик юз бераётган Афғонистон ва Тожикистонга чегарадош давлат бўлиб қолди. Шундай экан ўз-ўзидан савол туғилади. Минтақавий можаролар жамиятимиз фаровонлиги ва республикамиз тараққиёти учун қандай хавф туғдириши мумкин?

лиги бўйича қайғуриш нафақат кўни-қўшничилик, балки маҳалла миқёсида ҳам хотиржамлик хусусида қайғуриш демакдир.

Инсоният цивилизацияси нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кетмайди. Бундай можаролар худди ёнғин сингари «меники», «сеники» деган чегара, худуд ажратмай, ёйилиб кетиб, ҳўлу қуруқни бир текис кулга айлантириш хусусиятига эга.

Президентимиз таъкидлаганларидек, Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий танглик, Тожикистондаги

ҳам ўта хавфли;

- минтақавий можароларнинг чўзилиб кетиши оқибатида қонунга хилоф равишда наркотик моддалар олиб ўтилиши, қурол-яроғ контрабандаси кўриниб қолмоқда.

Ана шундай шароитда Ўзбекистон чегарадош мамлакатлардаги ҳарбий-сиёсий можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга ва уларнинг олдини олишга ҳаракат қилмоқда.

XX аср улкан кашфиётлар, коинотни забт этиш, техник инқилоблар асри бўлиши билан бирга диний қадриятларга нисбатан турли-туман қарашлар мавжуд бўлган

Ислом КАРИМОВ.



## Муҳаррир минбари

# ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

(Иккинчи мақола)

«Бир қарашда, - деб ёзади И.Каримов, - Ўзбекистон чегараларига яқин жойларда юз бераётган барча низолар давлатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни сақлаб туришга бевосита алоқаси йўқдек туюлади. Бундан буён ҳам ташвишли нарсалар бизни четлаб ўз йўлидан ривожланаверади, барқарорлик ўз-ўзича сақланаверади, мамлакатнинг келажаги эса ўз-ўзидан таъминланган, дея фикр юриштишни ҳам сиёсий, ҳам фуқаровий калтабинликдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблаймиз».

Кўшнинг тинч - сен ҳам тинч, деган мақол бор. Кўшни нотинч бўлса сенинг ҳам ҳаловатинг бузилади. Шунинг учун кўшни тинч-

беқарорлик бутун Марказий Осиёдаги минтақавий барқарорлик ҳолатига ҳам, жумладан, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Хавф-хатарлар кўлами анча кенг:

- кўпорувчилик фаолиятлари кўшни давлатлар худудига ўтиши мумкин;

- этник гуруҳларнинг кўшни мамлакатларга кўчиб ўтишга уришилари ташвиш туғдиради;

- исломнинг кескин сиёсийлашув жараёни туфайли ҳокимиятни қуролли йўл билан қўлга киритишга ҳаракат қилиш кучайди;

- мавжуд чегараларни этник асосда ўзгартириш ҳақидаги фикр

аср ҳам бўлди. Дин ва диний қарашлар доимо ижтимоий ҳаёт ҳодисалари билан узвий боғлиқ бўлган. Фақат диний фанатизм ва экстремизм ўз ижтимоий вазифаларини сиёсий талаб ва интилишлар билан алмаштирганда содир бўлган. Коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган замонда, масалан, «Марказий Осиёдаги исломий маърифат тақиқлаб қўйилган собиқ совет республикаларида чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари камайиб кетган эди. Натижада ҳар хил хурофий иримиришлар, баъзан жаҳолатпараст удумлар ривож топди. Бундай «чаламуллалар» ҳозирги кунда баъзан энг олий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини, уни бутун аҳо-

лига зўрлаб қабул қилдиришни ва одамларнинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чиқмоқдалар».

Ислом дини қадриятларини янги шароит ва замонавий ижтимоий эҳтиёжларга мослаб фойдаланиш бошқа, ислом динидан сиёсий мақсадларни кўзлаб, уни туғурол тарзида тушунмоқ бошқа масала. Ваҳҳобийликнинг оммага ёқиш йўлидаги уринишлари бунга яққол мисол бўла олади. Бинобарин, «Биз, – деб ёзади И.Каримов, – дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралаштириш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз».

СССР парчалангандан кейин пайдо бўлган мустақил давлатларнинг ўзаро алоқа ва муносабатларида жуда кўп объектив ҳамда субъектив қийинчиликлар, муаммолар пайдо бўлди. Ана шундай муаммолар жумласига биринчи навбатда империяча фикрлаш ва хулқ-атворнинг хуружлари туфайли келиб чиқадиган ҳодисаларни киритиш мумкин. Президентимиз ёзганидек, «шовинистик ва агрессив миллатчилик инерциясининг кучи ҳали шу қадар залворлики, бу куч унга дуч келганлар учун ҳам, уни бошқаларга қаратаётганлар учун ҳам нақадар хавфли эканлигини пайқамаслик мумкин эмас».

Шовинизм ва буюк давлатчилик сиёсати авторитар тузумлар ўрнатилиши ва мустаҳкамланишини рағбатлантиради, шафқатсиз диктатурага олиб келади; буюк давлатчилик, албатта, зўравонлик асосига қурилади, агрессив миллатчиликни ифода этади; буюк давлатчилик пировардида, дунё миқёсида жаҳоннинг куч марказлари ўртасидаги муносабатларда зиддиятларнинг зўрайишига олиб келади. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик

бизга қандай хавф туғдириши мумкин?

- Халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаршилиқни келтириб чиқариш;

- халқаро-ҳуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилиқ кўрсатиш;

- Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларнинг тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитта солиб қўйишга уриниш;

- мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилиш;

- агар буюк давлатчилик шовинизми билан экстремистик миллатчилик абадий ҳамроҳлар экани назарда тутилган бўлса, у ҳолда миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш;

- янги мустамлакачилик ва янги империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул қилдириш, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш хавфи.

Кўриниб турибдики, собиқ Иттифоқни тиклаш хом хаёл нарса бўлиб, у янги умумжаҳон миқёсидаги фалокат ва қирғинликларга олиб келган бўларди.

Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқчиликни асосий мезон қилиб олишни тушуниб етган соғлом фикрли сиёсатчилар тобора кўпаймоқда. Фақат ўзаро фойдали ҳамкорликкина мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлайди.

Президентимиз китобида кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири эканлиги кўрсатиб берилган.

Бу масала ўз маданияти ва анъ-

аналарига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётган Ўзбекистон учун ҳам ниҳоятда муҳимдир. Китобда Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида барқарорликни сақлаб туриш учун қандай этник сиёсат олиб бориш кераклиги ҳақида гап боради:

- бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқ вакилларининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобида рўёбга чиқармаслиги лозим;

- таркиб топган давлат чегараларини, уларнинг дахлсизлигини тан олиш;

- минтақадаги халқлар миллий ўзлигини англаш 1991 йилдан кейин орқага қайтмайдиган прогрессив жараёнга айланди;

- «Туркистон - умумий уйимиз» ҳаракати ўз мазмунига кўра инсонпарвар, конструктив жараёндир;

- Ўзбекистон, халқимиз ва давлатимизнинг тарихий хотирасида антисемитизм, ирқчилик ва ўзга миллатга, ўзга халққа менсимасдан муносабатда бўлиш сингари иллатларнинг йўқлиги билан фахрланади;

- Ўзбекистон Конституциясида «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади» деб ёзиб қўйилган;

- Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг бирлиги, жипслиги ва осойишталиги - бу бизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Бинобарин, Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатадики, «Ҳар қандай давлатнинг полиэтниклиги этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг этнослар ўртасида ўзаро табиий муносабат ўрнатилишига таянадиган, босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён мавжуд бўлишини назарда тутати».

Кўпинча янги ижтимоий тузум ёки муносабатларга ўтиш коррупция ва жинойтчилик каби жирканч ҳодисалар билан юзма-юз

курашишга олиб келган.

«Ўтиш даврида, - деб ёзади Ислом Каримов, - янги иқтисодий механизмлар шакллантири- лаётган бир пайтда аҳолининг асо- сий кўпчилиги бозор шароитида яшашни эндигина ўрганаётгани- дан ва унинг объектив қонунлари- ни пайқай бошлаганлигидан фой- даланиб, амалга оширилаётган иқтисодий жинойтлар тоифаси катта хавф туғдиради.

Жинойтчи унсурларнинг янги хўжалик муносабатлари тизими- ни шакллантириш жараёнида фаол ва хуфёна иштирок этиши жамия- тда ахлоқсизлик вазиётини туғди- ради. Бу эса мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номақбул жинойй бозор иқти- судиётининг алоҳида тури шакл- ланишига олиб келади».

Натижада коррупция вужудга келиб, энг аввало уюшган жинойй тузилмаларга мадакдор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятла- ридан фойдаланади. Ана шу тариқа коррупция ва жинойтчилик хавф- сизликка таҳдид солувчи ижти- мой зарар кучга айланади.

Коррупция ва жинойтчилик:

- давлатнинг конституциявий асосларини бузади, фуқаролар- нинг ҳуқуқ ва эркинликлари жид- дий тарзда бузилишига олиб кела- ди;

- жамиятнинг маънавий-ахлоқ- кий асосларини бузади, ислохотлар гоёсини обрўсизлантиради;

- жинойй тузилмаларнинг дав- лат органлари амалдорлари билан чатишиб кетиши, уларнинг турли ҳокимият тармоқларига кириб оли- ши жамоатчилик наздида фуқаро- ларнинг ҳимоясизлиги ҳиссини куч- чайтиради, давлатнинг ўзини обрў- сизлантиради;

- нопок йўл билан бойлик орт- тирганлар жазодан қутилиб қолиш ва ўзларининг жинойй сармояла- рини ҳимоя қилиш учун ҳар қан- дай хатти-ҳаракатларга тайёр ту- радилар;

- борган сари уюшиб ва про- фессионал тус олиб бораётган жи- нойтчиликнинг жипслашиши, жи- нойй гуруҳлар томонидан истеъ- мол бозорларининг буткул эгал-

лаб олиниши, қонунсиз равишда қўлга киритилган капиталларнинг хўжалик ва тижорат тузилмалари орқали қонунлаштириб олиниши ниҳоятда хавфлидир;

- жинойтчилар дунёси чегара билмайди. Турли мамлакатларда- ги жинойтчи гуруҳлар бирлашиш- га интилади ва наркотик модда- лар, яширинча қурол сотиш билан ўз бойликларини кўпайтиришга интиладилар. Бундай хавfli жи- нойтнинг оқибати маълум;

- жинойтчилик, коррупция бизнинг ўз хавфсизлигимизга ҳам, халқаро хавфсизликка ҳам таҳдид солувчи реал воқеадир.

Уруғ-аймоқчилик, қон-қарин- дошлик алоқалари одамлар ораси- да қадим-қадим замонлардан буён сақланиб келади. Унинг яхши ва жамоа бўлиб, бир-бирига ёрдам бериш каби томонлари ижтимоий ҳаёт тараққиётида ижобий баҳо олишга лойиқ. Бироқ, Ислом Ка- римов ёзганидек, «Қариндош-уруғ- чилик, ҳудудий ёки этник прин- циплар асосида давлат тузилмала- рида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўрадиган, айнан шу манфаатлар- ни биринчи ўринга қўядиган уюш- малар (кўпинча норасмий уюш- малар) умумий ишга, умумдавлат, умумхалқ манфаатларига зарар кел- тирган ҳолда шаклланиб, ўз мақ- садларига эришиш учун аъзолари- ни мавжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поғоналарда юқори кўта- ришга ҳаракат қилар экан, бу ҳол хавfli бўлиб қолади. Ана шунда жамиятнинг барқарорлиги ва хавф- сизлигига реал таҳдид солувчи маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчи- лик ҳақида гапиришга тўғри кела- ди».

Мустақиллик қўлга киритил- гач, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик- нинг барча кўринишларига чек қўйила бошланди. Дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фар- фоналик, сурхондарёлик ўртасида миллий фарқ йўқ - уларнинг бар- часи ўзбекдир, деган фикрга қатъий амал қилинмоқда. Чунки «ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган маҳаллий ватанпарварлик, унинг тажовузкорлиги миллатнинг жипс- лашувига халақит беради. У ички

сепаратизмга ва маданий маҳдуд- ликка олиб боради. Давлат ҳамда жамиятнинг барқарорлиги ва хавф- сизлигига бир қатор бошқа таҳ- дидларни туғдиради».

Миллий хавфсизликка қарши таҳдидлар доирасида атроф-муҳит- ни муҳофаза қилиш муаммоси ҳам бор. Авваллари ҳам бу ҳақда гапи- рилар эди. Бироқ умумдавлат миқё- сида табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига кам маблағ ажрати- лар, теварак-атрофни ифлослан- тирилса ҳам иложи борица йирик саноат иншоотлари қуришга ружу қўйилган эди.

Натижада XXI аср бўсағасида инсоният катта экологик хавфга дуч келиб қолди. «Экологик хавф- сизлик муаммоси алақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган».

Ўзбекистонда ҳам ҳосилдор ер- ларнинг нураши, шўрга буркани- ши, ер ости ва ер усти сувларининг тақчиллиги, Орол танглиги, ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши син- гари ҳодисалар республикадаги экологик хавфсизликка солинаёт- ган таҳдиддир. «Экологияга соли- наётган хавф, - деб ёзади Ислом Каримов, - Ўзбекистон учун, умуман бутун Марказий Осиё минта- қаси учун нақадар юқори эканли- гини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат ва давлат атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий захиралардан оқи- лона фойдаланиш масалаларига ҳам катта эътибор бермоқда. Ат- роф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбе- кистон Республикасининг табиат- ни муҳофаза қилиш борасидаги миллий тадбирлари бошқа давлат- лар ва халқаро ташкилотлар билан кенг ва ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш иши билан қўшиб олиб борилмоқда».

Бу тадбирларни амалга оши- риш олдинги тизимдан бизга ме- рос бўлган экология соҳасидаги кўпгина иллатлар ва хатолардан холис бўлишга, экологик танглик- ка барҳам беришга, республика аҳолисини соғлом экологик муҳит- да яшашга имконият беради.



# МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСЛОҲОТИ

*«Инсоннинг эҳтишж ва манфаатлари чекиридир. Унинг руҳида мавжуд шароитдан қониқмаслик, эртанги кунни янада ёруғ, дунёни янада мукамал кўриш истаги бор. Аслида ана шу истақ ва интилиш жамият тараққиётининг асосидир...»*

*Қадрли ватандошлар!*

*Мустақиллигимизнинг биринчи йили туғилган фарзандларимиз бу йил мактабга боради. Таъбир жоиз бўлса, ўша йили эккан ниҳолларимиз мевага қира бошлади. Шукрки, ана шу инҳол - фарзандларимизни хатарли йиллардан, оғир синовлардан омон олиб ўтдик».*

**(Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзидан).**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида Президентимиз Ислам Каримов «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзuida нутқ сўзлади ва таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаби даражасига кўтариш, баркамол авлодимиз келажакка дахлдор қонуни лойиҳаларини ишлаб чиқиш хусусида батафсил фикр-мулоҳазалар билдирди.

Тафаккур юритиш инсонга хос бўлиб, у доимо ривожланиб, такомиллашиб боради. Тафаккурнинг ривожланиши таълим жараёнида амалга оширилади. Билимлар оламига кириб бориш ва англаш, тафаккурни ривожлантириш ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, унинг механизмининг идрок этиш ҳам осон кўчмайди.

Худди шу ўринда ўқитувчи-педагог йўлбошчилик қилади. Олий Мажлисининг IX сессиясида «Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз, - деди И.А.Каримов. - Аммо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак». Ўқитувчи дунёни билиш ва англаш, мустақил кадам ташлашга шогирдларини ўргатади, умумий раҳбарлик қилади. Айни пайтда давр ўтиши билан ёшларда мустақил кадам ташлаш меъёри ортиб боради, мустақил фаолият кўрсатиш иштиёки

кўчаяди, малака ва маҳорат шакллани боради.

Муסיкий таълимни компьютерлаштириш тобора реалликка айланиб борган сари олдимизда бир қатор саволлар кўндаланг бўлмоқда: бу жараён нима сабабдан ва қайси йўналиш бўйича ривожланиши керак? У яқин орада ва келажакда қандай натижалар бериши мумкин? Муסיкий таълимни тараққий эттиришда компьютер қандай ёрдам бера олиши мумкин? Шу нарса аёнки, муסיкий таълимда компьютер ёрдамчи вазифани бажаради, у ҳеч қачон асосий восита бўлишга даъвогар бўлолмайди. Машина-компьютер муסיка «ўқитувчиси» вазифасини бажариши учун ижодий субъектга айлана олиши, олам гўзаллигини англаш ва ақс эттириш қувватига эга бўлиши, товушлар оҳангдорлигини қалб оҳанглари билан уйғунлаштира олиши, юрак тўғёнларини ҳис эта олиши зарур бўлади. Бу қийин масала. Компьютер, аввало, автомат эканлигини ёддан кўтармаслигимиз керак.

Муסיкий таълим назариясини компьютерлаштириш комплекс масалаларни камраб олади. Бунда назария ва амалиётнинг бирлиги, техниканинг ўсиб боруви имкониятларини уйғунлаштирадиган ҳолатлар ҳисобга олинади. Илмий-техник ривожланиш муסיкий таълим учун узлуксиз асос яратади, у техника билан алоқага киришиб, нафакат унинг имкониятларини тушуниб олади, балки муסיкий таълимнинг асосий мақсадига яқинлашади. Муסיкий таълим учун тузилган компьютер дастурлари муסיкий-педагогик ва муסיкий-назарий фикрларнинг моддий ифодаси бўлиб ҳисобланади. Муסיка назарияси ва муסיкий таълимнинг техника билан чапишuvi уларнинг аралашиб кетишини кўзда тутмайди: полифоник мақсадларда бу таркибий қисмлар яққол ажралиб туради. Ҳар қандай масалани қараб чиқиш пайтида биз муסיка ва маданият эҳтиёжларини ҳамда техник имкониятларни фарқлай оламиз. Бошқача айтганда, компьютер-муסיкий асбобларнинг янги тури бўлиб, нафакат анъанавий асосларни сақлаб қолиш имконини беради, балки ижодкор шахс тарбиясида янги йўллар очиб беради.

Компьютерларнинг мавжуд дастурлари, асосан аниқ файлларга мослашган. Бундай дастурлар ёрдамчи машқларни бажариш характерига эга бўлиб, шартли ўқув мақсадларига йўналтирилади ҳамда гўзаллик ҳақидаги тасаввурларга тааллуқли бўлмайди:

- компьютердан муסיка асослари, сольфеджио, гармония, муסיка назарияси файлларини ўқитишда фойдаланиш мумкин;

- компьютер зарур бўлган маълумотларни (муסיка тарихи, компьютерлар таржимаи холи, уларнинг ижоди ҳақидаги маълумотлар) ўзида сақлай оладики, булардан келгусида фойдаланиш мумкин.

Муסיканинг элементар асослари қуреларида компьютер имкониятларидан фойдаланиш имконияти йўқка чиқадими? Йўқ, бу ўринда бошқа типдаги «машина»лар - бастакор ва ижрочиларнинг ёрдамлари зарур бўлади. Масалан, оркестрлаштириш курсини олиб кўрайлик. Бундаги жиддий камчилик шундан иборатки, талаба ҳеч қачон ўз меҳнати махсулини овоз оҳангдорлигини эшита олмайди, аслида ички эшитиш қобилиятини тарбиялаш учун тескари алоқа - эшитилган нарсани текшириб кўриш зарур. Маълумки, ҳатто оркестрнинг гениал билимдонлари учун ҳам партитурадаги реал жарангдорлик қутилмаган ҳолат ҳисобланган. Нима сабабдан? Сабаби шундаки, ички эшитиш қобилияти реал оҳангдорликни тони, обертони ва бошқа тафсилотларини ўзаро алоқада намоён қилади. Шунинг учун ҳам ички оркестр эшитиш қобилиятини ривожлантириш тезкор тескари алокани талаб қилади; оркестрлаштиришни ўрганаётган талаба партитура ёзаётган вақтидаёқ уни эшитиб кўриш ва тузатиш киритиш имконига эга бўлиши керак. Шундай имкониятдан композитор ҳам фойдаланиши мумкин. Талаба-муסיқашунос эса композиторлардан муסיка тахлили, моделлаштиришнинг янги усулларини ўрганади.

**Феруза ЁҚУБОВА.**

# ЖАМИАТНИНГ ҶУЗИНИ АЙТЛАШИ

Иқтисодийнинг сиёсатдан устуворлиги тўғрисидаги тезис Ўзбекистонда ишлаб чиқилган янги шароитларга ўтиш миллий концепцияси асосларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга Ўзбекистон шароитида алоҳида иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жаҳон савдо йўлларига дадил кириб боришга ҳам боғлиқдир. Ўзбекистоннинг прогрессив ривожлантириш мезони ягона мақбуллик мезони бўлиши керак. Республиканинг ташқи сиёсати ҳаракатларига тадбиқан бу республиканинг атрофдаги дунё билан ўзаро боғлиқ иккита негизда: бир томондан, Ўзбекистон ички жамиятини ислоҳ қилишнинг ҳар томонлама ва тезкор тусда, иккинчи томондан, жаҳондаги шу каби ўзгаришлар билан ўхшашликда ўзаро ҳамкорлик жараёнини таъминлашни англатади. Негаки, бизнингча, Ўзбекистон аҳолисининг ўз-ўзини англашини, умумий жиҳатдан, куйидаги бешта омил билан ифодалаш мумкин:

- И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «илдизлари турмушнинг аъанавий жамоа тузумига бориб тақаладиган» аъанавий жамият. Ривожланишнинг тарихий йўли ва маънавий мерос, тафаккур образига алоҳида жиҳатлар бахш этиб, аъаналар ва урф-одатларнинг катта ролини «аъанавий» яшаш жойларга боғланганликни, миграцияга мойил эмасликни» шарт қилиб қўйган ҳолда маънавий-ахлоқий онгни ва турмуш тарзини шакллантирди ҳамда унга таъсир кўрсатишда давом этмоқда;

- Марказий Осиё минтақасида барча турли параметрлари бўйича (аммо ҳеч қачон миллий белгиси бўйича эмас) бирлашган давлатлар мавжуд бўлган. Биргина Бухоро, Қўқон, Хива хонликларини олиб кўрсак, унда миллий белги ҳеч қачон маҳаллий давлатчиликка асос бўлмаганлигини кўрамиз. Бу ерда яшаган барча халқлар, турли ички зиддиятларга эга бўлгани ҳолда иза ўз миллий мансубликларини англашиб, шунга қарамай ўзларини ташқи атрофга нисбатан ягона дёб ҳис қилишган, чунки буни асоси-

да ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар миллий маданиятларининг, урф-одатлари ва аъаналарининг яқинлиги, ҳамкорлик қилиш зарурати, умумий манфаатлар, ягона дин, ҳаёт тарзи, тарихий ривожланиш, ҳудуднинг муштараклиги ётарди. Шакшубҳасиз, шуни қайд этиш керакки, минтақа халқлари тақдирларининг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини, улар манфаатларининг ягоналигини англаш, ягона йўл сифатидаги мутаносибликни излаш дунёни идрок этишнинг бир қисми ҳисобланади;

- қўшничилик омили умумий тарихий муҳитни тақозо этадики, бу халқларнинг дунёқарашига ўз таъсирини кўрсатади. Тарихдан келиб чиқилса, ҳар қайси давлат чегараси (Европа давлатларидан фарқли равишда) ҳозирги вақтдагиларига тўғри келмайди, қолаверса, бу чегараларнинг ўзи ҳам муттасил ўзгариб турган ва бу ерларда яшовчи ҳамда доимий равишда жойини ўзгартириб турган халқлар учун кўчма бўлган (масалан, таниқли мутафаккир Ал-Хоразмий Бағдодда ижод қилган, буюк Алишер Навоий Ҳиротда дафн этилган). Оммавий қатагонлик йилларида кўпгина ватандошларимиз Афғонистондан бошпана топишган.

Совет ҳокимиятининг 70 йилдан ташқари, ҳеч қачон, ҳар қандай кулфатли йилларда ҳам ўзбеклар қўшни давлатлар, халқлар билан муносабатларини узмаганлар. Бу уларнинг ўзини бутуннинг бир қисми сифатида идрок этишларида, атроф дунёни билишларида муайян таъсир кўрсатди. Бу энди «очиклик ва аъаналар»дан иборат икки тамойилнинг учинчи таркибий бўлагидир;

- Шарқ муайян нормалар, қоидалар, намуналар шаклидаги ўз маданиятига, муайян ахлоқ-одобга, тафаккурга эга. Юқори билим даражаси билан диний уйғунлик унинг ўзига хос жиҳатларидандир. Бунда илмга, маънавий кадриятларга бўлган интилиш ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бу интилиш доимий бўлиб ҳурмат билан муносабатда

бўлишни, ҳатто ўзига хос сажда қилишни талаб ётарди. Булар одамларнинг юриш-туришларига, мулоқотда бўлиш усул ва шакллари таъсир кўрсатадиган ижтимоий-руҳий йўл-йўриқларда, эҳтиёжларда, кадриятларда ўз аксини топди. Ўзбекистонда кейинги юз йил мобайнида тафаккур, менталитет анча ўзгарди. Чунончи, хотин-қизларнинг роли қайта кўриб чиқилиб, уларнинг фаол иштироки, мустақиллигига эътибор кучайтирилди. Булар эҳтиёжлар, кадриятлар, ахлоқ мезонларига муайян даражада таъсир кўрсатди ва, умуман олганда, ушбу жиҳатдан Шарқнинг бошқа мамлакатларидан тафовутларнинг ривожланишига ёрдам берди. Шу билан бирга, ислом миллий ахлоқ, маданият, миллий характер, ахлоқий кодекс, шахснинг орзу-умидлари шаклланишида катта роль ўйнайди ва ўйнамоқда. Муслмон дини ушбу маънода алоҳида ўрин тутади, чунки у эътиқод, қонун ва жамият ўртасидаги алоқани тақозо этади. Ислмо ягона дунёқараш сифатида, ташқи сиёсат характерини ва йўналишини шакллантириб барча муслмон давлатлари фаолиятини муайян андозага солади. У халқларни яқинлаштирувчи ва жипслаштирувчи омил сифатида давлатлараро муносабатларнинг самарали бўлишида яна бир туртки ролини ўйнайди. Шундай қилиб, ислом омили - ташқи сиёсатни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайдиган дунёни идрок этишнинг тўртинчи ёрдамчи босқичи ҳисобланади;

- ўзбек халқи ривожининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб тақрорланмас йўли натижасида уни бошқалардан жиддий фарқловчи жиҳатларини вужудга келтирди. Ўзбек жамияти шарқона бўлиб, ўзининг кучли аъаналарига, яқин ва узок қўшнилари билан алоқаларга эгадир. Муайян ноаъанавий йўл-йўриқларни келтириб чиқарган тарихий йўл ўтмиш билан ҳозирги вақт ўртасидаги алоқани таҳлил этишни талаб қилади. Бу орзу қилган истиқболга элтувчи йўлни объектив баҳолашда ёрдам беради. Бу - дунёни идрок қилишнинг бешинчи ёрдамчи босқичидир.

**Севара ШАРОПОВА,**  
Тошкент Давлат  
шарқшунослик  
институтини аспиранти.





# БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИЗАЙН

Демократик жамиятимизнинг энг муҳим мақсадларидан бири инсоннинг маънавий, моддий камолоти ҳамда ижодий фаолиятига етарлича имкониятлар яратиб беришдир. Жаҳонда юксак тараққиётга эришган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, халқнинг илмий, маданий билим даражасининг етуқлиги жамият ривожига катта таъсир кўрсатади. Жамиятимизда содир бўлаётган хайрли ўзгаришлар шарофати билан янги-янги ташкил қилинаётган мактаб, коллеж, тасвирий санъат устaxonаларида тахсил олаётган ёшларнинг эстетик тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Инсон ижодий фаоллиги, ҳар томонлама камол топишининг муҳим асосларидан бири унинг эстетик тўлақонлигидир. Инсон жисм ва нарсалар қуршовида яшайди. Ранг-баранг нарсалар ва жисмлар дунёси борлиққа гўзаллик, нафосат қонуни орқали қарашга ундайди. Бу ўз ўрнида меҳнат маданияти, меҳнат, дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш шароитини шакллантиришни тақозо этади.

Бозор иқтисодининг шаклланиши юксак эстетик камолотни, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни гўзал ва сифатли бўлишини талаб қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжини ҳар томонлама қондиришга қодир, биринчи навбатда харидорларнинг дид ва талабларини қондира оладиган гўзал, бежирим, ишлатишга қулай рақобатбардор бўлмоғи шарт.

Юртимизга хориж сармояларининг кириб келиши, қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши, саноати юксак даражада ривож топган Япония, АҚШ, Корея, Франция, Англия каби давлатлар кўрғазмалари республикамиз конструкторларини, лойиҳаловчиларини, талабаларни дунё миқёсида ривож топган янги мутахассисликлар билан танитиш имкониятини туғдирди. Бунга Ўзбекистон - Корея янги автомобиль ишлаб чиқариш қўшма корхонаси ва Олмония - Ўзбекистон қўшма корхонаси ҳамда бошқа давлатлар билан тузилган оғир ва енгил саноатдаги қўшма корхоналарни мисол қилиш мумкин.

Ҳозирга келиб республикамиз раҳбарияти мазкур мутахассисликка алоҳида эътибор билан қараб, 1990 йили Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети қошида саноат дизайнерлик бўлими, Тўқимачилик, Мезморчилик институтларида ҳам худди шундай бўлимларнинг очили-

ши шу соҳадаги ижобий йўналишлардан дарак беради.

Ўзбекистон худудига қадимдан шакланган, жажоний шухрат қозонган нафис санъатлар мактабининг ноёб аънаваларини авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш миллий тасвирий, амалий миниатюра санъатимизнинг нодир дурдоналарини дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий гурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, замон талабларига мос бадиий таълим тизимини барпо этиш, юқори маънавли мутахассислар тайёрлаш, академик илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 январь фармонида асосан Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этилиши ва унинг қошида Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг очилиши ҳамда шу институт таркибида Бадиий ишлаб чиқариш санъати факультетининг йўлга қўйилиши барча вазифаларни амалга ошириш мосламаларини лойиҳачи-конструктор рассомлар зиммасига катта масъулият юклайди. Шунинг учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотни лойиҳаловчи конструктор ҳамкорлигида муҳокама қилмасдан тасаввур қилиш қийин. Маҳсулотнинг ранги, ҳажми, кўриниши, фойдаланишга қулайлиги харидорнинг эътиборидан четда қолмайди, албатта.

Маҳсулот ишлаб чиқариш бирлашмалари, саноатнинг тўлақонли тармоқлари жаҳон бозоридаги кучли рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни сифат кўрсаткичлари юксак бўлишини таъминлай оладиган дастурий тадбирлар ишлаб чиқмоқдалар. Турли-туман буюмларнинг кўриниши ва уларнинг зарурийлиги бири-бири билан боғлиқдир. Зарурийлик даражаси билан гўзаллиги ўзаро монанд бўлган маҳсулотга ўз ўрнига эга бўла олади. Лойиҳачи-рассом бадиий томонларига эмас, маҳсулотнинг сифатига, истеъмол учун қулайлигига ҳам муҳандис-конструктор билан бир қаторда жавоб бериши лозим.

Гўзаллик ва қулайлик, эстетик бежиримлилик бадиий лойиҳалашнинг етакчи ижодий ақидасидир. Рассом саноат ишлаб чиқаришнинг эстетик қонуниятларига таянган ҳолда эътиборни ўзига жалб қиладиган аниқ бир бадиий шаклни яратади.

Шу туйғули эстетик сифат буюмнинг асл моҳиятига айланади ва рассом ижодининг янги-янги жозибали хусусият ва қирраларини аниқ бир шаклларда намоён қилади. Фақат шундагина буюмни бежирим ва гўзал деб баҳолаш мумкин бўлади.

Демократик жамият шароитида бадиий конструкциялашнинг мақсади буюмлар доирасини фаол қайта ишлаб чиқариш, инсоннинг ҳар томонлама тараққий этиши учун ўзининг муносиб ҳиссасини кўшишдир. Бадиий конструкциялашнинг диққат-марказидан инсон ва унинг жамиятдаги шахсий эҳтиёжлари, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг рентабеллик талаблари туради. Рассом-конструкторларнинг меҳнат самараси чиройли ва қулай саноат маҳсулотларидир.

Рассом-конструкторлар мамлакат ва халқаро доирадаги кўрғазмаларда фаол қатнашишлари керак. Рассом-конструктор ижодий жамоалар, муҳандис, конструктор олим, технолог, иқтисодчи, ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда иш олиб бориши, маҳсулотнинг энг маъқул турини ишлаб чиқара олиши ва кундалик самара билан қаноатланмай, эртанги кун истиқболли илмий ва техник ғоялар асосида ярата билиши керак.

Рассом-конструкторларнинг вазифаси андоза ва лойиҳани яратишгина бўлиб қолмай, шу билан бирга ишчи чизмасидан тайёр нусхалар ярата оладиган ва иқтисодий ечимни яқинини топиши лозим бўлган ижодкордир.

Рассом-конструктор ишлаётганда албатта, замонавий тижорат талабларини билиши керак: ахборотбоблик, эмоционал жозибадорлик, ташвиқот таъсирчанлиги, фойдаланиш ва технологик қулайлиги, полиграфик бажарилиши.

Бадиий лойиҳалаш – конструкциялаш буюм яратишдагина эмас, балки рассом буюмлар яратар экан, у буюмга ўзига хос нафосат битиб, унда инсоний қадриятларни шакллантиради ва инсонга шу буюмлар орасида яшашга муҳит яратади, буюмларга нисбатан муносабатини мустаҳкамлайди ва бу орқали одамларда жамиятга, меҳнатга муносабат уйғотади. Бадиий лойиҳалаш – конструкциялаш муҳим маънавий, руҳий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

**Аблаберди ЭГАМОВ,**  
доцент.



«ОВОЗИМ МЕНИНГ  
- АРМОНИМ  
МЕНИНГ»



Озода мактабнинг булбули эди. Аммо кўшик айтган куни уйда хамиша ороми бузилган бувижониси кутиб оларди.

- Сизга нима бўлди бувижон?

Тожинисо буви эса ўзини набирасининг саволини эшитмаганга соларди.

- Кўшик айтдингми кизалоғим?

- Ха, айтдим!

- Айтмасанг нима қиларди, жон болам.

- Айтгим келади-да, бувижон, - ялинчок нигоҳ билан боқарди Озода.

...Озода мактабни тугатиб Маннон Уйғур номидаги Санъат олийгоҳи талабаси бўлди.

У бўш қолди дегунча Саодат опанинг кўшиқлари ёзилган пластинкага тинчлик бермасди. Юрган йўлида, қилаётган юмуши устида ҳам Саодат Кобулованинг "Буқўнғил", "Дугоҳ", "Самарқанд ушшоғи" кўшиқларини хиргойи қилиб юрарди.

Ёшларнинг меҳрибон мураббийси, институтнинг тажрибали ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиева Озодани чақириб шундай деди:

- Сени Саодат Қобулова билан таништиришим керак-да. Опа бизга шундоқ кўшни турадилар.

Назира Алиева Озоданинг суйган кўшиқчиси-ю, кўшиқларини яхши биларди. Шунинг учун ҳам Озоданинг кўнглига хуш ёқадиган таклифни айтган эди.

Биринчи учрашувнинг ўзидаёқ Саодат опа билан Озода осонгина тил топилди. Бири олиб, бири қўйиб худди баҳс бойлашгандек кўшиқлар айтишди. Сухбат факат кўшик ва кўшиқчилик санъати хақида борди.

- Озодахон бундай овоз ҳаммада ҳам бўлавермайди. Сиз бу товушни эхтиёт қилинг кизим, - дея насиҳат берди Саодат опа.

Саодат опа билан Наима Пўлатова кўшиқларидан баҳраманд бўлиш Озоданинг энг тотли, хузурбахш лаҳзаларидан бири ҳисобланади.

Саодат Кобулова Озодани нукул "Сиз Тошкентда қолишингиз керак.

Мана шу Навоий театри сизнинг жойингиз. Товушингизни увол қилманг", - деб бот-бот айтарди.

Олийгоҳда эса Сирдарё вилоятида янги театр очилаётганимиш. Иккала курс талабаларини ёппасига ўша ёққа жўнатишармиш, деган гап тарқалди. "Чўлга боргандан кўра Ушга борганим яхши эмасми", - ўйлади Озода Тошкентда қолиш нияти пучга чиққанини сезаркан. Уртага Саодат Кобулованинг аралашуви ҳам иш бермади. Ишга жўнатиш шарт-шароитлари билан танишган Саодат опа Озодага секин тушунтирди.

- Озодахон, Сирдарёга борасиз. Лекин атиги уч ой ишлаб берсангиз бўлди. Битта аризани ёзасизда, ишдан бўшаб шартта Тошкентга қайтасиз, тушундингизми.

Озода ана шундай зарҳалли режалар билан Сирдарё театрига ишга келди. Театрнинг илк спектакли талабаларнинг диплом иши ҳисобланган "Аршин мол олон" мусикали комедиясидан бошланди. Озода бу спектаклда Гулчехрани ижро этиб, "аъло" баҳога сазовор бўлди.

Хар қалай янги театрнинг пешонаси ярқираган экан. Бари актёрлар ёшлардан иборат эмасми, кизиқувчанлик, курашувчанлик, шиддаткор руждаги бу ёшлар ҳеч тиниб, тинчишмасди. Спектаклдан ташқари, концерт дастурлари, интермедиялар намойиш этишарди. Озода ҳам концерт дастурларида иштирок этиб, турли миллатлар кўшиқларини айтиб чўлқуварлар дилидан жой ола бошлади.

Ха, Озода кўшик айтарди. Роллар ижро этарди, томошабинлар олқиши, қарсақлар. Лекин қалби қаноат топмасди. Дарвоқе, Саодат опа уқтиргандек театрдан кетиш тўғрисидаги биринчи ариза ёзилганда ҳам руҳсат бўлмади. Иккинчиси ёзилди, яна рад этилди.

Алқисса, ана кетаман, мана кетаман деб кунлар ойлар физиллаб ўтаверди. Бир томондан театрдаги жўшқин ҳаёт, кадрдон дўстларини ҳам кўзи қиймади.

Бир куни театр раҳбарларидан бири



"Хўйлаи шаръий" спектаклида Озода Абдуллаева Малак роллида.

секин Озодага оғиз очди:

- Озода кизим! Ақли, маҳоратли, эсли-хушли кизсан. Аммо ҳадеб сахнани ўйлай бермай оила деган қутлуғ иморатни тиклаш хақида ҳам қайғуриш керак. Анави Адхам Абдуллаевимиз жуда бамаъни йигитга ўхшайди...

Санъаткорлар ҳаёти жуда кизик-да. Ўш шахрида никоҳдан ўтган икки ёш ўша куни Гулистонда Маннон Фанининг "Виждон" спектаклида қатнашишлари керак. Спектаклда Озода Абдуллаева она роллида, Адхам Абдуллаев эса ўғли ролини ижро этарди. Улар инсон ҳаёти давомида бир мартагина ҳаля этиладиган бахтли лаҳзалар, хаяжонлар таъсириданми, иккови ҳам сахнага никоҳ узуклари билан чиқиб кетишибди.

Менимча ҳар бир аёл қанчалик буюқ бўлмасин, оила қургач, баъзи бир нарсаларни қурбон қилишга тўғри келади. Бу қурбонлик эса оиланинг тинчлиги, кўркамлиги, инноклиги учун. Шундай қилиб, Озоданинг Навоий номидаги опера театри сахнасида чиқиши юрагида армон бўлиб қолди.

Оила, уй, рўзғор, театр. Озода театрнинг жамоат ишларида фаол қатнашди. У театр хотин-қизлар кенгашининг раиси ва Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг аъзоси. Ўз ижоди, меҳнат фаолияти мубайнида "Шавкатли меҳнати учун" медали олган, 20 га яқин мақтов ёрлиқлари билан тақдирланган. Озоданинг оилада ҳам бахти чопди. У уч фарзанднинг онасидир.

Ҳам она, ҳам санъаткор бўлган Озодахон ўз ҳаёт йўлидан мамнун бўлиб, ёниб, бахтиёр овоз билан қуйламоқда.

**Сабоҳат НОРБЎТАЕВА,**  
Сирдарё.

Ҳайбатилла АЛИЕВ:

## «ЭНГ МУҲИМИ - ИНТИЗОМ»

Ўзбекистон телевидениесининг истеъдодли режиссёри Ҳайбатилла Алиевнинг номи узоқ йиллардан буён телетомошабинларга яхши таниш. У режиссёрлик қилган «Абадият қонуни», «Сўнги ўқ» видеофильмлари, «Унутилган гўша», «Уфқ», «Евгения Гранде» телевизион театрлари, «Жафо қилма», «Сайдинг кўя бер, сайёд» мусиқали драмалари каби кўплаб ижодининг энг дурдоналари телевидениенинг олтин фондидан жой олган.

- Яқиндагина "зангори экран" орқали ёзувчи Тоҳир Маликнинг қиссаси асосида яратилган «Сўнги ўқ» видеофильми қайта намойиш этилди. Айтиш мумкинки, бу асар сизнинг сермахсул ижодингиздаги энг катта ишлардан бири. Сизнинг маҳоратингиз актёрларнинг уюшқоқ гуруҳини яратишда, роллар тақсимида кўришиб турибди.

- «Сўнги ўқ»да Ўзбекистон республикасининг яқин ўтмишдаги ҳаёти аниқ, очиқ тасвирланган. Унда бошимизга тушган қора кунлар ҳам, яхши кунлар ҳам акс эттирилган. Видеофильми кўргач ёш авлодда турли фикр-мулоҳаза пайдо бўлганига, уларни инқилоб туфайли турли ўлкаларда дарбадар юришга мажбур бўлган Жаҳонгир (артист Ё.Саъдиев), Хадича (Г.Жамилова) ҳамда уларнинг ҳамқишлоқлари тақдирлари бефарқ қолдирмаган бўлса керак, деб ўйлайман.

«Сўнги ўқ»нинг яна бир муваффақияти миллий адабиётимиз намуналарига мурожаат этиб, кўпдан кўп телесериаллар яратиш йўллари-дан бирини кўрсатди. Видеофильм санъат турларининг энг фаол жанрларидан бири сифатида жаҳонда тан олинганига кўп бўлди. Лекин видеофильм нима? Биз кўраётган, бизга видеофильм деб тақдим этилаётган асарлар шу талабга жавоб берадими, йўқми, бу бошқа масала.

Агар телевидение театр, кино,

радио омукталари (озуқасида) дунёга келган бўлса, ҳозирги кунда мустақил бир олам бўлиб яшайпти. Лекин кинодан, театрдан, ҳатто радиодан ўзиб кета олгани йўқ. Эътибор нуқтаи назардан олдинга чиқиб олди, санъат даражасига кўтарила олмади. Ўз эстетикасини мукамал яратолмади. Бунга сабаблар кўп. Ва энг биринчи сабаб: телевидение ходимларининг нўноқлиги, илмий савияси, ижодий имкониятлари пастлигидир.

- *Сценарий ёзаётганингизда асарга бироз ўзгаришлар киритибсиз шекилли?*

- Видеофильм яратилаётган ҳар қандай проза асари тўлалигича экранга чиқолмайди. Роман ёзувчи томонидан ўқиш учун, кўпинча ёлғиз, хотиржамликда мутолаа қилиш учун ёзилади. Ва китобхон яхши асардан маънавий озуқа олади, одоб ўрганади, ўзига бегона бўлган мутолаа давомида қалбига яқин бўлиб қолаётган инсонларнинг қувончига шерик бўлади, қайғусига ҳамлард бўлади. Бу инсонга олам-олам ёруғлик, рўшнолик бахш этади. Мен шу асарлар асосида видеофильм яратишим жараёнида Тоҳир Маликка хиёнат қилмасликка ҳаракат қилдим. Асар муаллифининг ижодий маҳсулини бойитишга, мақсадларини улардан кўра ёрқинроқ қилишга, улар баён этган воқеаларни янада кўркамроқ бўлишига ҳаракат қил-

дим. Ва бирмунча ниятимга етдим деб ҳисоблайман. «Сўнги ўқ» видеофильмини яратишда бир неча қўшимча саҳналар ёзилди. Булар видеофильмдаги воқеалар ривожига катта ҳисса қўшди. Масалан, қиссада муаллиф қаҳрамонлари Жаҳонгир ва Оламгир ўртасидаги муносабатларни кенг ёритган бўлса, яна бир ака-ука Зокирхўжа ва Шокирхўжа деганларга кам ўрин берилган эди. Видеофильмда эса иккита катта саҳна яратилди. Асарда Мадаминбек образи йўқ. Фильмда эса бунинг учун бир саҳна ажратилди. Хадича образи романдагига нисбатан анча кенгайтирилди. Натижада «Сўнги ўқ» видеофильмидаги ягона аёл образи узоқ ёдимизда қоладиган, катта эътиборга лойиқ шахс сифатида намоён бўлди. Кирилтилан ўзгаришларнинг бари ёзувчи билан келишилган, маслаҳатлашилган ҳолда амалга оширилди. Биз яратган етти қисмли видеофильм «Сўнги ўқ» романининг нусхаси десак хато бўлади. Романни ўқиш керак, у видеофильмга нисбатан ҳажми кенг, ўқишга арзийдиган асар.

- *Актёрларнинг ижроси Сизни тўла қониқтирганми? Актёрларни қай йўсинда танлайсиз?*

- Энг аввало, актёрларнинг қалби рол ўйнаши керак деб ўйлайман. Тўғри танланган ижрочилар ҳам муваффақият гаровидир. Видеофильмда республикаимизнинг 7 театрдан актёрлар қатнашишган. Ҳар бир образни ким ўйнайди деб турли мунозаралар қилдик. Масалан, Файрат Убайдуллаев Сергей Комлевни ўйнади. Бу билан биз актёрнинг янги қиррасини кашф қилдик. Хонанда Уринбой Нуралиев Зокирхўжа ролини ижро этди. Бош рол ижрочилари ҳақида гапирмай кўя қолайлик. Гулчеҳра Жамилованинг уятчан, ор-номусли, севги қадрига етадиган, оила олдидаги бурчини ниҳоятда огир, мураккаб шароитда адо этиб келаётган Хадичаси, Ҳожиакбар Нурматовнинг вазмин, сермулоҳаза қаҳрамони - Дамин ҳаммининг ёдида қолди. Актёрлар ҳам, бошқа техник ходимлар ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан бажарганлар.

- *Нега инсценировкада Ойниса образи йўқ?*

- Бадиий асар ўқиш учун яратилади ва уни ўқувчи ўзининг иқтидори бўйича тушунади ва кўради. Видеофильм эса томоша асари. Томошабин уни кўрганда эстетик завқ олиши, кимларгадир мактаб бўлиши керак. Воқеалар тўхтаб қолмасдан

хатти-ҳаракати ривожланиб бормоғи лозим. Жаҳонгирнинг Украинага бориши, Белоруссия ўрмонларини кезиши - улар аслида видеофильм учун бирон-бир наф келтирмайди. Шунинг учун ҳам Ойниса образи талқин қилинмади.

- *Видеофильм учун жойларни ким танлаган?*

- Ким бўларди, албатта ўзим қидирдим, изладим. Воқеаларнинг кўпи Кумушконда, Паркент қишлоқларида суратга олинган. Баъзилари Акмал Икромов, Тошкент район милицияларида, Ўртаовулдаги ҳибсхонада туширилган. Бу ишда Ички ишлар вазирлигининг ёрдами катта бўлди. Уларга яна бир бор миннатдорчилик билдираман.

- *Фильм тугалланганига ҳам бир неча йил бўлди. Томошабинлар ҳам, мутахассислар ҳам ўзларининг юксак баҳоларини бериб бўлишди. Орадан шунча вақт ўтди. Агар Сиздан шу фильмни яна қайтадан суратга олишни илтимос қилишса, ўзгартиришлар киритар эдингизми?*

- Агар ҳозир қайтадан қўйсам, унга янада олов, жозиба берардим. Баъзи ўринларда актёрларга ўзимнинг фикримни тушунтиролмаганман. Ана шуларни тўғрилардим. Бу ижодий жараён. Ижодкор то умрининг охиригача имтиҳон топшираверали.

- *Баъзи бир ижодкорлар билан суҳбатлашганимизда «бадший китобларни ўқишга вақт етмайди» деган*

*сўзларни айтишади. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?*

- Мен Саид Аҳмад, Тоҳир Малик, Ўткир Ҳошимов, Хайриддин Султонов асарларини қайта-қайта ўқишдан чарчамайман. Бу асарлардаги режиссёр учун энг муҳим жиҳатларни қисқача шундай баён қилиш мумкин: асарларда ортиқча, ўткинчи образлар учрамайди, асардаги ҳар бир қимирлаган жоннинг ўз дарди-ҳасрати, ўзига хос қувончи, саховатли халқимизнинг энг диққатли қирралари, урф-одатлари, туриш-турмушлари мана мен деб туради.

Бир мисол: «Уфқ» романи асосида яратилган икки қисмлик телетеатр кўрсатилгандан кейин бир суҳбатда Саид Аҳмад ака режиссёрлик топилмаларига, актёрлар ижросига тўхталиб: «Мен Рисолат образини бу қадар мукамал-ёрқин ёзганимга Тўти Юсупова ижросидан кейин ишондим», деган эдилар. Чунки Тўти опа Рисолат образини ўз ижроси билан бойитган, ривожлантирган эди.

- *Ойнаи жаҳонда кўрсатилган ва телетомошабинлар давомини интизорлик билан кутаётган «Домла», «Кўнгил кўчалари» видеофильмлари ҳақида нималар дея оласиз?*

- Кўп қисмлик видеофильмлар яратиш бизда энди урф бўлиб келаяпти. Бу соҳада кўп тер тўкиш, ижодий изланиш, фидойилик керак бўлади. Албатта, биз томоша қилган, ижодий иши давом этаётган «Домла», «Кўнгил кўчалари» видео-

фильмлари бу соҳада Ўзбекистон телевидениесининг қалдирғоч асарлари. Уларда кўнглимиз тўлмаган, қабул қилишимиз қийин бўлган камчиликлар бор. Бу соҳада изланишлар давом этади. Бу видеофильмларда йўл қўйилган камчиликларни, кемтикларни, шошма-шошарликларни кейинги ижодий ишимизда қайтармаслигимиз керак.

- *Энди биров чекинсак. Ҳар бир одам болалигидан кимдир бўлишни орзу қилади. Баъзилар ниятига етади, баъзилар эса... Айтингчи, нима учун режиссёрлик касбини танлагансиз?*

- Биласизми қизим, режиссёрлик ноёб касб, чунки у кадр ортида қолади. Режиссёр сиёсатчи, ташкилотчи, психолог, ўқитувчи, қаламкаш бўла олиши керак. Булардан ташқари у ўзи ёза билиши, таржима ҳам қила олиши лозим.

Ўзбекистон телевидениесига режиссёрлик лавозимига юрган салкам 200 та ижодкор бор. Мен шуларнинг бириман холос. Режиссёр ҳар томонлама мукамал тарбия топган, ўқимишли ҳамда ҳасад балосидан узоқ, фидойи инсон бўлиши зарур. Режиссёр ҳар бир яратган асари билан янги кўриқ очувчи ижодкор. Бу тушунча ҳамма соҳадаги режиссёрларга тааллуқли: телевидение, кино, театр...

Ҳаётни борлигича тасвирласангиз томошабин уни кўрмайди. Қачонки ҳаётнинг зўр драматик нуқталарини олиб чиқсангиз халқ томоша қилади. Масалан, айтайлик, туғиш арафасида турган аёлни олайлик. У ўлим билан ҳаёт ўртасида курашаяпти. Унинг чор-атрофдагиларга муносабати, қайнона-қайноганинг, қайнсингилларнинг унга муносабати қандай? Бу дамлар ана шу аёл учун ҳаётнинг энг нозик нуқталари. Режиссёр кўп нарсаларни ҳис қилиши, идрок этиши керак.

- *Театр режиссёри билан ойнаи жаҳонда ишлайдиган режиссёр ўртасида ҳам анчагина фарқ бор. Бу ҳаммамизга аён. Сизнингча телевидение режиссёри учун энг муҳим нарса нима?*

- Энг муҳим нарса - интизом. Бундан ташқари муҳандислар ва операторлар ўз касбининг устаси бўлсагина режиссёрнинг меҳнати ялт этиб кўзга ташланади.

- *Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.*



*Ҳайбатилла Алиев "Сўнги ўқ" видеофильми ижодкорлари билан.*

**Маънура НАБИЕВА**  
*суҳбатлашди.*

Бобурнинг шеърий мероси унча катта бўлмаса-да, ўзининг гоявий-бадий моҳияти билан алоҳида ажралиб туради. Шоир шеъриятининг, хусусан, лирикасининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, маснавий ва бошқа жанрларда ёзилган асарларнинг аксарияти Бобур фаолиятининг у ёки бу воқеа-ходисалари билан ҳамбарчас боғлиқлигидадир. Яна бир муҳим жиҳати, шоир бу воқеликни содда ва равои тилда ифодалайди.

Бобур воқеликни бетакрор идрок этишга ҳаракат қилади. Шоир санъаткорлигининг ана шу бетакрор жиҳатларини у яшаган давр белгилаб беради. Ижтимоий муҳитнинг ўзи Бобурга янги мавзулар, ўзига хос мазмуни ва шунга яраша ифода шаклларини танлаш имкониятини яратди. Бобур шеърияти хақида гаширар эканмиз, унинг анъанавий поэтик воситалардан қанчалик моҳирлик билан фойдаланиб, уларни ривожлантирганлигини, бадий тафаккур камолига қанчалик ҳисса қўшганлигини назарда тутамиз. Чунки шоирнинг бадий маҳорати шеърларининг мазмунан бой ва шаклан гўзал мутаносибликда тажассум топиши билан белгиланади.

Бобур шеъриятини шакли аруз вазнида ифодаланган. Хар бир шеърдаги ҳаётий мазмун тақозосига кўра арузнинг турли вазнлари истифода этилган. Булар лирик қаҳрамоннинг рухий ҳолати кечинмалари, ўй-мушоҳадалари бадий ифодасидир. Бу омил Бобур шеърларининг ниҳоятда мазмуни, ҳаётий ва катта завқ бағишловчи тафаккур маҳсули сифатида ўқувчига чуқур таъсир қилади. Хар бир шеърдаги ижтимоий мазмун ўзига хос вазни, фикрий кечинмаларни, хиссий тафаккурни ўзида мужасамлаштирган:

*Келтурса юз балони ўшал  
бевафо манга,*

*Келсун агар юзумни эвурсам,  
бало манга.*

*Нетгаймен ул рафиқ била  
ким, қилур баса,*

*Меҳру вафо рақибга, жавру  
жафо манга.*

Шоир бу ғазалда фикр-кечинма ривожига муносиб оҳанг-ритм танлаган ҳамда лирик қаҳрамоннинг маҳзун ҳолати, жабру ситам туйғуларини ифодалаган.



Мазкур ғазалда очик бўғинлар, ҳаракат сокиларининг маълум даражада такрори шеърий оҳанглар ритмининг ўзига хослигини вужудга келтирган.

Ғазалдаги рукиларда ёпиқ бўғинлар (мустафъилун) такрорининг кўплиги ғазалнинг умумий руҳига маълум даражада таъсир этган. Шоир бундай ҳолатга фақат шаклий, яъни вазн тусланиши орқали эришган эмас. Бу ўринда Бобур ғазал мазмуни билан ҳамбарчас боғлиқ бошқа бадий воситаларни қўллаш орқали ҳам бадий гўзалликка эришган. Шоир ғазал матлаида «бало» сўзларини таърифлаш орқали интизом санъатини қўллайди ва ўқувчини ўз кечинмаларига ишонтиради, бевафо ёри қанчалик балолар келтурмасин, унда кечолмаслигини таъкидлайди.

Яна бу байтнинг ўзида биринчи мисрада «юз» сўзи орқали 100 рақами назарда тутилса, иккинчи мисрадаги «юз» сўзи эса «бет» маъносидадир. Бу ўринда шоир омонимия ходисасидан унумли фойдаланган. Иккинчи байтда эса антонимия усули қўлланиб «рафиқ», яъни «дўст» сўзининг зиддига рақиб, меҳру вафо сўзларига эса жабру-жафо қарама-қарши қўйилади. Ёр васлига етишишдаги зиддият ва қийинчиликларни бўрттириб кўрсатишга муяссар бўлади. Иккинчи ғазалнинг биринчисидан яна бир фарқи шундаки, хижрон туфайли ёрнинг фазилатларини, ошиққа завқ бағишловчи жиҳатларини эслатиб, рухий тасвир кучайтирилган. Хар иккала ғазалда қофия ва радифлар, лирик қаҳрамон кечинмаларини янада тиниқроқ ва тўлароқ очиб беришга қаратилгани ғазалларнинг шаклий баркамоллигини таъминлаган.

Биринчи ғазалда шоир ёрнинг бевафолиги туфайли унга бало, жафо ёғилаётганини таъкидлаб «манга» радифтон орқали, яна бир жабру ситамлар ошиққа ёғилаётганини такрорлайди. Иккинчи ғазалда «килибсен» радифи орқали ёрнинг ошиқ кўнгли қошонасидан яна жой олганлиги таърифланиб, висол учқунларидан умидворлиги тўла ифодаланган.

Бобур лирикасида қўлланилган шеърий санъатлар энг кўп ва хўп истифода этилгани - бу илтизом санъатидир. Илтизом санъати қондасига кўра, шеър мазмунини очиш-



га хизмат қилувчи маълум бир муҳим сўз такрор-такрор шеърнинг турли сатрларида келиб, унга алоҳида урғу берилади.

*Кўзумда мутассил ул эгма қош керак бўлса,  
Кошимда кўз ёруғи ул қуёш керак бўлса.  
Сужуд вақтида меҳроб бўлмасун ҳаргиз,  
Ки, бош қўярди ўшал эгма қош керак бўлса.  
Ҳабиб ишқида бошдин кеч, эй кўнгул, йўқ эса,  
Бу йўлга қўйма оёқ сенга бош керак бўлса.  
Кўюб оёғига бош сўрса лаълидин ҳар ким,  
Бошига туфроқу оғзига тош, керак бўлса,  
Сенинг била бори эл ноҳуш ўлса, эй Бобур,  
Не бўлгуси санга, ул ёри хуш керак бўлса.*

Бу ғазалда илтизом санъатини «қош», «бош» сўзларининг такрори ташкил этиб, «бош» сўзи беш марта, «қош» сўзи уч марта алоҳида таъкид билан қайтарилган, ўқувчининг диққати шу сўзларнинг моҳиятига эътибор беришга қаратилган.

Бобур ғазалларида тез-тез тарсеъ санъатининг ажойиб намуналари ҳам кўзга ташланиб туради. Бу санъат қоңдасига кўра вазидош ва кофиядош сўзлар, иборалар ҳамоханликда келади. Бобур бу санъат ёрдамида товуш такрори орқали ғазалдаги мазмун уйғунлигини чуқур ифода-лашга ҳаракат қилади.

Бобур лирикасида ийҳом санъати ҳам моҳирлик билан қўлланилганки, шоир бу бадий воситага бир сўзни кўп маънода қўллаш орқали эришган:

*Сочининг савдоси тушти бошимга бошдин яна,  
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна.  
Мен худ ул тиғли паривашга кўнгул бердим, вале,  
Хонумоним ногаҳон бузулмагай бошдин яна.*

Ғазалнинг матлабидаёқ «бош» сўзи орқали тажнис санъати ишлатилган. Биринчи ўринда «бош» - «қалла» маъносига, иккинчисига эса «қайта», «янги»дан маъносига қўлланилган. Бу ийҳом санъатидир.

Умуман, Бобур лирикаси бадий санъатларнинг турли-туман усулларига бениҳоя бой. У классик адабиёти-миз, айниқса, халқ оғзаки ижодиётидаги воситаларни чуқур ўрганиб, уларни ғазалларида маҳорат билан қўлла-

ган. Бу ўринда Бобур қўллаган талмих санъатини кўрсатиб ўтиш жоиздир:

*Хуснда ортуқ агар бўлса юзи Лайлидин,  
Мен тақи бормен анинг ишқида юз Мажнунча.*

Бу икки байтнинг бирида «Лайли ва Мажнун» досто-нига, иккинчисига Оби ҳайвон ҳақидаги афсонага ва Хизр алайҳиссаломнинг афсонавий мўъжизаларига ишо-ра орқали ёрнинг бекиёс гўзал хуснига, ошиқнинг ишқида тенги йўқлиги қиёслар орқали маҳорат билан очиб берил-ган. Бобур шеърлятида муҳим ўрин тутган санъатлардан яна бири ташбеҳдир. Бу санъатнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бирор нарса ёки ҳодисанинг хусусия-тини бошқа шунга ўхшаш нарса ёки воқеа хусусиятларига ўхшатиб тасвирлашдир. Бу санъат орқали шоир ўзининг бой тафаккур олами-ни намойиш қилибгина қолмай тас-вирланаётган образ, воқеа ва ҳодисаларнинг сифат дара-жасини равшанлаштиришга хизмат қилади. Мана шун-дай мисоллардан бири:

*Ҳажр ўлтурди мени, англасам эрди мунча,  
Дўстлар, ёрдин айрилмас эдим ўлгунча.  
Зоҳида, дўзах ўтидин мени не қўрқутасен,  
Ҳажр ўти қошинда қўрқмасмен ани учқунча.  
Ул қуёш меҳрини бир зарра манга кўргузмас,  
Кавкаби ашк тўқуб, бўлсам агар гардунча.*

Шоир бу ўринда ёрни қуёшга ўхшатиб, ундан меҳр кўр-маётганлигини образли ва ёқимли ифодалаган. Муҳими шундаки, ғазалда қуёш ўзига хос бўлган табиий хусусия-тлар орқали ўз ифодасини топган. Шоир қуёшнинг хусу-сиятлари орқали киши руҳига таъсир қилишни мақсад қилиб, табиат жисмидан ёрнинг ошиққа бўлган муносаба-тини ўхшатиш орқали эришган. Табиийки, бу хилдаги санъат воситаларининг Бобур шеърлида маҳорат билан қўлланиши, унинг ижодида ўзига хослик бахш этади.

Бобур лирикасида кенг қўлланилган бадий нутққа хос санъатлардан яна бири хусни таълилдир. Бу санъат талабига кўра бирор нарса, воқеа ва ҳодисага ғайрита-бий сабаб келтиради. Бундай сабаб шеърнинг мазмуни-ни бойитиб, қаҳрамон хис-туйғуларини мантиқан ривож-лантириб, равшанлантириб боради. Қуйидаги мисолда шоир ёрнинг фироқида, хуморида азоб чекади, юрак бағ-ри ёнади. Ана шу қалбдаги ўтти чоғир ичиб сўндирмоқчи: *Фироқ ўтида овунсам чоғир бирла не ажаб,  
Магар бу сув била ул шувълани учургаймен.*

Бу ғазалда ошиқнинг ёрга бўлган чуқур севги туйғуси зўр ҳаяжон билан ифодаланган. Ғазал шаклан ўзига хос, сюжет жиҳатидан эса таъсирчан. Шеър бошдан-оёқ санъ-аткорнинг нозик дид ва жонли лавҳалар ярата оладиган юксак маҳорат эгаси эканлигини кўрсатади.

Демак, Захириддин Бобур ўз ижодида ўзбек классик адабиётидаги анъанавий бадий воситалардан унумли фойдалангани ҳолда, сўз санъатларини ўзининг эстетик принципларига монанд равишда ўзлаштиради. Бобур шеърлятида шеърлий санъатларнинг хилма-хил турлари қўлланилган. Шоир ижодида доимо шеър мазмуни, унинг шакли билан мутаносиб.

Мазмун шеърда бирламчи, асосий вазифани бажариш-га қаратилган бўлса, шакл шу мазмунни ёрқинроқ очишга хизмат қилади, асарни шаклан безантиради.

**Раҳимжон КАРИМОВ,**  
**Наманган Давлат университетининг**  
**катта ўқитувчиси.**



# РАҚС - ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Ўзбек миллий ракс санъати ниҳоятда қадимий, серқирра ва сермазмундир. У ўзининг бетакрор гўзаллиги билан бутун жаҳонга танилиб, шухрат қозонди. Ракс дилларга ором, вужудга соғломлик, кўнгилларга хушнудлик бахш этиб, шодиёна кунларимиз-у барча байрамларимизга файзи тароват берувчи умри бокий санъат турларидан биридир. Турли ижодий гуруҳларга рахбарлик қилаётган мохир раққосалар устозлар қолдирган олтин меросимиздан унумли фойдаланиб, айни кунда янги-янги сюиталар, ракс-спектакллари ва рақслар яратиб, бу соҳани янада ривожлантирмоқдалар.

Масалан, Мукаррама Турғунбоева вафотидан сўнг «Баҳор» дастасига Қундузхон Мирқаримова рахбар этиб тайинланди. Қундузхон гарчанд устози Мукаррама опа йўлини давом эттирса-да, лекин ўзига хос услубда ижод қилиб ўн та янги дастур тайёрлади. У «Қирк киз ракси» (Мукаррама опага бағишланган), «Ёр истаб», «Она қалби», «Биё ёр», «Наврўз»,

«Ўрик гуллаганда», «Ўзбекистон қизлари», «Тошкент занги», «Ҳамса», «Саҳти муножот», «Эй сарви наво», «Адолат тановари», «Миниатюра» каби сюиталар ва кўплаб алоҳида рақсларни саҳналаштирди. Бу рақсларнинг барчаси жозибador ва мазмундор бўлганлиги учун томошабинлар меҳру мухаббатини қозонди. Унинг тинимсиз изланишлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, унга халқ артисти унвони берилди. У ансамблга ўн йил мобайнида рахбарлик қилди ва Япония, Ҳиндистон, Шимолий Арабистон, Тунис, Бирма, Афғонистон, Италия, Испания, Аргентина, Югославия, Франция каби 30 га яқин хорижий мамлакатларда сафарда бўлиб, миллий ракс санъатимиз гулларини кўз-кўз қилди. Ансамбль қаерда бўлмасин, доимо томошабинлар олқишига сазовор бўлди. «Баҳор» Қундузхон Мирқаримова рахбарлик қилган йилларда ҳар томонлама камол топди. У ҳозир ҳам ракс сирларини ёшларга ўргатишда тинмай меҳнат қилапти.

«Шодлик» ансамблида Исохор Оқилов вафотидан сўнг иш олиб бораётган Кодир Мўминов ва Дилафрўз Жаббороваларнинг ижодий изланишлари ҳам эътиборга лойиқ. Улар миллий рақсинг ҳар бир вилоятга хос нозик қирраларига, мусикасига, кийим-кечагига, ҳатто тақинчоқларига ҳам жиддий аҳамият бермоқдалар. Улар саҳналаштирган «Наманган тановари», «Ноғора ўйини», «Хайрон бўлсам», «Норин-норин», «Катта бухорча», «Маком», «Тўй маросими», «Биз - Ўзбекистондан» сингари рақслар жозибаси билан ажралиб туради. Ансамбль АКШ, Малайзия, Хитой, Бельгия, Голландия, ГДР каби хорижий юртларда ҳам ўзига мухлислар орттира олди.

«Тановар» ансамблига ҳамда «Ўзбекракс» бирлашмасига рахбарлик қилаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Ис-

матова ижодий фаолияти ҳам арзигуликдир. Юлдузхон биринчилардан бўлиб ракс-спектакль ярата олди. Бундай катта ишни амалга ошириш учун кишидан катта иқтидор ва сабр-тоқат талаб қилинади. У ижод этган «Шарқ аёли», «Нодира», Алишер Навоий достони асосидаги «Сабаи сайёр», «Севги нидоси», «Кўкон аёли», «Улуғбек буржи», «Севги васфи», «Мозийдан нур», «Темурий маликалар» каби асарлар чуқур билим асосига қурилганлиги учун ҳам томошабинлар ва мутахассислар томонидан юқори баҳо олди.

Зухра Ғиёсова етти йилдан буён бошчилик қилаётган «Лазги» ансамбли ҳам катта санъатга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Гулсара Ёқубова бадий рахбарлигидаги бу ансамбль Хоразм рақсларининг асл услубини сақлаган ҳолда репертуарини янги-янги рақслар билан бойитмоқда. «Лазги» Иордания, Марокаш, Бельгия, Япония, Эфиопия каби мамлакатларда бўлди. Хитой, Туркия ва Марокашдаги фестивалларда олтин медаль билан тақдирланди. Иорданияда биринчи даражали Мустақиллик ордени билан тақдирланди.

«Лазги» раққосалари ижросидаги «Лазги таронаси», «Уч уфур қизлар», «Лазги» (Ошиқ Ғариб достонидан), «Даврадаги юлдузлар», «Юрагимнинг дарди бор», «Манатли токия», «Хуршиди жаҳон келди» рақслари мухлисларнинг хотирасида муҳрланиб қолди. Зухраҳоннинг Хоразм ракси ривожига қўшган ҳиссаси мутахассису мухлисларни қувонтирди.

Миллий ракс дасталари ва уларнинг раққосалари ютуқлари замирида туну кун сабр-тоқат билан қилинган тинимсиз изланишлар меваси ётибди. Аммо ютуқларимиз қанчалик кўп бўлмасин, баъзи бир камчиликлардан холи эмас. Айрим балетмейстрлар жиддий ишлаш ўрнига ўзгалар топган янги ҳаракатлардан нусха кўчириш билан «янгилик» яра-



Рақс маликаси Мукаррама Турғунбоева ва Розия Қаримова.



тишга уринмокдалар. Раккоса кизларимиз баъзан дугоналаридаги харакатларни кўриб «Мен бунга яхшироқ ифодалайман» деб ўйлайдилар-да, кўчирма харакатлар билан томошабинларни зериктириб қўймоқдалар. Қош қўяман деб кўз чиқаришлар ҳам учраб туради. Масалан, кўкрак кафасини беўхшов ишлатиш ёки патнис устида раксга тушиш каби профессионал нуқсонлар ҳам учраб турибди. Бу камчилик эмас, хатто гунохдир, чунки патнис хислатли буюм, унга нон, ширинлик қўйилиб, сарполар билан азиз мехмонларга тухфа қилинади. Шарк аёллари шарму ҳаёси эса ниҳоятда қучли. Шу йил «Наврўз» байрамада бир раксоса бачкана харакатлари билан томошабинларни нафратлангирди. Чунки бундай ижро томошабинларга эстетик завқ бермайди. Ҳар қандай жилва одоб ва меъёрида бўлиши лозим. Кийимларда ҳам беўхшовлик кўзга яққол ташланади. Айримлардаги камзулларни ёни, оркаси белидан очиклиги боис аскарларнинг шинелига ўхшаб қолган. Бундай либослар янгилик бўлмай, ўзбек миллий кийимларининг гўзаллигини бузиш, холос. Хоразм ва Бухоро кийимлари тор нусхада бўлса-да, этаги бир қаричгина очик бўлади. Кенг нусхада бўлса очилмайди. Хатто тикилган кийимларни очик жойларини тикиб, миллий нақшлар билан безаш кеч эмас. Фарғона узун камзуллари бешбел қилиб тикилиши қоматни шамшоддай кўрсатади. Тамара опа музейидаги кийимлардан андоза олиш фойдалидир. Енглари ҳам

ўйламай елкадан пастгача, ёнига этак (аборка) тутилиши ҳам нотўғри. Бундай ҳолатларда қўл харакатларини тушуниб бўлмайди ва улар эркин харакат учун халакит беради, енглари учигагина этак тутилиши маъқул. Баъзилар енгни кенг қилишади. Бунда қўллар юқори кўтариладиган харакатларда шимарилиб тушиб, қўлтиқ кўриниши одобдан эмас. Агар енг кенг бўлса, тирсақдан юқорирокдан торайиб бориши қоидага мувофиқ саналади ёки енглари узун ва тор бўлиши яхшироқдир. Баъзи раксосалар пешонабанд тутиш билан бирга устидан тиллақош ҳам такадилар. Бу ўринсиздир, чунки пешонабанднинг чиройи етарлидир. Тиллақош яланг бошга тақилмайди, рўмол устига тақилиб Фарғона услубидаги раксосаларга тўғри келади. Баъзи кизларимиз бир даста гулни чаккаларига тақиб юзларини тўсишлари ҳам услуга тўғри келмайди. Ҳар бир вилоятнинг ракс либослари, тақинчоқлари ўз ҳолатида сақланиб қолса мақсадга мувофиқ бўларди.

Эркаклар ракс санъатининг ҳам талай муаммолари бор. Билим юртини тугатганларни турмуш ўртоқлари санъаткор бўлса, улар бирга ишлайдилар, акс ҳолда бошқа соҳаларнинг этагини тутиб кетмоқдалар. «Шодлик» ансамблидаги раксосларнинг ижроси яхши, аммо барибир ўзбек раксослари етишмайди, деб ўйлайман. Баъзи мутахассисларнинг Оврўпо мумтоз ракси ўзбекларга халакит беради, деган фикрлари



*Хоразмча ракс.*

мутлақо нотўғридир. Мумтоз дарсининг миллий раксосларга самарали таъсири бор. Чунки у аввало жисмоний камчиликларни тузатади, гавдани қадди-қоматли қилади, техник харакатларни чакконлик билан бажаришга ўргатади. Оврўпо ва миллий мумтоз машғулоти бир-бирини тўлдиради. Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, мен, Фахрия Жамилова, Халима Рахимова, Қундуз Мирқаримова, Галия Измайлова, Дилором Шерова, Гулнора Мамаева, Юлдуз Исмаилова, Тамара Юсупова, Вилоят Оқилова, Халима Комилова ва бошқа кўпгина санъат усталари атоқли муаллимлардан Оврўпо дарсларини олиб, самарали ижод қилдик.

Ўзбекистонда ракс олийгоҳи очилди, Фарғона услубидаги машғулотларни ўргатиш, танланган раксосларни ёзиш бўлимлари бор.

Азиз ҳамкасблар, чин юракдан астойдил меҳнат қилиб, камчиликларни тузатиш учун амалий ёрдам берсак, ракс санъати янада гуллаб-яшнайдиган деб ўйлайман.

**Розия КАРИМОВА,**  
халқ артисти, Давлат  
мукофоти совриндори.



*«Қорде» балетидан бир саҳна.*



Қирғизистон халқ артисти  
Толибжон БАДИНОВ  
билан мусохаба

«ҲЕЧ КИМА МАЪЛУМ ЭМАС...»

- Толибжон ака! Инсон моҳият-эътибори билан биринчи галда мусиқага, кўшиққа доим эҳтиёж сезиб келади ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Турфа инсонлар турфа оҳанг ва кўшиқни хуш кўрадилар, бу борада уларни айблаб ҳам бўлмайди. Лекин барибир тўлақонли инсонлар мумтоз оҳанг ва кўшиқларга мойиллик сезадилар, ўша бетакрор инсон тафаккури, ҳислари бунёд этмиш, яъни абадийлик билан боғлиқ мумтоз ёдгорликларни эътироф этдилар ва бундан кейин ҳам эътироф этиб ўтишига мутлақо шубҳа йўқ. Сўхбатни мана шу инсоний мулк - мумтоз оҳанг-кўшиқлардан бошлаасак.

- Кишини ўйлатадиган, беҳад ҳаяжонга соладиган муқаддас, муборак тушунча - туйгулар... Инсон шу қадар улуғ, бетакрор мавжудотки, мана шу ноёб, яъни мумтоз оҳанг ва мусиқани яратиш унга, фақат унгагина хос хислатдир. Мана шу хислати билан инсон бутун тирик мавжудотнинг тож-сарвари, яъни гултождидир. Тарихий тажриба шуни кўрсатаётгирки, тилга олинаётган мумтоз мусиқа ва кўшиқлар ҳамон такрорланиб келаётгани учун ҳам инсон умридай боқийдир. Мукамал ва бетакрор, мақтовга, сайқалга муҳтож ҳам эмасдир. Ва бу мумтоз мусиқа, кўшиқ бир кунда, бир лаҳзада ҳам яралмайди. Ўн йиллар, юз йиллар мобайнида дунёга келади.

Мумтоз санъат билан замонавий кўшиқ, оҳанглар (агар уларни оҳанг, кўшиқ дейиш мумкин бўлса) орасида қанчадан-қанча ҳашаки мусиқа, кўшиқлар яралмади, қандай тез яралган бўлса, шунчалик тезлик билан йўқолиб кетди ва йўқолиб кетаверади. «Мумтоз» сўзи уларга бегонадир. Гап агар мумтоз мусиқа ва кўшиқ ижроси, ижрочилари ҳақида бораётган бўлса, мана шу ноёб, муқаддас, муборак мусиқа ва кўшиқни яратувчилар қанчалик камёб бўлса, ижрочилари ҳам шунчалик камёбдир. Бундай мумтоз мусиқа ва кўшиқларни ижро этиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Насиб этганлари эса мумтоз мусиқа ва кўшиқни яратувчилари каби улуғдир. Ва уларгина мумтозлик даражасига кўтарилдилар. Мумтоз санъат ўз ижروحисини топмаса, демак, бу санъат мумтозлик даражасига кўтарилмайди. Ноёб, мумтоз санъат қанчалик улуғ бўлса, ижрочи ҳам шунчалик улуғдир. Минг афсуслар бўлсинким, мусиқа ва кўшиқларни ёзиб олиш санъати яралмасдан илгари, қанчадан-қанча улуғ ижрочилар оламдан ўтишлари билан нутилиб кетди. Ёзиш санъати яралгандан буён, яъни 50-60 йилдан буёғида тугилган ижрочиларгина абадий топди. Юнус ака томонидан «Шашмақом»ни ёзиб олиниши, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Турғун

Алиматов, Отажон Худойшукуров, Очилхон Отахонов, Муроджон Аҳмедов, Муножот Йўлчиева каби ўнлаб мумтоз кўшиқчиларимиз ижро этган кўшиқларни ёзиб олиниши, келажак авлодга етказилиши чиндан ҳам эътирофга сазовор ишдир. Минг афсуслар бўлсинким, Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурхоновларнинг кўп улуғ ишлари - ижро этган мумтоз асарлари ёзилмай қолди... ва бу жуда катта фожеадир. Мумтоз санъатимизнинг ижрочилари ҳам ҳар куни тугилавермайди ва уларни асраб-авайлаш, талаб этилгандай ҳурматларини жойига қўйиш, келажак авлодга етказиш муқаддас бурчимиздир ва бу мумтоз санъатнинг талабидир. Мумтоз санъатни, адабиётни улуғламаган халқ келажакда ҳам ана шундай ноёб ва муқаддас инсоний мулкдан бенасиб қолади.

- Мен болалик чоғимданок мумтоз санъатга мойиллик сездим. Ҳозир эса бу туйгу беҳад кучайган. Жумладан, Сиз тилга олган мумтоз кўшиқ ижрочилари қатори ўзингиз ижро этадиган мумтоз кўшиқларнинг шайдосиман. Шундай экан шахсингиз, ижрочилик фаолиятингиз кўплар қатори мени ҳам қизиқтиради.

- Демак, гапни бирмунча илгарироқдан бошласак тўғри бўлар. Мен Андижон вилояти, Избоскан туманига қарашли «Чувомо» қишлоғида, чилангар оиласида дунёга келганман. Раҳматли отам Баҳовиддин охун умр бўйи чилангарлик қилган, камсуқум, олижаноб одам эдилар. Отам чилангарлик қилган кезлари ўзича нималарнидир хиргойи қилардилар. Онам раҳматли Онахон ҳам беҳад камтарин, меҳрибон аёл эдилар. Лекин ул улуғ зотнинг хиргойи қилганларини эшитмаганман. Аждодларимизда ашулачилар ўтган бўлиши мумкиндир, бироқ падари бузруғворимиз ҳам, волидаи азизамиз ҳам бу ҳақда гапирмаганлар. 9-10 ёшларда бўлишим керак. Кинодан қайтиб қаттиқ ухлаб қолибман. Ажойиб, илоҳий бир туш кўрдим... ўша тушни эсласам ҳамон ҳаяжонланаман, ҳайратга тушаман. Тушимда юрагимга юксакликдан қандайдир ушлаб бўлмайдиган, мазасини ҳам ифодалаб бўлмайдиган, бироқ меваларнинг шарбатидан ҳам кўра лаззатли, она ё отага бўлган меҳрга ўхшаш ё илк муҳаббат домига тушган ўсмирнинг лаззатлинишига ўхшаш бир лаззатли томчи томар эди... Бутун танам яйраб, тўлишиб борар, гўё қанотсиз юксакликларга учиб борардим. Бутун умр мана шу лаззат мени қанотида кўтариб юргандай сезардим ўзимни. Барибир тушимда кечирган ўша илоҳий лаззат, яъни юрагимга илоҳдан томган саховат - томчини ифода этолмай ўтдим. Ҳозир ҳам ифодалай олмайман. Балки инсон илк бор яралганда ё тугилганда

шундай лаззатни, сархушликни танасидан кечирар... юрагимга илоҳий бир оҳанг, бир қўшиқ куйилар, мен уни илоҳий саховат билан куйлар эдим. Чўчиб уйғондим. Сархушликни бирмунча вақт турганимдан кейин тушимда кечган қўшиқни куйлай бошладим. Оҳангни ҳам аниқ такрорладим. Ваҳоланки, шу пайтгача мен бирор газални ёд олмаганман, бирор мусиқани ҳам чалиб кўрмаган эдим. Ҳозир эса тайёр газални, тайёр мусиқани беихтиёр ижро этардим. Минг афсуслар бўлсинки, ўша газал матнини, мусиқасини ёзиб қўймаган эканман. Кейинчалик хотирамдан кўтарилди. Юнус ака бошчилик қилаётган «Мақом»га келиб илк бор мумтоз қўшиқларни ижросига киришганимдан кейин худди ўша, яъни илк бор тушимда юрагимга томган ва уйғониб куйлаган қўшиқ ҳамда такрорлаган мусиқани ҳис қилдим ва қайтадан ҳайратга тушдим. Буни йигирма йил муқаддам Оллоҳ юрагимга қўйган экан...иқтидор, деб шуни айтса керак-да... Оллоҳнинг саховати шу бўлса керак-да...демак ҳар қандай истеъдод ҳам, унинг туғилиши, санъатга кириши, улуг ижрочи бўлиб етишиши ҳам фақат Оллоҳга боғлиқ экан... Саховати ҳам, каромати ҳам фақат ўзидан бошланар экан. Имоним комилки, улуг шоирлар ҳам, мусиқачилар ҳам, жаҳонгирлар ҳам, мунажжимлар ҳам мен бошимдан кечирган жараёни бошларидан кечирган...буни Яратганнинг олдида эътироф этмасликнинг, унга шукроналар айтмасликнинг асло иложи йўқ. 15 ёшларда бўлсам керак. Бир куни дала шийпонида дам олиб ётганим, кутилмаганда радиодан кимдир шоир Ҳабибийнинг «Диёримсан» шеърини ижро этиб қолди. Қўшиқ мени сархушлаб қўйди. Беҳад ҳаяжонландим. Шу лаҳза Оллоҳдан: «Эй парвардигори олам! Менинг ҳам орзуларимни ушалтир! Шу қўшиқни куйлаётган қўшиқчи ишлаётган театрда ишлай! Одамларнинг диққат-эътиборини тортай!» деб юбордим. Буни қарангки, Оллоҳ астойдил сўраган ниятимга етказди...

- *Толибжон ака, мумтоз санъатимиз ва мумтоз газаларимиз, уларга басталанган мусиқа, яъни ноёб истеъдодлар, уларнинг ижроси, қодирлиги ҳақида батафсилроқ гаплашайлик. Мумтоз санъатимизни юзага келтирган инсоний юрак ҳақида фикрлашайлик.*

- Мумтоз санъатимиз, адабиётимиз билан боғлиқ мумтоз оҳангларнинг асосчиси юракдир... юраксиз ҳеч нарса тасаввур қилиб бўлмайди. Юрак барча инсонда мавжуд. Жониворларда ҳам мавжуд. Лекин юракларнинг юраги бор. Бир юрак инсон ҳаёти

фаолиятини таъминлаш вазифасини ўтайди. Биз тилга олаётган юрак эса ҳам вужуд фаолиятини таъминлайди, ҳам улуг санъат яратади. Юрак бир парча гўшт. У қон айланишини таъминлаши билан улуг. Асли истеъдод қондан, қондаги ҳис-туйғулардан бошланса керак. Бир-бирига муштарак тушунча. Қонсиз юракни, юраксиз қонни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу кунгача яратилган ва ҳамон инсонни ҳаяжонга солиб келаётган мумтоз санъат, адабиёт табиийки юрак-қоннинг маҳсули, хислатидир. Бизни йиғлатадиган, қайғу-ҳасратга соладиган ҳам шу юрак. Юрак, яъни дард-ҳасрат билан куйланадиган қўшиқ доим диққат-эътиборни тортади. Юқорида номлари тилга олинган даҳоларни даҳо қилган ҳам уларнинг юраклари эди. Бетакрор овоз билан бетакрор юрак муштараклик касб этгандагина улуг истеъдод намоён бўлади. Ўша Маъмуржон ака, Комилжон ака, Очилхон ака ёки Отажон, Муножотхонни оламизми, уларнинг улкан юраклари билан овозлари ҳам юксак даражада. Мен овози беҳад баланд бўлган, лекин юраги, яъни дарди бўлмаган қўшиқчини билмайман. Навоийни шу қадар улкан юраги, яъни дарду ҳасрати бўлмаганда шу қадар илоҳий газалларни ярата олармиди? Йўқ, албатта. Истеъдодли санъаткорлар табиатан дарвеш бўлишади. Улар мол-мулкка, шон-шухратга ружу қўймайдилар. Бутун борлигини санъатга бағишлайдилар. Турғун ака Алиматовни такрор-такрор тилга олгим келади. Бу улуг зотнинг мусиқа борасидаги ижросини ўн, юз минг сўз билан ифода қилолмайман. У киши ижросидаги оҳангларни тинглаганимда инсон зоти яраганидан, шундай мусиқани яратганидан, уни Турғун ака ижро қилаётганини ўйлаб ҳам ҳаяжонга, ҳам даҳшатга тушаман. Буни асло ифода қилиб бўлмайди. Гўё мумтоз мусиқамизни Оллоҳ Турғун ака учун, фақат угина ижро қилиши учун яратгандай туюлаверади...Турғун ака ижро этган оҳангларга мос овоз топилса ва икки мумтоз санъат қўшилса, тасаввур қилинг, қандай бетакрор санъат юзага келишини...гарчи мумтоз шоирларимиз яратган газалларни ўқисангиз, маълум маънода ҳаяжонланишингиз мумкин. Шу газалга басталанган мусиқани эшитсангиз ҳам маълум маънода ҳаяжонланишингиз мумкин. Энди буни ноёб овозга эга қўшиқчи куйласа, газални ҳам, мусиқани ҳам лаззатини тўла англаб етасиз, ҳис қиласиз, кўриб-сизки, мукамал санъат юзага келади...мана сизга қўшиқчининг хислати...демак, уларни бир-бирисиз англаб бўлмайди. Абадият ҳам мана шу муштаракликда яралади. Тарих деган-

да биз фақат тарихда ўтган жаҳонгирлар, уларнинг жангу-жадаллари, яъни тарихий битикларнигина тушунмаймиз. Санъат ҳам, адабиёт ҳам шу улуг тарихнинг бир бўлагидир. Бундай кечмишимизга лоқайд қараб бўлмайди. Албатта, мустақилликка эришганимизга қадар мумтоз санъатимизга, адабиётимизга ўғайча қарашлар бўлди. «Халқни тушқунликка солади», деб қаралди. Ахир инсон босиб ўтган узоқ йўл - тарих доим ҳам шодлик билан кечмаган-ку. Қайғу-ҳасрат билан ҳам кечган-ку. Инсон доим умрини шодлик билан кечирса, мумтоз санъат яратилмасди. Мустақилликка эришганимиздан кейин мумтоз санъатимиз ўз қадрини топмоғи зарур. Юқорида зикр этилгандай улуг истеъдодлар ҳар куни тугилавермайди. Мен бутун умримни ўзбек санъатига бағишладим. Бусиз бирор шон-шухратни тасаввур қилмадим. Бу тушунча умримнинг мазмунига айланди. 1963 йили Тошкент консерваториясининг қўшиқчилик бўлимига ўқишга кирдим. Биз билан бирга Алижон Ҳасанов, Ҳасан Султонов, Шокиржон Эргашев, Сирож Аминов бирга ўқишди. Бизга Георгий Семёнович Израилан устозлик қилди. У киши жуда олижаноб устоз эди. Табиий овозларимизни асрашга уринарди. Лекин замонавий мусиқага мослаштиришга асло уринмасди. «Сизларда худо берган, яъни мумтоз мусиқага мос овозингиз бор, уни фақат тарбиялайман, пардаларини ошираман», дердилар. 1961 йилдан бошлаб «Мақом»да қўшиқчи бўлиб ишладим. Кейин устоз санъаткорлар кенгашиб «Муқимий номли театрда бош ролларни бажарувчи, ҳақиқий қўшиқ ижрочиси йўқ. Толибжон, сени шу театрга юборамиз», дейишди. Розилик бердим. Чиндан ҳам мусиқа санъатидаги ишларим юришиб кетди. Аҳмад Бобожон мусиқа басталаган «Азиз ва Санам» спектаклида Азиз, «Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам»да Ошиқ Фариб, «Лайли ва Мажнун»да Мажнун, «Фарҳод ва Ширин»да Фарҳод, «Тоҳир ва Зухра»да Тоҳир, «Дилором»да Моний, Фулом Зафарийнинг «Ҳалима» асарида Неъмат, «Фаргона тоғ отгунча» асаридаги (Мирзакалон Исмоилий асари) Фулом, «Равшан ва Зулҳумор»да Равшан, «Мавлоно Муқимий»да Муқимий, «Маҳтумқули»да Маҳтумқули образларини яратдим. Ўйлаб қарасам, ўша йиллари спектаклларда 200 дан ортиқ образлар яратибман. Ҳурматли устозларимиз Юнус Ражабий, Фахриддин Содиқов, Комилжон Жабборов, Фанижон Тошматов, Саиджон Калонов, Наби Ҳасанов, Ориф Қосимов, Турғун Алиматов билан ҳамкорликда кўп ажойиб ишлар қилдик ва улардан абадул-абад

миннатдорман. Шунингдек, мени илк бор кўшиқ куйлашга ундаган, қиёқчи - гижжак билан жўр бўлган биринчи устозим Юсуфжон Абдуллаевдан ҳам беҳад миннатдорман.

- *Энди яккагон кўшиқчи сифатида ижро этган мумтоз кўшиқларингиз ҳақида изоҳ берсангиз.*

- Увайсий ғазали билан айтиладиган «Чапандози гулёр», Навоий ғазали билан айтиладиган «Сайқал», Нодира ғазали билан айтиладиган «Эҳтиёж», Юсуф Сарёмий ғазали билан айтиладиган «Ушшоқи холий», Бобур ғазали билан айтиладиган «Қаро зулфинг», Навоий ғазали билан айтиладиган «Соқиномайи баёт», Лутфий ғазали билан айтиладиган «Талқинчаи мустаҳзоди наво», Огаҳий ғазали билан айтиладиган «Соқиномайи савти ушшоқ», Мунис ғазали билан айтиладиган «Савти сувора», Огаҳий ғазали билан айтиладиган «Шаҳнози гулёр», Машраб ғазали билан айтиладиган «Ўртади», Навоий ғазали билан айтиладиган «Харидор эт», «Тоҳир ва Зухра» асарига Тоҳир кўшиғи, «Эй кўёш», Муқимий ғазали билан айтиладиган «Ҳаё билан», Машраб ғазали билан «Нозу истиғно билан» кўшиқларидир. Бундан ташқари «Қирғиз қизига», «Жоним менинг», «Жонон кўринди», «Най гулдастаси», «Айб этма», «Эй чевар», «Маржон», «Кўлда раъноси билан», «Ҳаёт машғали», «Ишқим

тушди ёр-ёр», «Гулмиди, раъномиди», «Гулойим», «Азаматлар», «Богбон йигит»га каби юзлаб кўшиқларни ижро этиш бахтига муяссар бўлдим. Спектаклларда ижро этган кўшиқларимнинг адоғига етиб бўлмайди.

- *Назаримда сиз узоқ вақт Қирғизистоннинг Ўш вилоят театрида ҳам ишладингиз.*

- Муқимий театрида ишлаётганимда ўшлик биродарлар келишиб, ўзларида яхши овозли ижрочи йўқлигини айтиб, Ўзбекистон ҳукуматидан мени олиб кетиш ҳақида илтимос қилганларида, уларнинг бу илтимоси қондирилган эди. Ўш вилоят театрида ҳам узоқ ишладим. Спектаклларда бош ролларни ижро этдим. Сўнг яна Тошкентга қайтдим. 1990 йилдан буён Тошкент Низомий номли педагогика олийгоҳида халқ муסיқаси бўлимида кўшиқчиликдан дарс бераман. Бутун умримни ўзбек санъатини ривожлантиришга бағишладим. Шу йўлда тер тўқдим. Қирғизистон ҳукумати менга аввал «Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист», сўнг эса «Қирғизистон халқ артисти» унвонини беришди.

- *Толибжон ака, мумтоз санъатимизга истақларингиз.*


- Мумтоз санъатимизсиз инсон умрини, ҳаётини тасаввур қилиш беҳад оғир. Санъат инсон билан бирга яради. У санъат, адабиёт орқали ўз дарду аламлари, қайғу ҳасратларини рўёбга

чиқарди. Шу билан ўз-ўзини янги ишларга илҳомлантирди. Барча донишмандларимиз, фозилларимиз, шоиру муסיқачиларимиз бирор лаҳза мана шу улуг санъатсиз, адабиётсиз яшай олмайдилар. Шундай экан, бу мумтоз санъатимиз бундан кейин ҳам гуллаши керак. Иждокорлари ҳам қадрланиши керак. Чунки у барчамизнинг, қолаверса, бутун инсониятнинг ноёб мулки... келажак авлодга ёдгор қилиб қолдирадиган гўзаллик манбаидир...

- *Бу йил Сиз муборак 60 ёшга тўлар экансиз. Қутлуғ ёшингиз билан Сизни журналхонлар номидан мен ҳам қутлайман.*

- Ташаккур.

*Сухбатдош:*  
**Ўктам ҲАКИМАЛИ.**



*Нақшлардан гўё наво таралар,  
Гўзаллик ҳам меҳр ила яралар.*

Умарали НОРМАТОВ

## ҲАҚИҚАТНИНГ СЕҲРЛИ КУЧИ

(«Синчалак»ни қайта ўқиб...)

Янги адабиёт дастури қабул қилиниб, энди мактаб ҳаётига тадқиқ этилаётган кезлари шу масалага бағишланган анжуманда адабиёт муаллимларидан бири жиддий бир саволни ўртага ташлади:

- Янги дастурда шўролар мафкура-си таъсирида ёзилган «Қутлуғ қон», «Зайнаб ва Омон», «Синчалак» каби асарлар жой олган? Мустақиллик шароитида, мустабид тузум мафкурасидан қутулиш учун кураш кетаётган бир паллада синфий кураш мафкураси билан йўғрилган «Қутлуғ қон», «социализм даврида бахт топаётган ёшлар» қаҳрамон қилиб олинган «Зайнаб ва Омон» ва коммунист Саида шижоати-ни удуғловчи «Синчалак» асарлари мактаб ўқувчилари онгини чалғитиб қўймайдими?

Аввало, аини шундай саволнинг туғилиши, масаланинг шу тарзда қўйилиши сабаби кишини ўйга толдиради. Менимча, бунинг бош сабаби шундаки, бизда узок йиллар адабиётга санъат эмас, биринчи галда ғоявий-мафкуравий қурол сифатида қаралди, адабиёт илмида, адабиёт ўқитишда бадийлик эмас, ғоявийлик бош мезонга айланди, ёзувчининг бадий қашфиёти эмас, дунёкараши, шўро ҳукумати, сиёсати, ҳукмрон мафкурага муносабати ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Шуниси ҳам борки, адабиётни реал ҳаётдан, шароит, сиёсат ва мафкурадан бутунлай ажратиш ҳам кийин, ҳар қандай асарда озми-кўпми давр сиёсати, мафкураси таъсири бўлади. Муайян сиёсат, мафкуранинг шунчаки тарғиботидан иборат асар бадий ҳодисага айлана олмайди; ҳукмрон сиёсат, мафкура зуғуми чеклашларини енгиб ўтиб, ҳақиқатга содиқ қолган, бадий ижоди инсон ва унинг қалби ҳақидаги ҳақиқатни қашф этишга, инсон жумбоғини ечишга қаратилган асарлар санъат ҳодисаси сифатида ҳамisha ардоққа лойиқдир. «Синчалак» ана шундай асарлар жумласидан.

«Синчалак», шунингдек «Қутлуғ

қон», «Зайнаб ва Омон» сингари асарлар хусусида бирёқлама тасаввур туғилиши, яъни уларни бутунаси шўро ҳукумати сиёсати, ҳукмрон мафкура тарғиботига қаратилган асар деган қарашларнинг пайдо бўлишида танқидчи-адабиётшуносларнинг, қолаверса шўро даври адабиёт дарсликларининг ҳам каттагина «хизмати» бор. Уларда бу асарларнинг «замона зайли»га мос жиҳатларига алоҳида урғу берилган, бу асарлар «коммунистик ғоявийлик», «партиявийлик» мезонлари асосида таҳлил, тарғиб ва ташвиқ этилган.

Гоҳо илм-фанда ёзувчининг мақсад-нияти, эътирофи асарнинг бош ғояси, пафоси деб тушунилади; гоҳо оқибат муаллиф нияти-идеалига зид келиб қолиши, ҳақиқат ёзувчи истагидан усту чқиши бадий ижод ҳақиқатининг ғаройиб қонуниятларидан бири экани ҳар доим ҳам инобатга олина-вермайди. Буни «Синчалак» мисолида ҳам кўриш мумкин.

Абдулла Қаҳҳор «Озгина ўзим ҳақимда» мақоласида «Синчалак» халқимизнинг кураши ва ғалабасидан ўзимда йўқ қувонганим, аjoyиб замондошларимни қувониб олқишлаганимдир», - деб ёзади. Хўш, асар фақат халқ «кураши ва ғалабасидан» ёзувчининг ўзида йўқ қувончи, «ажойиб замондошлари»ни «қувониб олқиш-лаши» натижасими?! «Синчалак»га шухрат келтирган омиллар биринчи галда шулардан иборатми? Саида чин маънодаги қувонч меваси, ҳар тарафлама ардоққа лойиқ шахс, суюкли қаҳрамонми? Узок вақт шахсан мен бу ҳақда жиддийроқ, ўйлаб кўрмаган эканман.

80-йиллар бошлари эди. Мени Хўжанд Давлат университети ўзбек филологияси бўлимига маъруза ўқиш учун таклиф этишди. Икки ҳафталик маъруза охирида бўлимининг зукко талабалари билан давр адабиётининг долзарб муаммолари бўйича давра суҳбатга ўтказилди. Суҳбатда ўша кезлардаги русумга кўра, жумладан, замонавий ада-

биётдаги ижобий қаҳрамон масаласи кўтарилди. Талабалардан бири «Синчалак» қаҳрамони Саида ҳақида тўлиб-тошиб сўзлади. Шунда бошқа бир талаба лўқма ташлади:

- Саидани ҳар жиҳатдан мукамал, жозибадор, ибрат бўларли шахс - тимсол сифатида таърифлаётирсиз. Қани, яширмай очигини айтинг-чи, кўнгил қўйган кизингиз, бўлғуси турмуш ўртоғингиз Саидадай бўлишини истайсизми?!

Нотиқ бу қутилмаган лўқма-саволдан бир дам довдираб қолди. Бир оз ўй суриб, ўзини тутиб олгач, қатъий қилиб:

- Йўқ. Асло! - дея жавоб қайтарди. Даврада бирдан қулги кўтарилди. Мен ундан «Нега?» деб сўрадим. Бу қишлоқлик содда йигит гапнинг пўст қалласини айтиб қўя қолди:

- Э, муаллим, бунақа амалдор қиз, Қаландаровдек машҳур раис билан, бугина эмас, бўлғувси қайнотаси билан ҳеч қанақа юз-хотирсиз тикма-тик олишаётган аёл бизга тўғри келмайди-да...

Шундан кейин даврада ўзгача рух, кизгин баҳс бошланди... Ўшандан бери шу хусусда ўйлайман. Ёзувчининг суюкли қаҳрамонини барча яхши кўриши шарт эмас. Жаҳон адабиётида бунга мисоллар кўп. Аини пайтда табиий савол туғилади. «Синчалак» муаллифи қувонч билан қаламга олган, адабиёт илмида, дарсликларда «ижобий қаҳрамон» сифатида тақдим этилган Саида унга тенгдош - замондош китобхонлар томонидан расман «ижобий» деб эътироф этилса-да, нега улар кўнглини ўзига ром эта олмади? Мен китобхонлар билан мулоқотларда бунинг сабабини сўраб-суриштирганимда аксар ҳолларда жавоб бир хил бўлиб чиқади: Саида XX асрда шакланган фаол ижтимоий шахс тимсоли; бу тоифа аёлларга хос фазилатлар ҳам, қусурлар ҳам унда ўз тажассумини топган. Ижтимоий фаоллик улардаги аёллик нафосатиға соя ташлаган...

Дарҳақиқат, Саида - ижтимоий фаол шахс тимсоли. Аниқроғи, аср

ўрталаридаги шу хил аёлларимизнинг тишик намояндаси. Янги ўзбек адабиёти тарихига назар ташласак, аср бошларидаёқ адибларимиз ўзбек аёлининг ахволи, қисмати, ҳаётдаги мавқеи ҳақида жиддий бош қотира бошлаганлар; бир томондан, уларнинг асарларида «бечора ўзбек хотуни»нинг эрксизлик, жаҳолат, қоқоқ удумлар исканжасида «энг тоза умидларнинг сўниши» аламизтироб, кўзёшлар билан бор ҳолича кўрсатилади; иккинчи томондан, уларда аёлларнинг ўзлигини англаш, намоён этишга ошқора қаҳирчи садолари эшитилиб туради; учинчидан, яна бир туркум асарларда ўз шаъни, ҳуқуқи, эрки учун, ижтимоий адолат тантанаси учун курашга отланган фаол аёлларнинг романтик образлари яратилади. «Янги саодат»даги Марям, «Хинд ихтилолчилари»даги Дилнавоз, Чўлпон драмасидаги Ёркиной шулар жумласидан. Қаранг, ҳатто Ёркиной ижтимоий адолат йўлида севган йигити Пўлат ёнида туриб золим отасига қарши курашади. Шулар билан бирга оилада, турмушда ўз сўзини ўтказишга қодир ёки ақл-заковат, тадбиркорликда мана мен деган эркакларни ҳам йўлда қолдириб кетадиган аёл зотининг халқона юмор билан йўғрилган фаройиб образлари ҳам яратилди. Ҳамзанинг машҳур «Майсаранинг иши», Чўлпоннинг «Замона хотини» комедияси қаҳрамонлари, Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Ўзбек олим шу жихатдан ўзбек адабиётининг жиддий кашфиётлари саналади... Кейинроқ яратилган «Нурхон», «Гулсара», «Дилбар - давр қизи», «Зайнаб ва Омон» каби асарларнинг ҳам миллий адабиётимизда аёллар қисмати бобида ўз ўрни бор. Шу хил образлар силсиласида «Синчалак»даги Саида ёрқин, бетакрор бадний сиймо - тип сифатида баралла ажралиб туради. Саида образи моҳиятини ярим аср давомида миллий адабиётимизда яратилган айни ўша ўзбек аёллари тимсоллари силсиласидан ажралган ҳолда англаш, тушуниш, асло мумкин эмас. Саидадаги ижтимоий фаоллик, ақл-заковат, тадбиркорлик хислатлари, бинобарин, ижтимоий фаол аёл шахсига хос мусбат ва манфий жихатлар, бир чеккаси, унга ўша салафларларидан ўтган. Қолаверса, «Синчалак» муаллифи авваллари ёзган «Мастон», «Хотинлар» каби асарларида заковатли шижоаткор аёлларнинг романтик образларини яратиш бобида муайян тажриба тўплаган эди. Эҳтимол, 1958 йилда ёзилган «Синчалак» ўзбек адабиётидаги ўша суронларнинг сўнгги акс садосидир.

Табийки, асардаги асосий жанг Саида билан Қалаңдаров орасида ке-

чади. Илк учрашувдаёқ: «Хар нима қилсангиз қилинг, мени итингизнинг ёнига боғланг, лекин раҳбарлик қилманг! Токатим йўқ! Хотин киши раҳбарлик қилса, қалавамнинг учини йўқотиб қўяман!» - дея наъра тортиб, аёл зотига муносабатини ошқора аён этган улкан қоя билан олишиш, айниқса, ўшандай зотни енгиш осон иш эмас! Саида вужудидаги аёл зоти шаъни учун кураш туйғуси, қолаверса салафларидан ўтган ақл-заковат, шижоат уни бу машаққатли курашда собит бўлишга ундайди; ёзувчи бор истеъдодини ишга солиб, зўр бериб реал ҳаётдан бир қадар юқорироқ кўтарилиб, қаҳрамони шижоати ва ғалабасига бизни ишонтирмоқчи бўлади.

Бош қаҳрамон шижоати ифодасида романтикага мойиллик кўрсатган Абдулла Қаҳҳор, барибир улкан реалист сифатида қиссада асримиз аёллари қисмати билан боғлиқ чигалликларни, бу борада шўро ҳукумати олиб борган сиёсатининг зиддиятли жихатларини ҳаққоний кўрсатишга эришади. Адиб шўролар даврида комсомол ва партия тарбиялаб етиштирган жасур ва ғолиб раҳбар қиз панасида туриб кўплаб оддий аёлларнинг аянчли ҳаёти, қисмати хусусида сўз очади; Қифоятхон билан Эшон, Мехр билан Зулфиқоров, Тожихон билан Ҳамидулла муносабатлари, Саида турткиси туфайли ҳаракатга келган колхозчи аёлларнинг дил розлари ифодасида адиб реализмининг кудратли кучи баралла намоён бўлади...

Мехрининг Зулфиқоров домига тушиб қолиши, иккинчи хотин бўлиши сабаби ҳам аслида ҳаётда, хўжаликда илдиз отган қабохатлар, кўзбўямачилик, қаллобликлар билан алоқадор... Ҳамидулланинг ниҳоятда покиза, тўқин, саранжом-сарийшта хонадонидagi бетиним дилсиёҳлик, пировардида бу оиланинг барбод бўлиш боисини гарчи муаллиф кўпроқ ҳудожўй йигитнинг мутаассиблиги билан боғласа-да, бунда колхоз тузуми етиштирган донгдор, орденор жамоатчи аёл Тожихоннинг ҳам айби борлиги ўз-ўзидан равшан.

Ёзувчи асарда «феодал» эрларнинг қилмишларини бот-бот қоралаб, аёллар шаънини ҳимоя қилар экан, бошқа бир ҳолатга ҳам эътиборни тортади. Аёллар эрки ҳимояси бобида бирёқлама сиёсатининг туб моҳиятини очиб берувчи, фош этувчи ажиб бир образли гап айтади: «бу замонда хотин киши одам ўлдирса ҳам...одам ўлдирган хотин эмас, ўлик жавобгар бўлади». Бу хусусида бундан ошириб гап айтиш мумкин эмас.

Ниҳоят, колхоз тузуми туфайли «бахт топган», колхозда «катта куч»га айланган аёлларнинг дил изҳорига

қулоқ тутаёлик. Шулардан бири Ойниса, мана нималар дейди: «Мана мен, беш боланинг онасиман, эрим олтинчи бола, чунки бунга ҳам қарашим керак. Эрим билан баравар кетмон чопаман, кечқурун рўзгор, бола...Ўтган йили мен саккиз тоннадан ортиқроқ пахта тердим. Бир хисоблаб кўрингчи, шунча пахта терганимда неча мартаба ўтириб турдим экан, бундан ташқари, шу саккиз тонна юкни кўтариб неча километр йўл босдим экан! Кечқурунлари яна рўзгор иши, бола ташвиши, мажлис... Мен пардоз ҳам қилишим керак, пардоз қилмасам эрим бурнини жийиради... Мен мана шундай меҳнат қилганимга яраша қошки кўнглим тинч бўлса! Қўлим ишда-ю, кўнглим ясида, боғчада. Ясилларимиз ўзини эплай олмайдиган кампирлар қўлида, боғчамиз бўлса... Турғуқхонамиз не ахволда...Мен икки боламини шу турғуқхонада тукқанман. Одамнинг хўрлиги келар экан: сут топшириш планини ҳаминша ортиғи билан бажарамиз, ортиқча сутни сотгани районда икки дўконимиз бор, лекин кўзи ёриб ётган она бир стакан сут ёки кичкинагина битта пиёлада қаймоқ юзини кўрмайди!..»

50-йиллар «Шарқда социализмнинг машъали» саналган Ўзбекистон қишлоғи аёллари ахволи ҳақида бу гапларни айтиш, ёзиш катта жасорат эди. «Синчалак»да бошланган бундай жасорат кейинчалик адабиётимизда муайян анъана тусини олди, О.Ёқубовнинг «Бир фельетон қиссаси», «Диёнат», П.Қодиоровнинг «Қора кўзлар», «Эрк», Ҳ.Хошимовнинг «Дехқоннинг бир куни», Мурод Мухаммад Дўстнинг «Лолазор», Ш.Бошбековнинг «Темир хотин», Т.Муроднинг «Отандан қолган далалар» каби асарларида яратилган оддий, жабрдийда меҳнатқаш аёллар тимсоли орқали яхлит ҳолда аёл зотига социализм инъом этган «эрк», «ҳуқуқ»нинг асл моҳиятини фош этувчи асарлар туғилди. «Синчалак»да шаъни топган аёлнинг дилдаги охи, ўқинч, алам-армонларини элга ошқора изҳор этишдан бошланган анъана «Отандан қолган далалар»да турмуш машаққатлари, хўрликларга қарши исён тарзида аёлнинг ўзига ўт қўйиши билан интиҳосига етади! Адибларимизнинг жасорати туфайли ўша йилларнинг бундай шармандали шафқатсиз ҳақиқати мангуликка муҳрланиб қолди! Бунинг учун биз жасоратни бошлаб берган «Синчалак» ва унинг муаллифига раҳмат айтишга бурчлимиз.



## КОДИРИЙ ВА ЧЎЛПОН



Кайта куриш даврида Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи хақида ёзилган дастлабки тақризларда уни Абдулла Кодирий романларига мукояса қилиш асносида фикр юритилиши бежиз эмас. Жумладан, Р. Отаевнинг «Тонг юлдузи шуълалари» мақоласида («Шарк юлдузи», 1989 й, 1-сон) Мирёқуб эпика билан Отабек, Қурвонбиби «фитна» билан Ўзбек ойим, Раззок сўфи билан Солих махдум, Пошшоҳон билан Зайнаб образлари маълум даражада киёсланади. Бизнингча, мазкур ўхшатишларда макбул ўринлардан кўра эътирозли жиҳатлар кўпроқ. Отабек билан Мирёқуб ўртасида ўхшашлик деярли йўқ. Жафокаш Қурвонбиби Ўзбек ойимдан кўра Офтоб ойим ёки Нигор ойим билан кўпроқ тақдирдош. Пошшоҳон характери Зайнаб эмас, кўпроқ Хушрўйбиби характерига ҳамоҳанг.

Маълумки, Кодирий ўз романларида реалистик санъатнинг Фарб адабиётидаги энг сўнгги усулларига атайлаб кам мурожаат этган эди. Чўлпон эса бунга асосий ўрин берди. Шунинг учун «Кеча ва кундуз»нинг реалистик бадияти Кодирий романлари бадиятидан бошқа кутба туради. Шунга қарамай, Кодирий талантига қатта эътиром ва ундан ижодий ўрганиш туфайли Чўлпон тасвирида Кодирий каламига муштарак ҳолатлар учрайди.

«Ўтган кунлар» ва «Кеча ва

кундуз» романларида реалистик тасвирнинг бир муштарак белгиси шундаки, уларда бош қахрамонларнинг фожиали тақдири орқали ўтмиш иллатларини фош этиш пафоси рўёбга чиқарилади. Бунинг ёрқин мисоли Отабек ва Зеби характерларидир. Уларнинг қайси ижтимоий табакага мансублиги ҳал қилувчи масала эмас.

Тасвирда бош қахрамонлар характерлари ва тарихий шароитнинг турли қирралари зиддиятли тарзда қўйилади, характерлар асосан ўз бахтсизликлари, ноилж ижтимоий мавқелари билан гавдаланади.

Отабек характерига тарихий шароитнинг икки муҳити: биринчидан, оила ва севги муносабатларининг соқоқ томонлари муҳити (кўп хотинлик, ота-она орзуси, қундошлик), иккинчидан, ижтимоий-сиёсий муҳит (давлат-идора усули, уруш-низолар) қарама-қарши қўйилади.

Романнинг биринчи бўлимида Отабек ҳар икки муҳит зарбасига учрайди. Бу шу маънодаки, Отабек асар бошида ўзининг илғор ижтимоий қарашларини баён этади, мавжуд давлат-идора усулини танқид қилади, рус давлати тартибларини маъқуллайдди. Худди шу ўринларда унинг севги эрки ва оила хақидаги илғор қарашлари ҳам маълум бўла боради. Отабек муҳаббат билан оила қуради. Айтايлик, у бахтли бўлиб кетсин.

Йўқ, бунга ўша давр иллатлари йўл бермайди. Отабекнинг оила хақидаги қарашлари хотинбоз Хомидбой қарашлари билан тўқнашади, улар ўртасида яширин зиддият пайдо бўлади. Хомиднинг иғволари билан Отабек икки марта ўлимга рўбарў келади ва фавқулодда ҳолатларда омон қолади. Бунда у Хомиднинг қабих нияти (гўзал Қумушни икки хотини устига олиш) зарбасига дучор бўлади. Иккинчидан, Тошкент беклиги хоқимининг маслаҳатчиси Юсуфбек хожининг ўғли бўлгани ва Марғилонда тургани баҳонасида давлатнинг ички низолари қутқуси ва ҳукмдорларнинг хавфли чиғиривини бошдан ўтказлади.

Ёзувчининг реалистик тасвир маҳорати таҳсин айтмасдан илож йўқ. Гўё биринчи бўлимда Отабек ва Қумуш севгиси тўсиқлари бартараф этилгандек бўлади. Лекин бошқача бўлиб чиқади. Иккинчи бўлимда адиб янги ва мураккаб тўсиқни - ота-она орзусини қарши қўяди. Ўзбек ойимнинг ниятига Юсуфбек хожи ҳам, қудалар ҳам, Отабек ва Қумушнинг ўзлари ҳам қарши турулмайдилар. Ўша давр ҳаёти, халқ урф-одатлари, оилавий вазиятлар, қолаверса, оддий инсоний орзу-истаклар шундай усталик билан тасвирланадики, бундан бошқача бўлишини тасаввур қила олмайсиз. Ута нозиклашган муносабатлардан Хомид ғаразли нияти йўлида яна фойдаланади. Отабекнинг айрилик азоблари бошланади. Охири у душманларини яқсон ҳам қилади. Энди ошиқлар бахтли бўлиб кетса, дея ўйлайсиз.

Ёзувчи эса асарнинг учинчи бўлимида фожиани янада юқори поғонага қўтаради. Қумуш Тошкентга келиб яшай бошлағач, унинг севгисига қундошлик захри солина бошлайди. Иккинчи томондан, ижтимоий-сиёсий муҳитда дахшатли, фожиавий воқеалар рўй беради. Қипчок

қирғини содир бўлади. Отабекнинг оилавий аламларига юрт изтироблари қўшилиди, хатто отасига нафрат туйғуларини айтиб солиш даражасига олиб келади. Кўп ўтмай севгилиси Қумушдан жудо бўлади. Бу бахтга доим тўсиқ бўлиб келган бахтсизликнинг сўнгги нуктаси эди.

Чўлпон ХХ аср бошлари ижтимоий-маиший шароити ва Зеби характери муносабатини кўрсатишда «Ўтган кунлар»даги қабил фожиавийлик ва драматизмни тадрижий тарзда кучайтириб бориш йўлини танлади.

Эндигина балоғатта етган Зебини дастлаб мингбоши муҳити ўз тўрига олади. Зебини Акбарали мингбошига уч хотин устига ёш хотин сифатида олиб бериш ҳаракати аввал қундошлик касди тарзида бошланиб, кейин унга мингбошининг ўғил талабгорлиги қўшилиди.

Адабиётшунослик ва танқидчиликда кўп эътироф этилганидек, «Меҳробдан чан»даги Солих махдум ва «Кеча ва кундуз»даги Раззок сўфи типологик ўхшаш образлардир.

Қўринадикки, Кодирий ва Чўлпон романларида адабий таъсирга асосланган ва адабий таъсирсиз муштарак ҳолатлар, чизгиларни кўплаб топиш мумкин.

Албатта, Чўлпон романи бадиий хусусиятлари фақат Кодирий романларига киёслаб баҳоланмайди. Лекин, бошқа томондан, ана шу киёсда Чўлпон романининг қиммати, ўзбек романчилигидаги ўрни аён бўлиши ҳам мумкин.

Табииyki, Чўлпон романи хақида Кодирий романларига киёсан фикр юритиш Чўлпон сиймосини, унинг ижоди қимматини асло камситмайди. Аксинча, ҳар икки адиб хақидаги асл хақиқатлар тикланишига йўл очади.

Юсуфали ШОНАЗАРОВ,  
филология фанлари номзоди.

# КОРОНҒУ КЕЧАЛАРНИНГ

# ЁРУҒ ЮЛДУЗЛАРИ



Марварид Ғолиб қизи. Нодирабегим.

**70** ртбошимиз И.Каримовнинг халк депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида фарғоналиклар орасидан етишиб чиккан «Увайсий, Нодира, Анбар Отин ва Дилшод Барно каби нозик қалб сохибалари... ўзбек аёлининг бекиёс маънавий гўзаллигининг, иффати ва садокатининг бетакрор тимсоли» эканликларини зўр хурмат ва мамнуният билан қайд қилган эди.

Дарҳақиқат, бу маърифатли шоиралар, адибалар, хатто Анбар Отиндек файласуфлар уч хонлик ва чоризм зулми авж олган коронғу кечаларнинг ёруғ юлдузлари, эрксевар ўзбек аёлларининг пешкадам оқилу донолари бўлганлар.

XIX асрнинг ўрталарида Увайсий, Нодира, Дилшод ва Анбар Отинлар яшаган ва шеърият майдонига чиккан давр ғоят оғир, алам-ситамли, кулфат-мусибатли, жабр-зулм ҳар томонлама авжига чиккан тарихий босқич эди.

Увайсий (1779-1845 й.) зиёлилар оиласида таваллуд топган, отаси қосиб, онаси мактабдор бўлган. Бу мухитдан самарали фойдаланган Исахон исмли ёш қиз онасидан хат-савод чикариб, аввал халфа, кейин онасининг ёнида туриб, мактабдорлик қилган.

Увайсий сермахсул шоира бўлиб, 4 та девон тузганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Хаттотлар кўчирган уч нусха қўлёзма девон сақланмоқда.

Увайсий ижодининг мавзу доираси кенг, мазмуни теран бўлиб, булар орасида ҳукмрон феодаллар - ноинсоф бойлар зулмидан азоб чеккан аёлларнинг оху-фиғони акс эттирилганлари жуда кўп.

Увайсий ижодининг бутун ғоявий-бадий мохиятини ўзида ифодаловчи «Анор» шеърини ёд билмаган ўзбек қизлари топилмаса керак:

*Ул на гумбаздур? Эшиги, туйнугидин йўк нишон,  
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур, макон.  
Туйнугин очиб, аларнинг холлидин олсам хабар,  
Юзларида парда тортуғлик, турурлар бағри кон...*

Оташнафас шоиранинг фикрича, гўё булбуллар кафасга ташланган бўлса, зоглар сайрга қўйиб юборилган. У ўз шеъридаги булбул тасвирида ҳақ-ҳуқудан мосуво қилинган, имконият ва фаолият доираси ғоят чекланган оқилу одил инсонлар образини беради; зот тасвирида эса мурувватсиз жамиятдаги ёвуз қимсаларга нафрат ифодаланган. Шоира бевафо фалакнинг эркаси - ёмон одамларнинг қасофати туфайли яхшилар ўрнини ёмонлар, одиллар жойини ноинсофлар, оқиллар ўрнини нодонлар, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллаганини ўз кўзи билан кўриб, фарё чеккан.

Увайсийдан сал кейинроқ адабиёт, маърифат майдонига чиккан Нодира атоқли шоира, давлат арбоб хамдир. Исми шарифи Мохлар ойим бўлган бу сийм Комила, Макнуна таҳаллуслари остида ҳам шеърла ёзган.

Нодира ҳам устози каби сермахсул бўлиб, 196 йили топилган девонида унинг ўзи ёзган дебоч (муқаддима) билан бирга 180 та шеър жамланган.



«Комила» тахаллуси остида ёзилган 19 та (328 мисрали) ғазаллар киритилган девони борлиги ҳам аниқланган;

«Макнуна» тахаллуси билан битилган 333 та ғазали ҳам, девони ҳам бор. Ҳозирги кунга келиб, унинг ўзбек, тожик тилларида ёзилган жами 10 минг мисрага яқин шеърлари мумтоз адабиёт хазинасига қўшилган дурри гавхарлардир.

Нодиранинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари Ўзбекистондаги ижтимоий тафаккур тараккиётида муҳим ўрин тутди. У хонлик салтанатини мустаҳкамлаш, мачит-мадрасалар, йўл-қўприқлар, қарвонсарой ва савдо расталарини қуришга бош бўлган; халқ орасига хат-савод ва маърифатни ёйишга интилган. Аини пайтда мансабпараст, ғаразғўй амалдорлар, таъмагир дин пешволари, қонунбузар ҳоким, беқлар унга қаттиқ қаршилиқ кўрсатганлар.

Шуларнинг кирдикорларини ўз кўзи билан кўрган, улардан озор чеккан шоира зулмкор замондан зорланган; разолат, жаҳолат, нодонлик, мутаассибликка қарши чиққан; чин инсонга, мўмин-муслмонга ҳос фазилатларни, исломий кадриятларни улуғлаган, бошқаларни ҳам шунга қақирган.

Атоқли шоира, давлат арбоби Нодиранинг маърифат, эркин фикр, имон-этикод, инсоф-диёнат ва адолат учун жонбозлиги сарой амалдорларига ёқмаган, уларнинг фитнаси ва соткинлигидан фойдаланган Бухоро амири Насруллоҳон Қўқонни босиб олган ва шоирани қоғирликда айблаб, қатл этган.

Дилшод Барно 1801-1906-йилларда Қўқонда яшаб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган, кенг қўламда диний мактабдорлик қилган, насрий хотираномалар, тарихий асарлар ёзган шоира, шунингдек, олима ҳам бўлган. Исломий илмларни яхши билгани учун тахаллуси ёнига отин сифатловчиси қўшилган. Унинг отаси ҳам шоир бўлиб, ёшлигида қатл қилинган, онаси эса эрта вафот этган, 17 ёшида амир Умархон сарбозлари асир қилиб Қўқонга олиб келишган, чўртқесарлиги туфайли саройдан хайдалиб, бир имомга теккан. Унинг қайнонаси билимдон, маърифатли аёл бўлиб, мактабдорлик қилар эди. У ҳам шу йўлдан бориб, муаллимлик қилади.

Шоира, олима, педагог Дилшод отин ўз хотираларидан бирида 88 ёшгача кўзойнақсиз хат ўқигани, 51 ёшгача мактабдор бўлиб, 891 кизни саводли қилганини, уларнинг чорак қисми шеърятдан хабардор бўлганини, натижада 200 дан зиёд шоиралар етишиб чиққанлигини ёзган. Яна у хон саройи шоирлари билан суҳбатда бўлишдан маҳрум этилганини, лекин Увайсий, Нодира асарларидан қуч-қувват олганини эслатган.

Дилшод боқий умр кўриб, қийинчиликда яшаса ҳам жуда қўп адабий, тарихий асарлар ёзган. Буларда халқ ҳаёти, диний эътиқоди, тарихий ходисалар ҳақида фикр юритган.

Шоиранинг «Инсон матонати ва муҳожирлар тарихи» деган қўлёзмасига унинг ўзбек тилидаги 37, тожикча 5 ғазали ҳам киритилган. Бу асарда муҳожир (мусофир)ларнинг аянчли ҳаёти, шоиранинг ўзи, насли насаби, таваллуди, оиласи ва серташвиш, ғам-

аламли тақдири баён этилган.

Дилшод ўз талабалари орасида Анбар отинга алоҳида эътибор берган.

1870-1906 йилларда, бор-йўғи 36 йил яшаб, баракали ижод қилган Анбар отин ўткир шоира ва ўзбек аёлларидан етишиб чиққан илк файласуф ҳам бўлган, ислом фалсафасини яхши билган.

Анбар отин ижтимоий зулмга, тенгсизликка ошқоқар қарши чиққан аёллардандир. У ўз девонидаги сўзбошида ёзган: «Замонанинг норасолиги ва халқ кўрган зулму ситамларни ўз кўзи билан кўриб, мушоҳада этиб, эл-юрт холига йиғлаган ва қуввати етганча нафас, тил ила мурожаат қилган ким заифаи мунглиғ Анбар Суннати Фармонқул Марғилонийдурман».

Бу доно аёл ўз ўтмишдошларидан анча олға кетиб, халқни асрий ғафлат уйқусидан уйғотишга, ўз ватанини обод ва озод этишга қақирган:

*Умидворман, умидимиз тонги келиб қолади,  
Балоларнинг, зиндонларнинг кечаси йўқолади.  
Умидворман, ёқаси чок номуроднинг бахтига,  
Мурод ўзи бечоралар этагига келади.  
Бегоналар тирноғидан юракдаги яралар,  
Битиб кетиб, дил лавҳига дўстлик сўзи тўлади...*

Замонага, мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум ва унинг намояндаларига мурожаат қилиб, аёлларга раҳм-шафқатли бўлишга даъват этиб:

*«Аёллар сочи узун, ақли қалтадур» деганларга,  
«Хотинлар мол қатори сотилар» деб муштипарларни,*

*Зулайхо, Лайли, Ширинни тан олмағонларга ўт тушин!*

*Бўйи хуш Анбар қаби хайф, харомхўрлар учун,  
Судхўру, фоҳишабоз, сўзи ёлғонларга ўт тушин!,  
- деган эди шоира.*

Анбар отин шарқ фалсафасидан хабардор аёл сифатида «Қаролар фалсафаси» деган кичик бир рисола ҳам ёзган.

Бу фалсафий рисолада у инсоний фазилатлар жинси, мансаби, насли насабидан қатъи назар, ҳаммада мужассам бўлиши мумкин деган фикрни таъкидлайди.

Анбар отин оналарни ҳамиша, ҳамма ерда эъзозлаш, чексиз ҳурматлаш зарурлигини таъкидлаган: «Она шундай мохир донодурки, Афлотун ва Арастуни, Абу Али ибн Сино ва Улуғбекни, Жомийни, Саъдийни, Фирдавсийни ва Хайёмни, Нодира ва Увайсийни...оламни кўришга...мохир қилибдур».

Анбар отин жуда қисқа умр кўрган бўлса-да 1905 йилда девон тузиб, унга 41 ғазал, 4 муҳаммас, 1 қитъа, 1 мустаҳзод, шеърин таржимаи холини киритган.

Демак, Увайсий, Нодира, Дилшод қаби Анбар отин ҳам халқимиз маънавияти осмонида чараклаган юлдуз янглиғ из қолдирган.

**Н.ФАЙЗИЕВА,**  
*ТошДУ диншунослиқ  
кафедрасининг аспиранти.*

# ЎЗБЕК ТИЛИДА МАРОСАМЛАР

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин, миллий онг ва илмий тафаккуримизда ўзгариш юз берди. Бу ўзгариш кундалик турмушимизда, фикр тарзимизда ва, энг асосийси, миллий маданиятимиз тарихи, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ўрганиш ва уларга бўлган муносабатимизнинг янгиланаётганлигида ўз аксини топмоқда. Миллий-маънавий қадриятларимиз тикланмоқда. Хусусан, маҳаллаларга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Маҳалла кўмиталари халқ ва жамият ҳаётидаги муҳим устун бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида кўра, вилоят ва шаҳарларда маҳаллалар фаолиятини рағбатлантирувчи «Маҳалла хайрия жамғармаси» ташкил этилди.

«Маҳалла хайрия жамғармаси» ёрдамида халқнинг унутилиб бораётган расм-русум ва удумлари қайта тикланмоқда, шарқона бўлмаган одат ва удумлардан воз кечилмоқда, маҳаллалар орасида турли тадбирлар ўтказилмоқда, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Халқимизнинг энг яхши кунларидан бири тўйлар ўтказиладиган кун ҳисобланади. Шунданки, кексаларимиз доим: «Ҳар кимни тўйга етказсин, орзу-ҳавас кўрсин», дейдилар. Ана шу орзу-ҳавас заминидан она халқимизнинг дилидаги барча орзу-армонлари рўёбга чиқади.

Ўзбекларда бола ва бола тарбиясига алоҳида аҳамият берилади. Масалан, бола ёшлигида, айниқса, чақалоқ пайтида ёлғиз қолдирилмайди. Шунинг учун ҳам Бухорода: бола бошига кулча, пичоқ, саримсоқ; Наманганда: кулча, туз, исирик, пиёз; Сурхондарёда: ойна, тароқ; Тошкентда: тароқ, ойна,

пичоқ, гармдори, кўзмунчоқ; Самарқандда: тошқайроқ, тароқ, кулча, пиёз, қалампир; Андижонда: тош, айрим жойларда кулча; Қашқадарёда: кўзмунчоқ, кулча, пичоқ, пиёз каби нарсалар қўйилади. Бу нарсаларнинг ўз рамзий маънолари бор. Бу нарсалар бола-ни омон сақлашига, унга ёлғизлигини билдирмай туришига оналар қаттиқ ишонадилар.

Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятларида бола бешикка белангач, она ўнг томонидан эмизаци ва четига сариёғ суртилган ноннинг бир четидан тишлайди. Буни бир тегикроқ бола олиб қочади. Ўттиз-қирқ бола уни қувлаб етиб, бўлишиб оладилар. Бундан ташқари Қаршида болақайларга бўғирсоқ, нишолда; Қамашидан: бўғирсоқ, нон, конфет, Андижонда: кулча, новвот суви билан тайёрланган ҳолвайтар; Самарқандда: ёнғоқ ва ширинликлар; Қорақалпоғистон ва Хоразмда: чурак, бўғирсоқ; Наманганда: қанд, танга, бодроқ, ерёнғоқ; Тошкентда: тешиккулча, нон каби егуликлар тарқатилади. Бу нарсаларга оғзи теккан болалар чақалоққа узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайдилар.

Республикамиз вилоятларида болага соғлиқ, омонлик тиловчи бу одатлардан ташқари яна бир қанча одатлар ҳам борки, улар болага юмшоқ табиат, узоқ умр тилаш билан ҳам изоҳланади.

Қорақалпоғистонда бола беланишидан аввал элти (ходим) момо уни онаси елкасига ўтиргизиб, «онанг иш буюрса, йўқ дема», деб тайинлайди. Демак, момоларимиз бу билан болага йўрғагидан тарбия бериш керак, деган ўғитни олдинга суради.

Шунингдек, бешик тўйи куни баъзи вилоятларда отинбувилар,

алла айтувчи аёллар, ходим ва халфалар ҳам таклиф қилинганлар. Улар бешик тўйларида ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан, дostonлардан парчалар айтганлар, турли ҳикоялар, ривоятлар ўқиб берганлар. Бу каби одатларнинг ҳаммаси бешик тўйларининг жонли, қизиқарли ва қувноқ ўтишига олиб келган.

Туркий халқларда, жумладан, ўзбек халқида кўп асрдан бери давом этиб келаётган гўзал удумлардан бири - меҳмондўстликдир. Ўзбек халқида «Меҳмон отангдан улуг» деган мақолга қаттиқ риоя қилинади. Лекин республикамизнинг турли жойларида меҳмондўстлик одати ҳар хил. Бу ҳолатни бир пиёла чой устида ҳам кузатиш мумкин. Тошкент ва Фарғонада меҳмоннинг олдида дастурхон ёзилиб, турли ноз-неъматлар қўйишади, мезбон чойни аввал ўзига, сўнг меҳмонга қўйиб, тез-тез манзират қилиб туришади. Хоразмда эса чой, нон ва бошқа ноз-неъматларни меҳмоннинг олдида қўйишади. Меҳмон эса манзиратни кутиб ўтирмасдан ўзига чой қўйиб ичаверади.

Юқоридегилардан маълум бўлаётгани, ўзбекларнинг урф-одат, маросим ва расм-русумлари ўзининг бетакрорлиги, хилма-хиллиги, қувноқлиги билан гоят беқийсдир.

**Алишер МҰМИНОВ,**  
фалсафа фанлари номзоди.





# ҚАРШИ ШАҲАР ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ТАРИХИДАН

Мустақил Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарлари қатори Қарши ҳам бой ва кўҳна тарихга эга. Олимларнинг кўп йиллик археологик ва этнографик тадқиқотлари буни яққол исботлайди. Қадимшунослар Қарши яқинидаги Ерқўрғондан қадимги Навтака шаҳри тарихига доир қатор қимматли маълумотлар тўпладилар. Бу манзилгоҳдан сопол, тош ҳайкаллар, тош ва қимматбаҳо материаллардан ясалган тақинчоқлар, уй-рўзгор асбоблари ҳамда бошқа ашёларнинг топилиши Қаршида савдо ва хунармандчиликнинг энг қадимдан тараққий этиб келаётганлигидан гувоҳлик беради.

Тарихий маълумотларга кўра, XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Бухоро амирлигида Қарши шаҳрининг роли орта борган. Бухоронинг Ғузор, Шаҳрисабз, Афғонистон, Ҳиндистон билан қиладиган савдоси асосан Қарши орқали ўтган. Қарши Фарғона, Тошкент, Самарқанд шаҳарларини Эрон ва Афғонистон билан ҳам боғлаган. Натижада XVIII аср охириларида келиб, Қарши савдо-сотиқ бўйича амирликда Бухоро шаҳридан кейинги ўринга чиққан. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Қаршида 1840 йилда учта, 1863 йилда ўнта карвонсаройлар бўлган.

Қарши Ҳиндистон билан Бухоро ўртасидаги асосий йўл устида жойлашган бўлиб, бу ерлик савдогарлар кўпроқ Русия, Афғонистон, Эрон, Арабистон каби давлатлар билан савдо-сотиқ ишлари олиб борганлар. Тадқиқотчи П.Шубинский «Тарихий тўплам»га киритган «Бухоро очерклари» мақоласида (1892 йил) Бухородан Қаршига пахта, ипак, қуруқ

мева, бўёқ, бўз, феруза тошлар, мўйна, гилам, кигиз, Русиядан чит, ипак, кимхоб, тери, чинни, металл, баққоллик моллари, Афғонистон ва Ҳиндистондан шам, кисел, дори-дармонлар, мураббolar, Эрондан инглиз чити, ипгазлама, Қашқардан чинни, чой, ипак матолари, Бадахшондан эса қимматбаҳо тошлар келтирилганини қайд этган. Қаршидан эса қоракўл тери, пахта, қуруқ мева, ипак, тамаки каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олиб кетилган.

Савдо-сотиқнинг ривожини Қаршида хунармандчиликнинг ўсишига ҳам жиддий таъсир этган. XIX асрнинг 40-йилларида Қаршида бўлган рус тадқиқотчиси Н.Хаников хунармандчиликнинг заргарлик, чилангарлик, тўқимачилик каби турлари ривожланганлигини қайд этади. Хунармандчилик маҳсулотлари Ғузор, Бойсун, Сарисийё, Ҳисор бекларига элиб сотилган.

Қарши хунармандлари маҳсулотлари Бухоро орқали Русияга ҳамда бир қатор Шарқ, хусусан араб мамлакатларига бориб етган. Академик В.В.Бартольднинг таъкидлашича, Қарши қандолатчилик ва мой ишлаб чиқаришнинг маркази бўлган.

Можор сайёҳи Ҳ.Вамбери Қарши пичоқчилиги ҳақида шундай ёзади: «...бир хиллари сифат жиҳатидан ҳисорликларникидан устун бўлмаса ҳам, аммо бутунлай Ўрта Осиёга тарқалган бўлиб, Хўжалар томонидан ҳатто Эрон, Арабистон, Ҳиндистонга олиб борилар ва ўз маҳаллий жойидан кўра чет элларда пичоқлар уч-тўрт баробар қиммат сотилар эди».

Таниқли элшунос О.А.Сухареванинг маълумоти, XIX аср охири XX аср бошларида Қарши ва унинг атрофида беш мингтагача тўқув дастгоҳи бўлган экан. Бу дастгоҳларда алача, адрас, бе-

қасам, салла тўқилган. Шаҳарда йигирма бешта тўқимачилик корхона эгаси фаолият кўрсатган. Энг йирикларидан бири Қарши яқинидаги Лоғмон қишлоғида яшовчи мулла Охун бўлиб, кўплаб алача ишлаб чиқарганлиги учун «Охун алача» деб аташган. Шунингдек, шаҳарда майда корхоналар ҳам фаолият кўрсатган.

Қаршининг ҳар бир маҳалла ва гузари хунармандчилик маданиятининг маълум бир соҳасига ихтисослашган. Масалан, Чармгар маҳалласида терини қайта ишлаш, этик, кавуш, маҳси тикиш билан шуғулланилган бўлса, Ҳарамсарой, Бойлар гузариди заргарлик, Чилангаронда темирчилик, ҳарротликларда дурадгорлик, Кулолгузарда кулолчилик ривожланган. Шаҳарнинг мисгарлик дарвозаси атрофида мисгарлар яшаб фаолият кўрсатишган. Тарихий маълумотларга кўра 1894 йилда савдо-сотиқ ва хунармандчилик 1 миллион 800 минг сўм (ўша давр нархи билан) фойда келтирган.

Қаршилиқ уста Абуқодир Низомиддин, Саъдий Шарафи Асад, уста Ўрин, уста Салоҳиддин, уста Низомиддин каби қандакорлар машҳур бўлишган. Қарши қандакорлик мактаби усталари ясаган буюмлар ҳозир ҳам Ўзбекистон марказий музейларини бебаб турибди. Ўтмишда савдо ва хунармандчиликнинг маркази - Қарши шаҳри «Буюк ипак йўли»ни боғловчи муҳим ҳалқалардан бири ҳисобланган.

Озод АЛИҚУЛОВ.





- *Неъмат ака, суҳбатни руқнимизнинг анъанавий саволи билан бошламоқчиман. Сиз бедорлик ҳақида қандай фикр билдирасиз?*

- **Бедорлик.** Биласизми, баъзан киши бедор туюлса-да ўзи, жисми жони мудроқ бўлиши мумкин. Ҳар бир инсоннинг аввало виждони уйғоқ бўлсин. Бу гап, айниқса, ижодкорга тегишли. Виждони уйғоқ киши ҳеч нарсага лоқайд қарамайди. Одатда виждони уйғоқ инсонлар буюк шахслар бўлиб келган. Улар ҳар қандай шароитда ҳам ҳақ сўзни айтганлар. Бундай шахслар қаторига Машраб, Абдулла Қодирий, Бехбудий, Чўлпон, Фитрат сингари унлаб ижодкорларни киритиш мумкин. Виждон уйғоқлиги ҳар қандай жамиятни ғафлат ҳолатидан қутқаради.

- *Мустақиллик арафасида бир гуруҳ ижод аҳли қатори сиз ҳам «Дўстлик» ордени билан тақдирландингиз. Шу муносабат билан қалбнингизда кечган туйғуларни эшитишни истардик.*

- Тўғриси айтсам, шўро даврида ақалли бир дона нишон ҳам олмаганман. Дарвоқе, ёлгон бўлмасин собиқ Иттифоқ даврида миллионлаб кишилар қатори «Лениннинг юз йиллиги» медал билан мукофотландим. Буни мукофот ҳам деб бўлмайди. Шунинг учун уни бирор марта тақмаганман. Чунки инсоннинг қадр-қиммати етарли баҳо берилмасди. Менинг назаримда мустақиллик бизга нафақат эрк берди, балки қадр-қимматимизни қайта тиклади. Мукофот ҳақида гап кетар экан, истиқлолнинг икки йиллиги арафаси мен учун унутилмас йил бўлиб қолди. Ўша йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси деган шарафли номга сазовор бўлдим. Бу йил эса мустақиллигимизнинг олти йиллиги арафасида «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Бундан бениҳоят хурсандман. Шахсан мен мукофотни инсоннинг қадр-қиммати га бир эътибор деб биламан. Инсон мукофот туфайли шон-шуҳратга эришмайди, балки халққа қилган хизмати туфайли обрў-эътиборга эга бўлади. Ватан равнақи йўлида хизмат қилаётган инсонларнинг меҳнатини беътибор қолдирмасдан уларни меҳнатларига яраша тақдирлашни муносиб кўрган муҳтарам Президентимиздан гоят миннатдорман. Мен эл-юрт манфати йўлида хизмат қилаётганимдан ниҳоятда мамнунман.

- *Одатда ижодкор аҳли кўпроқ ақлий меҳнат билан машғул бўлади. Жисмоний меҳнатга сизнинг муносабатингиз қандай? Сизнингча, инсоннинг маънавий камолга етишувиде қай бири муҳим ўрин тутаетми?*

- Инсон ақдан етук бўлиши учун жисмонан соғлом бўлиши керак. Соғ танда — соғлом ақл, деб бежиз айтишмайди. Жисмоний меҳнат қилиб чиниқмаган инсон жисман бақувват бўлмайди. Шундай экан, ҳар бир инсон ақлий

меҳнатнинг қайси соҳасида фаолият юритишидан қатъи назар жисмоний меҳнат билан шуғулланиб туриши керак. Халқ севган адиб Абдулла Қодирий ёз бўйи меҳнат қилган. Бу унинг ижодини юксалтирса юксалтирганки, пасайтирмаган. Афсус, ҳозирги шаҳар ҳаётида кўп қаватли уйларда яшаш жисмоний меҳнат билан шуғулланиш имконини бермайди. Бир пайтлар Махатма Ганди «Бундан кейин Ҳиндистонга техникани киритмаймиз» деган эди. Эҳтимол бу унчалик тўғри эмасдир. Ҳар қалай техника бор жойда инсон меҳнатига эҳтиёж сезилмайди. Мен отамнинг устaxonаларида ёшлигимдан қосқон босиб болга урганман. Отамнинг дўконига тўхтовсиз кириб-чиқиб турадиган минглаб тақдирлар, минглаб заҳматкашлар қиёфаси ҳамон хотирамдан ўчмайди.

- *Ҳозирги пайтда республикамиз «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказида фаолият юритаяптисиз. Айтинг-чи, республикамизнинг маънавий равнақ топиши учун қандай ишларга бош-қош бўлмоқдасиз? Ўзингизни ижодий муҳитдан узилиб қолгандай ҳис қилмаяптисизми?*

- Умримнинг кўп қисми қизил империя даврида ўтган. Қорни учун эмас, қадри учун йиғлаган халқни кўрганман. Мустақилликни кўрсардик. Аммо баарибир коммунистик мафкура таъсиридан қутула олмасдик. Ниҳоят, асрлар бўйи интилган орзуимизга эришдик. Янги мустақил жамиятнинг пойдеворини қуришни бошладик. Энди шунга яраша янги мустақил мафкурани ҳам топишимиз керак эди. Давр шуни талаб қиларди.

Шунинг учун Президентимиз 1994 йил 23 апрелда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказини ташкил этиш тўғрисида махсус фармон чиқарди. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг кетма-кет иккита қарори эълон қилинди, лекин иш ҳадеганда жўнашиб кетавермади. Одамлар, ҳатто айрим раҳбарлар ҳам «Маънавият ва маърифат» марказининг асл моҳиятини тушуниб етмадилар.

Худди шундай бир пайтда 1996 йил 4 сентябрда Президент Маънавият ва маърифат маркази раҳбарлари ва бошқарув аъзоларидан бир гуруҳини суҳбатга чорлади. Суҳбатда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилди. «Юксак маънавиятсиз келажак йўқ» деган сўзлар қайта-қайта такрорланди. Орадан ҳафта ўтмай тарихий 9 сентябрь фармони эълон қилинди. Ана шу фармон айрим раҳбарларни, таъбир жоиз бўлса, кенг жамоатчилиқни маънавий паришонликдан уйғотгандай бўлди... Бир йил давомида бу соҳада кўриб турганимиздай анча ишлар амалга оширилди.

Энди сиз айтган ижод масаласига

келсак, қайси соҳага берилиб кетишимдан қатъи назар юртимиз тараққиётига айна зарур пайтда бирор нафим тегаётганини ҳис қилиб яшашнинг ўзи мен учун катта бахт. Мустақиллик бу юртимиз, халқимиз тарихида жуда катта улкан воқеа бўлди. Истиқлол учун ҳамма нарсани қурбон қилишга тўғри келади. Демак мен маънавият ривож учун керакманми-ишлашим керак. Ҳозир маънавият соҳасида марказимизда жуда катта ишлар бўлаяпти. «Маънавият» нашриёти иш бошлади. Тарихимизга, ўтмишимизга оид, жадидлар ва жадидчиликка оид асарлар, плакат ва рисоалар чиқариш ишлари қизгин равишда амалга оширилмоқда. «Жаҳон адабиёти» журналининг биринчи бўлиб ҳамдўстлик мамлакатлари орасида бизнинг республикамизда нашр этила бошлаши жуда катта воқеа бўлди. «Тафаккур» журнали ҳам энг юксак савияда чиқаётган нашр ҳисобланади.

- *Биз китобхонлар жуда кўплаб ҳажвий асарларингизни, қизиқарли ҳикояларингизни ўқиганмиз. Айниқса «Бир аср ҳикояти» тўпламингиз ўқувчи қалбида ўзининг ёқимли таассуротлари билан муҳрлиб қолади. Мана шу асарингиз хусусида фикр билдирангиз.*

- Бу асарни яратишимдан мақсад падари бузрукворим ҳисобланмиш оддий, тақводор темирчининг бир асрлик умр лавҳалари мисолида ўзбек халқининг тарихий қисмати га назар ташлаш эди. Ҳали ҳаёт чоғларида отамдан эшитганларимнинг айримларини ўз ҳолича қоғозга тушириб қўйган эдим. Орадан анча вақт ўтгач ўқиб қарасам, бу ёзувлар кўзимга тўтиёдек кўринди. Китоб нашрдан чиққандан кейин айрим режиссёрлар фильм яратишни таклиф қилишди. Мен хоҳламадим. Чунки мен учун ягона бўлган падаримнинг қиёфасини актёр ижро этишини тасаввур қилолмадим.

- *Энди суҳбатимизни бевосита иш фаолиятингизга боғлиқ бўлмаган саволлар билан давом эттирмамоқчиман. Сиз инсоннинг қайси жиҳатини қадрлайсиз?*

- Ёлгон гапирмайдиган тўғрисиёз, ваъдасининг устидан чиқадиган, софдил инсонларга ҳурмат билан муносабатда бўламан ва қадрлайман. Шу ўринда фойдали ва зарарли ёлгон хусусида ҳам фикр билдириб ўтишни истардим. Баъзан ижобий мақсадларда зарарсиз ёлгондан фойдаланишга мажбур бўлиб қоламиз. Масалан, бошига мусибат тушган кишиларни тинчлантириш мақсадида ёлгондан фойдаланишга тўғри келиб қолади. Айтадиларку, зарарли ростдан фойдали ёлгон афзал деб. Умуман олганда субутсиз, юқоридаги хислатларнинг акси бўлган инсонлардан ихлосим қайтади.

- *Ўзингизга нисбатан таққидий муносабатда бўлган онларингиз ҳам бўлиб турадими?*

- Албатта бўлиб туради. Инсон энг



ТЕМИРЧИДАН ҚОЛГАН ТИЛЛОЛАР



аввало ўзидаги камчиликларни сеза олиши ва танқидий хулоса чиқаришни ўрганиши керак. Шундагина бошқаларга ҳам тўғри баҳо бера олади. Баъзан ўзимни имкон даражасида ишламаётгандек ҳис қиламан. Ўз-ўзимга ишончсизлик, дангасаликка ўхшаш ҳолатлар содир бўлиб қолади. Ижод аҳли учун муҳими қаламни журъат билан қўлга олиш. Бу ёғи осон кетаверади. Камдан-кам содир бўладиган журъатсизликка ўхшаш ҳолатга тушиб қолсам ҳам ўзимдан хафа бўлиб кетаман.

- *Одамлар сизнинг юрган қадамингиз кулги дейишади. Агар малол келмаса, бирорта кулгичи воқеа айтиб берсангиз?*

- Хўп бўлмасам, «Шунда мен...» туркумига кирувчи ҳазил бир воқеани айта қолай. Кеча телерадиокомпания раиси Абдусайд Кўчимов «Боғи эрам»да тўй берди. Ошдан кейин Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов, ёзувчи Эргаш Раимов, бухоролик шоир Фулом Шомуродов ва уч-тўрт киши суҳбатлашиб турган эдик, дилкаш инсон, қўшиқнавис шоир Нормурод Нарзуллаев (Нарзий) келиб қолдилар. У киши мен билан кўришарканлар:

- Намунча? Қовоғингизни очиброқ ўтиринг бундай? Ухламадингизми-ё? - дедилар хушчақчақлик билан.

- Очилиб қолар, - дедим гарангсиз.  
- Ҳа, ана бу бошқа гап. - Ўша заҳоти Эргаш Каримовга юзланиб, - Раҳмат, бизни укани телевизорга ишга олибсиз, - деди.

- Ким у?  
- Шераличи, - дедилар Нормурод ака, - Шерали Ҳожиёв, Мўттида.

- **ШУНДА МЕН:** - Э, бундай денг, Сизнинг укангиз эканда, шеърлари ҳам худди ўзингизникига ўхшайди-я, - дедим.

- *Ҳаётда ўз болалигини эсламайдиган, кўмсамайдиган инсон бўлмаса керак. Кўпроқ қандай кайфиятда бўлган чоғингизда болалик хотиралари кўз олдингиздан ўтиб туради?*

- Биласизми, инсон кўпроқ соғлиги ёмонлашганда, беморликда, ёлғизликда, кайфияти бузилганда ота-онасини, болалик йилларини кўпроқ эслайди. Мен ҳам ана шундай ҳолатларга тушиб қолсам болалик хотираларим кўз олдимдан ўта бошлайди. Худога минг қатла шуқрки, ота-онаминг дуосини олганман. Отам раҳматли ҳам оталарининг дуосини олган эканлар. «Олтин олма, дуо ол» деган ҳикматда сир кўп.

- *Неъмат ака, самимий ва қизиқарли фикр-мулоҳазаларингиз учун катта раҳмат.*

Суҳбатдош:  
Сайёра ШОДИЕВА.

\*\*\*

- Неъмат!  
- Лаббай, ота?  
- Нечага кирдинг?  
- Эллик бешга.  
- Она корни билан эллик олтига-да? Демак, камида эллик йиллик гапни аклинг олса керак. Энди айтчи, мани бирор марта арак ичганимни кўрганми-сан?

- Йўк.  
- Ёмон йўлга юрганимни ёки бировнинг хақини еганимни кўрганми-сан?  
- Йўк.  
- Унда нега арак ичасан?  
- Кўп ичмайман-ку, ота...Энди кеча мехмонлар билан жиндай...  
- Худою пайғамбар харом қилган нарсани нега ичасан? Ахир арақнинг ўзи кўзачага камалган жин-ку! Яна жиндай дейди-я...

\*\*\*

- Саид Ахмад, бу Саидахоннинг вафотларига канча бўлди?  
- Йигирма йил.  
- Сизгаям кийин бўлди-да ука. Ха, биров олдин, биров кейин, нима қилмаиз энди, такдири азал шу экан-да. Айтмоқчи, нечага бордингиз, ука?  
- Йиллим кўй, етмиш учга кирдим.  
- Ўх-хў, хали ёш бола экансиз.

\*\*\*

Саид Ахмад ака:  
- Иккаламиз ҳам бевамиз. Битта опасингилни топиб божа бўламызми?  
Отам:  
- Лаббай?  
Саид Ахмад ака:  
- Ёкди, шекилли. (Овозини баландлатиб) Иккаламиз ҳам бевамиз, дейман. Ёшроқ бир опасингилни топсам, божа бўламызми?  
Отам:  
- Бўламыз... Кани, омин денг бўлмасам... Парвардигор иккаламизга ҳам нариги дунёда опасингил хурлардан ато этган бўлсин...

\*\*\*

Хе-еч бу дунёнинг ғамини ема. Ўғилларим ўлди деб хафаям бўлма. Худо санга саккиз ўғил берди, ўзига керак экан, қайтиб олди. Қўлингдан нима келади, ожиз бандасан-да. Қизларинг, набираларингга шуқр қил. Марҳум ўғиллар сани нариги дунёга ярайди. Эрта киёмат куни ўша норасидалар Парвардигорга «Жаннатга кирмайман... Отам дўзахда азоб чекиб ётса-ю, ман жаннатга қандай қираман?» дея чир уриб йиғлашаркан... Ана ўшанда Парвардигорнинг кўнглида сан, осий бандасига шояд раҳм уйғонса...

\*\*\*

Бу дунёга келиб, уч нарсдан хазар килдим: биринчиси - тилло, иккинчиси - милтиғу таппонча, учинчиси - кадах. Шу учаласини қўлимга олмадим.

\*\*\*

Темирчи бўлиб пичок ясамадим, қуроқ ясамадим. Ҳроғу кашқорд ясадим - одамлар буғдой ўрсин деб. Кетмону бел пешладим - дехқонлар арик казиб, сув таратсин деб. Кў-ўп капкир ясадим. Яна-чи, асов отларни такаладим - жониворларнинг туёқлари оғримасин деб.

\*\*\*

Кишлоғимизда муфти Соли раҳматли бир гапни такрорларди. Одамзодда уч хислат бўлиши - мукамаллик аломати экан. Булар: нутқи тома, зийнати жома, маъкули омма. Яъники, бу - нутқинг дона-дона, равон бўлсин, чопонинг тоза ва кўримли бўлсин, ўзинг эса элга ёқимли, маъкул бўл, дегани экан.

\*\*\*

Бир бола йиғлаб турган эди, бориб юпатмокчи бўлдим.

- Ха, нима бўлди?
- Онам урди!
- Тўхта, қаёқка кетаяпсан?
- Онамга! - деди бола.

Кўрдингларми, урсаям, сўксаям, бу дунёда хар кимнинг онаси бўлсин экан.

\*\*\*

- Бизани Ваҳмкор кишлоғи темир йўлдан бир чокирим пастликтайти. Темир йўлда битта Некалай ака деган киши ишлайти. Барака топқур бизага ноникок-сухори берайтила. Кўп аломат эди-да. Ўзбекчани ҳам билайти. Ўша «Бу ерларга ҳам Ленин келади, ҳаммаларинг озод бўласила», девди. Ўзим Холикбойнинг зулмидан тўйган эмасманми, унинг бу гапидан қувониб кетиб, «Ленин кел» деган шеъримни тўкидим.

- Кани, эштайлик, шоиржон.
- Мана бундой:

Севимли мушкулосоним, улуғ  
йўлбошчи Ленин, кел,  
Юрагим, дардаг дармоним, улуғ  
йўлбошчи Ленин, кел,  
Сўраб холи паришоним, улуғ йўлбошчи  
Ленин, кел,  
Бўлиб менга кадрдоним, улуғ йўлбошчи  
Ленин, кел.

Шу шеърим учун Холикбойдан оларимни олганман. Бир қуни масжидни ёнидан бир коп ўтбехи кўтариб кетаётувдим, Холикбой чокириб қолди.



Ёнида Очил тўпчибоши. Югириб бортим. Холикбой мани тўпчибошига таърифлай кетди: «Жаноб тўпчибоши, бу Шарифча ўзи шоир, «Ленин, кел» деган кўшиқ ҳам тўкиган, кани бир ўқи-чи», деди. Ерга қараб турабердим, Очил тўпчибоши ҳам: «Кани, кани», деди. Юраким бир нарса сезгандек, баҳона қилдим. Холикбой: «Бўл инди кўп таранг қилаберма», деди. Уқишга мажбур бўлиб бошладим. «Севимли мушкулосоним, Ленин, кел» дейишимни биламан, Холикбой лағати билан оғзимга тепиб юборти, оғдарилиб тушдим. Яна тепаберди...оркамга, бетимга, бикинимга чунонам тептики, худо бандасига кўрсатмасин!...Бир пайт Очил тўпчибоши: «Бўлди ақун, бой, Ленин

оғзидан келди-ку», деди...

- Эй, ха оғзингиздан Ленин эмас, конингиз келган бўлса керак-а, шоиржон?

- Топдингиз, усто бобожон.

\*\*\*

- Усто бобожон, ўша йилларда яна халқ орасида Ленин иккитаймиш: биттаси Ленин эмиш, яна биттаси - Кал Ленин, деган гапла юрайти.

- Тўғри, шоиржон, манам эшитганман.

- Кейин билсак, тескариси бўлиб чикти. Кал Ленин деганимиз ойнакли, серсоч бўлиб, Ленин бобонинг ўзлари (атрофга қараб олиб) калрок эканла.

# ҲАЗРАТ АЛИ ЗАКОВАЛИ

Инсонга ҳаёт ва турмушда ўз ўрнини белгилаб берувчи омиллар - зукколик ва донишмандлик ҳисобланади. Шу нарсаларга эришиш ҳаётий заруратдир. Бунинг учун инсон фикрлаш, ўйлаш, фахмлаш қобилиятини ўстиришга ҳаракат қилиши лозим.

Фаннинг қайси соҳасида ёхуд адабиётнинг қай бир жанри бўйича асар ёхуд тарбиявий пандномаларни яратса, у ижодкор саналади. Ваҳоланки, ижодкор бўлиш ўта мураккаб фаолиятдир. Бунда ўйлаш, фикрлаш, фахмлаш билан бир қаторда туғма истеъдод зарур. Ўз ўзидан аёнки, истеъдод ва иқтидор ҳам тарбияланади. Бу доимий равишда ўқиш, илм олиш ва такрорлаш билан бевосита боғлиқдир. Шу омиллар ва жараёнларнинг натижасида зукколик ва донишмандлик вужудга келади.

Дарҳақиқат, Ҳазрат Али ибн Абу Толиб закийлар ва донишмандлар оиласида ўсди, тарбияланди. Алида Расулulloх Муҳаммад алайҳиссаломга тақлид қилиш, унинг сўзларини гапириш, қилган ишларини унинг каби такрорлаш одати кучли эди. Демак, Расулulloх нозил бўлган Қуръони Карим оят ва сураларини бошқаларга айтиб берарди, Али ҳам ўша оят ҳамда сураларни ёд олиб, такрорларди, у намоз ўқиса Али ҳам намоз ўқирди. Бу нарсаларнинг барчаси Ҳазрати Алини зукко ва донишманд даражасига олиб чиқди. Бошқача айтганда, имом Али умр бўйи Расулulloх Муҳаммад алайҳиссалом дорилфунунидан сабоқ олди.

Ҳазрат Али ақл-заковати, фахм-

фаросати, бекиёс идроки, чуқур билимдонлиги, донолиги, зехнининг ўткирлиги билан халқ хурмат-эътиборини қозонди. Шу ўринда унинг ажиб, кишиларни ром қилишга лойиқ нотиклигини, жуда катта сўз устаси эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. У халқ ўртасида сўзлаганда, Қуръони Карим ва Расулulloх ҳадисларидан оятлар ҳамда мисоллар келтирарди. Бу усул орқали ўз фикрини далиллашга ҳаракат қиларди. Бундан ташқари Ҳазрат Али шоирларнинг шеърларидан сатрлар ва хикматли сўзлардан жуда ўринли фойдаланарди.

Ҳазрат Али ваъз айтиш ёхуд ўзаро муомала-муносабат давомида ўзи ҳам хикматли сўзлар ва байтлар ижод қилардики, улар тингловчиларга манзур бўларди. Зукко ва донишманд Ҳазрат Алининг жуда кўп панд-насихатлари хикматли сўзларга айланиб, тилдан тилга, элдан элга, йилдан йилга, замондан замонга ўтиб, бизгача етиб келган. Бу ҳақда олим ва таржимон А.Ирисов шундай дейди: «Ҳазрат Алига тегишли панд-насихатлар анчагина. Улардан кўпи кундалик ҳаётимизда ҳам ишлатилиб келинади. Чунончи, "Нодон дўстдан ақлли душман яхшироқ" ёки «Чин дўст оғир кунингда билинади» каби-лидаги бир қатор хикматлар борки, мана булар ўн тўрт асрдан буён халқ орасида одамларни тўғрилиқ, маърифатга чорлаб келади.

Олим ва мутаржим А.Ирисов Ҳазрат Алига юксак баҳо бериб, унинг хикматлари ҳақидаги фикр-ни бундай давом эттиради: Али-

нинг хикматлари «Ўзбекистон Фанлар Академияси тармовидаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасидаги 2572 рақамли қўлёзмадан жой олган. Бу қўлёзманинг ўзи катта мажмуадан иборат, унда Замахшарий (ваф. 1144) каби анчагина олимлар рисолалари ҳам жой олган, шу қўлёзманинг йигирма еттинчи рисоласи Ҳазрат Алининг насихатларидан иборат. Унда бу зоти киромнинг 276 та ўғитлари бор.

Бундан ташқари, Ҳазрат Алининг шеърӣ девони ҳам мавжудки, унга ахлоқ-одоб, инсонпарварлик, ватанпарварлик, Ватан ҳимояси, ҳақиқат, адолат ва диёнат сингари мавзулардаги бадий баркамол назмӣ асарлари жамланган.

Ҳазрат Али ибн Абу Толиб ақл-идроки теран, тафаккур қўлами кенг, зийрак, ҳозиржавоб нотик ва шоир, ҳар қандай вазият ва ҳолатда ўзини тутиб олишга қодир инсон бўлган, ўзига ишончи кучли эди. У бирор фикрни айтишдан ёки бирор саволга жавоб беришдан олдин пухта ўйлайди ва дадил жавоб берадики, унинг ҳар бир сўзи теран маъно-мазмун касб этади.

Фикримизнинг далили учун бир воқеа хикоятни келтирайлик ва у атрофида фикр юритайлик. Бир куни Ҳазрат Алига илм олишнинг хикматлари ва фазилатлари ҳақидаги суҳбат чоғида яҳудийлар битта савол билан мурожаат қилишади.

Савол: Илм афзалми ёки давлатми?

Ҳазрат Али розияллоху анху бу саволга ўн хил ва лекин маънавий-



ахлокий, фалсафий-мантикий, маданний-маърифий жихатдан пухта жавоб беради.

1-жавоб: Илм афзалдир, чунки илм инсонни ёруғликка олиб чиқади, давлат эса зулматга.

2-жавоб: Илм афзалдир, чунки илмли кишининг дўсти кўпаяди, давлатли кишининг эса душмани кўп бўлади.

3-жавоб: Илм афзалдир, чунки илмни қанча ишлатса, кўпаяверади, давлатни ишлатса камаюди ва йўқолади.

4-жавоб: Илм афзалдир, чунки илмни ҳеч ким ўғирлай олмайди, давлатни эса ўғирлайди.

5-жавоб: Илм кўпайган сари кишининг қалби нурланиб, жилоланиб боради. Давлат кўпайса, кишининг қалби қорайиб, туманлашади.

6-жавоб: Илм кўпайса, кўнгил хамиша хотиржам, давлат кўпайса, туну кун беҳаловат бўлур.

7-жавоб: Илм қадимдан мерос, жаноб пайғамбаримиз саллоллоху алайхи ва салламдан.

8-жавоб: Илм кўпайса у дунёда жавоб берилмас, давлат кўпайса, ҳисоб берилур.

9-жавоб: Давлат кўпайиб кетса, Фиръавндек худоликни даъво килур, илм кўпайса, ёлғиз Аллоху таолодан кўрқур. Ҳамма Аллоху таолони илмига қараб танийди.

10-жавоб: Илм риёзатга, ҳалолликка, давлат эса залолат, ҳаромликка олиб боради.

Бир саволга бу хилдаги ўнта пухта жавобни бериш кишидан катта илмни, ақл-идрокни талаб қилади. Улар кенг мушоҳадали шарҳни тақозо этади. Ўша саволга нисбатан берилган жавобларнинг мазмун, мохияти бугунги кун учун ҳам ниҳоятда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилиши тайин.

Илм афзалдур. Чунки илм кишини ёруғликка олиб чиқади, давлат эса зулматга.

Илм борлик ва улар ўртасидаги муносабатлар, инсоният, табиат, жонли-жонзот ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ҳақидаги тушунча, билимлар ҳамда қарашлар мажмуасидир. Бу мажмуага эга бўлиш жуда кўп ўқиш, ўрганиш, тажрибалар ўтказиш, ҳаёт ва турмушнинг аччиқ-чучугини тортишни тақозо этади.

Демак, илм ҳаёт ва турмушда орттирилган тажрибаларнинг ама-

лий ва умумий-назарий натижасидир. Бундай ҳолатда, яъни инсон илм туфайли ҳар қандай қийинчиликдан осон чиқиб кетиши мумкин.

Зукколик, топқирлик, ақл-заковат, ҳозиржавоблик, донолик ва донишмандлик, чечанлик каби фазилатлар илм-идрокнинг кучлилиги билан бевосита боғлиқдир. Ҳа, ақл чироғи илмдир.

Мухаммад алайҳиссалом «Илм эгалланг» дерди издошларига. Чиндан ҳам Мухаммад алайҳиссаломдан кейин мусулмон дунёсида илм янада ривожланди. Ал-Хоразмий, ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Шайх Нажмиддин Кубро, аз-Замахшарий каби юзлаб, минглаб илм аҳлининг фаолияти шу фикрнинг ёрқин далилидир.

Мухаммад алайҳиссалом айтдилар: «Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир», «Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир», «Илм - ибодатдан афзал», «Ибодат фазилатидан кўра илм фазилати менга сеvimлироқдир».

Мухаммад алайҳиссалом дейдилар: «Дунё тўрт кишиникидир»:

1. Аллох таоло бир бандага мол берган ва илм берган. У бандага берилган мол ва илмнинг тасарруфида тақво қилади ва сийлаи раҳм қилади. Илм ва молидан Аллох учун ҳақ ажратади. Бу энг афзал ўрин.

2. Бир банда бор, Аллох унга илм берган, лекин мол бермаган. Лекин унинг нияти тўғри: агар Аллох менга мол берсайди, фалончига ўхшаб сарф қилардим. Бу шу ниятига қараб тенг ажр олади.

3. Бир банда бор. Аллох унга мол берган, илм бермаган. Мол тасарруфида Аллохдан кўрқмайди. Молидан қариндошларига бермайди. Бу эса энг ёмон ўриндир.

4. Бир банда бор. Аллох унга мол ҳам, илм ҳам бермаган. У айтдики, агар Аллох менга ҳам берганда эди, фалончига ўхшаб иш қилардим. У шу нияти билан ўша кишига баробар ҳисобланади (савоб ва гуноҳда).

Мухаммад алайҳиссалом шу ҳадиснинг 3-қисмида давлати кўпайган кишининг Аллохдан ҳам кўрқмаслиги таъкидланганки, бу Фиръавннинг ножоиз ишларига мос келади. Дарвоқе, унга Аллох амал ҳам,

давлат ҳам берган, лекин у Аллохни тан олмай, ўзини худо деб билган.

Бундан кўриниб турибдики, беҳисоб давлат виждон, иймон, эътиқодни унутади. Бундай кимсалар Аллохга ҳам, унинг бандаларига ҳам ёқмайди.

Бугунги мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш даврида ҳам авваламбор Аллох йўлида, қолаверса халқ, Ватан тараққиёти учун ҳисса кўшиш мақсадида илм олган кишилар зарурдир.

Ҳазрат Алининг ўғит ва ҳикматлари нафақат ўз замони учун қимматли бўлган, балки ҳозирги даврда ҳам маънавий-маърифий, фалсафий-ахлокий кадрини йўқотмаган.

Маълум бўладики, Ҳазрат Али халифа бўлиш баробарида унинг ўзи доимий равишда илм олиш билан шуғулланган. Шунингдек, у ўғитлар, ўз даври халқига ва келгуси авлодларга пандномалар битган, насихатлар қолдирган буюк шахсдир. Унинг тартиб берилган шеърини девони бизгача етиб келган, лекин у ўзбек тилига таржима қилинмаган.

Умуман олганда Ҳазрат Али ўта зукко, донишманд олимдир. Унга беҳуда «Амир ал-Мўъминин» (Мўъминлар амири), «Асад ул-муслимин» (Мусулмонлар шерини) каби нисбатлар берилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳазрат Алининг илмий-педагогик, бадий асарлари мусулмон дунёсининг маданиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиб келди. Агар ўша асарлар ўзбек тилига тўла таржима қилиниб, чоп этилса, миллий адабиёт ва санъатимизни, илм ва фанимизни, маданият ва маърифатимизни ривожлантиришга ҳамда маънавийтимизни янада юксалтиришга жуда катта хизмат қилади. Ҳазрат Алининг зукколиги, донишмандлиги акс этган асарлари ҳозирги ўзбек халқи учун бебаҳо ҳазинадир. Чунки улар мустақиллик мафқураси билан, олиб борилаётган турли соҳалардаги ислохотлар билан яхлит бир диалектик-дидактик уйғунлик касб этади.

**Сарвар ОЧИЛОВ,**  
**Тошкент Давлат**  
**Шарқшунослик**  
**институтини ўқитувчиси.**

**Ж**азарбек кишлоғига бориб колсангиз, ташки томонидан ғайритабиий кўринишдаги икки каватли бинога кўзингиз тушади. Хали тугалланмаган бино сиртки услубий кўриниши жихатидан атрофдаги қурилишлардан кескин фарқлашиб туради. Бу бино сўнги йилларда ўлкамизга ғарбона услубдаги кўринишда кириб келган бўлиб, замонавий меъморчилик интерьерлари ва экстерьерлари тўлатувчи метро ва хашаматли биноларимизнинг ажралмас узвий қисмига айланган. Худди шу маскан - рассом Абдумалик Бухорбоев устахонаси. Ўзбек кишлоғида туғилиб, Ғарбий Оврупонинг энг гўзал масканларидан бўлган Италиянинг Флоренция шаҳрида санъатнинг сир-асрорини чуқур ўрганиб, ундан гўзаллик олами ярата олган ижодкорнинг санъат даргоҳига кирар экансиз, гўзаллик олами билан ошно бўласиз.

Абдумалик Бухорбоев табиатда мавжуд турли материаллардан гўзаллик яратувчи, унинг ранг-баранг хароратини ўз зехни ва диди билан фахмлаб олгучи санъаткордир. Хаёлот оламида хосил бўлган образлар ва ҳолатларни ифода этишда табиат яратган ранглар мажмуасини ўрни-ўрнига қўйиб ундан фантастик ҳолатлар ярата олади. Унинг бутун умри шу табиат кўйнида бевосита лунёга келган ғаройиботларни ўрганиш ва тушуниш борасида изланишда ўтди. У Ўрол ва Арманистон, Тангритоғ ва Қурама тоғлари, Сибирь ва Сахрои Кабирларни кезиб, ўзининг танлаган мавзуларига мансуб бўлган табиий ашёларни излади. Натижада Флоренция (кадама) услубида Ўзбекистонда ягона ижодкор, такрорланмас мутахассис бўлиб етишди. Борлиқни, табиат оламини кўриш, кузатиш, ундан айрим унсурларни ажратиб олиб ўзаро пайвандлаш, уйғунлаштириш, «тилга киритиш», қайтарилмас бир олам яратиш, рассом маънавиятининг нечоғлик юқори поғонада эканлигини англади.

Хар бир даврда яратилган қурилишлар монументал асарлар тимсолида, боғ-роғ ва санъат ёдгорликларида ўз аксини, бадий ифодасини топади. 70-йилларнинг охири 80-йилларнинг бошида, яъни Тошкент зилзиласидан кейинги даврда Ўзбекистонда ақл бовар қилмас даражада кенг қўламдаги қурилиш иншоотлари ва санъат турлари яратилди. Бу давр республика шаҳарсозлик маданияти тарихида ўзининг улғуворлиги ва бекиёслиги билан ажралиб туради. Санкт-Петербург шаҳарсозлари ҳамда маҳобатли санъат намёндалари ва хайкалтарошлари томонидан яратилган Навоий шаҳри ўзининг мафтункорлиги билан кўзга ташланиб турса, қарийб қайта қурилган Тошкент меъморчилиги ҳам алоҳида, ўзига хос гўзаллик кашф этади. Шаҳардаги хар бир монументал ёдгорлик ва унга боғлаб ишланган санъат асарларида ўша давр руҳи, ўша онларда мамлакатда юз бераётган жараёнлар, меъморчилик ва санъат соҳасидаги ҳукмрон оқимлар, йўналишлар ўз аксини топган.

70-йилларнинг охири 80-йиллар шаҳарсозлиги тааллуқли бўлган монументал санъат ва халқ амалий санъати ҳақида гап юритар эканмиз, Абдумалик Бухорбоев ижодига, у билан боғлиқ муаммолар, қолаверса, Ўзбекистонда монументал санъатнинг айрим масалаларига ёндошишга тўғри келади. Абдумаликнинг бадий билим юртидаёқ санъаткор сифатида шаклланишида наққош Ҳаким ака Жалилов устоз сифатида қатта таъсир кўрсатди. Кейинчалик театр ва рассомчилик институтида тахсил кўрган йиллари буюк рассом



А. Бухорбоев. "Товус" композициясидан бир кўриниш.

*Камалакнинг етти ранги*

## МЕЪМОРЛИККА СИНГИГАН ТАСВИР

*(Рассом Абдумалик Бухорбоев  
ижоди ҳақида ўйлар)*

Чингиз Ахмаров таъсирида унинг ижоди янада шаклланди. Шунингдек «Усто» бирлашмаси қошида бадий хайъат раиси сифатида халқ хунармандлари санъати билан бевосита алоқадорлиги, дилдан бу ишга киришганлиги, усталар билан мулоқотда бўлиши, албатта, ижоднинг такомиллашувига туртки бўлди.

Абдумалик зилзиладан кейин барпо этилган шаҳар қурилишининг кўзга кўринарли ансамблларида бевосита амалий қатнашиш бахтига муяссар бўлган рассомлардандир. Халқлар дўстлиги саройи, телеминора, Тошкент

метросининг «Хамза», «Ўзбекистон» бекатлари, Октошдаги кишки мусобақалар ўтказиш учун мўлжалланган комплекс, «Чорсу» меҳмонхонаси, хиндистонлик меъморлар курган «Тата» меҳмонхонаси ва бошқаларни эслаб ўтишнинг ўзи кифоя.

- Мен, - дейди рассом, - кўнглимда йиғилиб қолган хинд халқига бўлган ўйларимни, хиссиётларимни шу асар орқали тўқиб солмоқчи бўлдим. Хинд рухиятини янада теранроқ хис қилиш учун бу мамлакат хақидаги янги манбалар билан танишиб чиқдим. Хинд ўйинлари, этнографик дунёсини, маънавий оламини ўргандим. Меъмор Тахтаганов менга алоҳида ишонч билан муносабатда бўлди. Хар бир ғоямни қўллаб-қувватлади. Бир-биримизни илк кадамларданок тушундик. Тасвир мавзунини ишлаб чиқдим. Меҳмонхона хақидаги умумий масалалар бўйича биргаликда фикрлашдик. Ҳеч қандай қийинчиликсиз, ўз фикримни ривожлантиришга киришдим. Ўзим учун 2-3 вариантда эскиз қилдим, лекин бу ёқмади: ўзимни чалғитиш мақсадида икки ҳафтага Финляндияга бордим. Қайтиб келгач янги куч, янги таассурот билан уч ҳафтада композицияни чиздим. Финляндиядаги замонавий меъморлик бинолари, японияликларнинг у ерда бунёд этган ўтмиш руҳини тикловчи архитектура ёдгорликлари менга катта руҳ бахшида этди. Гўри Амирдаги меҳроб, Шарқ анъанавий қурилишларидаги шакл ва услублар ҳаёлимни чулғаб олди. Хиндистонда будда, индус, католик, мусулмон динлари мавжуд. Мен шу халқлар учун умумий яхлит рамз топишим керак эди. Ўзбекистон-Хиндистон буддистлар, мусулмонлар, христианлар меҳробда қандай ифода этилиши йўлини топишим керак эди. Шу яхлит сиймони, ранглар йиғимини алоҳида бир руҳ орқали ифода қилиш керак эди. Шунинг учун тасвири янги йирик кавариклар, тошлардан уч йирик гавдани ишлашга киришдим.

Мукаддас меҳроб. Инсон бирор нарсага эътиқод билан (сифиниб) яшаши керак. Шу ғоядан келиб чиқиб композицияни уч қисм, яъни пештоқдан иборат қилдим. Марказий пештоқ (қисм)ни Шивага бағишладим. Шива - динлар, ирқларни бирлаштирувчи ягона инсоний хиссиётлар, олий интилиш, маълум ғояга йўналтирувчи куч сифатида талқин қилинади. Ҳамда икки ёнидаги тасвирларда Ўзбекистон ва Хиндистон тимсоли ифода этилади. Шива - қуёш худоси, ўт худоси сифатида ҳамда халқлар ва эллар, миллатлар ва бутун борликни бирлаштириб, умумлаштириб, ягона йўналиш - тўғри йўлга бошлаб маънавий, ахлоқий томондан тергаб инсонни эзгулик томон йўллаб туради. Эскизни битказиб, рельеф, меҳробларни бадиий ҳайъатга кўрсатиб, улардан тасдиқ олдим. Хоровод (декоратив тасвир) марказий қисмига товус ва ён қисмларига ургочи товусларни ишладим. Марказий товус нафис ишланганлиги учун рельеф яхши чиқди, рельефнинг ички асоси, бошланиши, боғлиқлиги, аъло даражада бажарилди. Мухими, меъмор эскиз лойиҳасини илк бор қўздан кечирганда унга маъқул бўлди ва ишни бошлаб юбордим. Рангли металллар, қадама мозаика гўё бутун меъморлик фонида заргарона безалгандай бўлиб қўзга ташланади.

«Товус» деб номланган композицияни рассом беш қисмдан иборат ҳолатда тасвирлади. Тасвир декоратив тошлар, ранг-баранг металллардан ташкил топган, товуснинг хашаматли патлари тунги ёғдулар хароратида интерьернинг хар қандай нуктасидан жозибадор ва жунбушларга бой кўринишда товланиш хосил қилади. Ана шу тасвир хонага ўзига хослик киритади. Интерьер, айникса, кечаси янада жозибали бўлиши учун ҳамма томондан ойна-

банд кўриниш хосил қилинган, ойнали пилонларда ва ойнали шифтларда тунги гира-шира ёруғлик, шуъланишларда ранглар ва унинг алоҳида қисм-бўлақлари ўзига хос жилваланади. Ўролдан келтирилган, ўзидан ёруғлик таратиб турувчи тошлар шуъллада жуда бой ранглар нурланишини хосил қиладики, бу ўз навбатида ўзига хос эмоционал муҳит яратади. «Рассом сифатида сўнги дақиқага қадар бутун интерьерда ранглар, гобеленлар тусланишида тасвирий санъат, архитектура ўзаро қуйилиб, ягона яхлит кўриниш ташкил топишини талаб қилдим», - дейди рассом.

Дархақиқат, меҳмонхонанинг эмблемаси ҳисобланган экстерьердаги товус тасвири меҳмонхонанинг умумий жозибасини ошириб, узукка қўз қўйгандай узвий қўшилиб кетган. Рассом катта масофада ранг ва ёруғлик ёрқин қўзга ташланишини ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам декоратив кенгликка мўлжалланган композиция рангли шишадан ва металлдан ишланган. Товус эмблемаси декоратив фонтан тепасидаги пилон оралиғига қўйилган. Бу композиция майдон ва ташки экстерьерни безаб, тўлдириб, ўзига хос муҳит хосил қилиб туради.

Рассом образ харакатини тўла-тўқис ва беками-қўст бажарилиши учун конструкцияни ўз қўли билан пайванд қилган. Витраж ишга туширилганда бу тасвир хиндларга жуда маъқул бўлди. Ҳозирда композиция меҳмонхонанинг эмблемаси сифатида ўз вазифасини адо этиб турибди.

Қозоғистон давлати Парламент аъзолари ва делегатлар, қўзга кўринган санъат арбоблари Абдумаликнинг ишларини кўриб хайратга тушдилар. Унга миннатдорчилик билдирган ҳолда Қозоғистон республикаси бинолари интерьер ва экстерьерларида ҳам санъат асарлари яратишга хоҳиш билдирдилар. Бу истақлардан илҳомланган Абдумалик Бухорбоев шу кунларда ўзгача кўтаринчилик билан эпик дostonлар, ривоятлар, поэма ва қуйлар яратган арбоблар сиймосини яратиш устида изланишлар олиб бормокда.

Рассом Абдумалик Бухорбоевнинг икки ўғли ҳам ота касбини эгаллаб, ота йўлидан бормокда. Нурлан Бухорбоев Тошкент санъат институтининг монументал-куллолик бўлимини тамомлаган. У худуднинг улуғвор кишилари образини яратиш устида изланишлар олиб бормокда. Бехзод, Аблайхон ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Кичик ўғли Эржон Политехника университетининг дизайн ва менежмент бўлимида толиб. У П.Беньков номидаги бадиий билим юртини тугатган. Эржон қадимий ва тарихий мавзуларда, миниатюра санъати технологияси устида изланмоқда. Э.Бухорбоев хали студент бўлишига қарамай, республика, Бутуниттифок ва халқаро кўргазмаларда фаол қатнашиб, диплом ва мукофотларга сазовор бўлган. Ҳозир миниатюра техникасида «Ипак йўли» композицияси устида ишламоқда. Биз эса мусавирлар оиласига давримиз кишиларининг маънавий оламига гўзаллик туйғуларини олиб киришларида, халқимиз рухий оламини бойитишларида толмас куч ва бардош тилаймиз.

**Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ.**



# ҚАДИМ НАВОЛАР ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ



Шарқнинг қадим наволари каби кўҳна Самарқанд «Шарқ тароналари» биринчи Халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари ва меҳмонларини ўз бағрида сийлади. Шахсан республикамиз Президенти ташаббуси билан ўтказилган бу анжуманнинг бошқа шу каби тадбирлардан фарқи шундаки, фестиваль доирасида кўриктанлов ҳамда илмий-амалий конференция ўтказилди. Фестивалнинг ҳар бир куни қизиқарли воқеалар, учрашувлар ва мулоқотларга бой бўлди.

Халқаро анжуманда 32 мамлакатдан ва 2 та Халқаро ташкилотдан 267 нафар киши иштирок этди. Шунингдек, 16 давлатдан ҳукумат аъзолари, вазирлар, уларнинг ўринбосарлари ҳам қатнашдилар. Фахрий меҳмонлар орасида ЮНЕСКО қошидаги Халқаро мусиқа Кенгашининг Бош котиби Гийо, Париж Мэрияси театрининг шарқ мусиқаси бўйича маслаҳатчиси Судабе Киа, Жозеф Даффей (АҚШ), Сент Те Хо (Корея), Лю Чжунде (Хитой), Имонгали Тасмагамбетов (Қозоғистон), Аскар Какеев (Қирғизистон), Пўлат Булбул ўғли (Озарбойжон), Филип Мадок (Буюк Британия) ва бошқа нуфузли олимлар, жамоат арбоблари бор.

Фестивалга тақдим этилган дастурларни баҳолаш учун Харума Кашибэ бошчилигидаги 11 кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати фаолият кўрсатди. Лорен Грей (АҚШ), Ангелина Юнг (Германия), Хан Муин Хи (Жанубий Корея), Фатхи Абдул Раҳмон Абдул (Миср), Иззат Оза (Туркия), Судабе Киа (Халқаро мусиқа кенгаши), Раҳав Маннон (Ҳиндистон), Сян Янь (Хитой), Рустам Абдуллаев (Ўзбекистон), Сорайя Мансордан (Малайзия) иборат ҳайъат учун турли халқларнинг турли усуллардаги дастурларини баҳолаш жараёни, табиийки, мураккаб кечди.

Ҳар қандай фестивалда бўлгани каби бу фестиваль ҳам ўз мукофотлари ва совринларини эълон қилди. 10 минг АҚШ доллари ва Бош соврин («Шарқ булбули») энг яхши миллий кўшиқ ижрочиси учун берилди. Беш минг АҚШ доллари ва «Тилла булбул» деб номланган 2 та биринчи соврин «Миллий қадриятларни юксак бадий савияда улуглагани учун» ва «Шарқона анъаналарнинг эркин ифодаси» учун тайинланган. Уч ярим минг АҚШ доллари ва иккита «Кумуш булбул» совринлари «Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги учун» ҳамда «Энг яхши театрлаштирилган мусиқий дастур учун» иккинчи ўрин эгаларига топширилди. 2 минг АҚШ доллари ва учта учинчи соврин ҳам муносиб номзод-



*Фестиваль қатнашчилари.*

ларини топди.

Шунингдек, ЮНЕСКО Халқаро ташкилоти ҳам фестивалга ўз мукофотини ажратди. Бу икки минг АҚШ доллари ва ёш ҳаваскорлар учун чет элда мусиқадан таълим олиш имкониятидан иборат. Албатта, фестивалнинг жаҳон бўйлаб қанот ёйиши ва мунтазамлик касб этишида оммавий ахборот воситаларининг роли катта. Шунинг учун фестивалга ўндан ортиқ чет мамлакатлардан журналистлар таклиф этилди. Яна Ташқи ишлар вазирлигида рўйхатдан ўтган 15 дан ортиқ журналист қатнашди. Бундан ташқари республикада фаолият кўрсатаётган 100 дан ортиқ журналист ҳам фестивалнинг ҳар бир кунини ёритишга сафарбар этилди.

Шубҳасиз, фестиваль фақат иш дастуридан иборат эмас. Ташкилий кўмита ва Самарқанд шаҳри раҳбарияти қатнашчилар ҳамда меҳмонлар бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун барча имкониятларни ишга солдилар. Биринчи навбатда Самарқанднинг кўҳна обидалари, қадам-жолари уларни кутиб олди. Шунингдек, турли корхоналарда, жамоат ташкилотларида қизиқарли учрашувлар бўлди.

Фестиваль кунлари «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференция ишида турли мамлакатлардан 19 та олим қатнашди. Улар орасида Индонезия, Ҳиндистон, Покистон, Қирғизистон, Арманистон, Туркменистон, Иордания, Латвия, Россия, Ўзбекистон ва бошқа давлатлардан келган таниқли олимлар бор. Маърузалар асосан Шарқ халқлари мусиқасидаги ўзига хосликлар, ўзаро ўхшашлик ва фарқлар, мавжуд анъаналар, бугунги мусиқа оламидаги долзарб мавзуларга бағишланди.

Умуман фестивалнинг ҳар бир кунини мазмунли, эса қоларли воқеаларга бой бўлди. Айниқса фестивалнинг очилиш тантаналари, унда республика Президентини Ислоҳ Каримов сўзлаган нутқи анжуман қатнашчилари ва меҳмонларига кўтаринки руҳ, завқ-шавқ бағишлади. Улар фестивалнинг очилишини ҳақиқий байрамга айланганидан ниҳоятда мамнун бўлдилар. Бунда машҳур режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигидаги ўзбек санъаткорларининг ҳиссаси катта бўлди. Улар тайёрлаган «Буюк ипак йўли» театрлаштирилган томошаси барчада катта таассурот қолдирди. Мазкур томошада шарқ халқлари маънавияти, маданияти ва иқтисоди ривожига салмоқли ҳисса

қўшган Буюк ипак йўли мадҳ этилади. Айниқса, ўзбек халқининг устоз санъаткорлари Юнус Ражабий, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ҳабиба Охунова,, Таваккал Қодиров, Ботир Зокиров ҳамда бугунги мустақиллик шароитида ижод қилаётган санъаткорларнинг кўшиқ ва рақслари кўтаринки руҳда садоланиб, томошага кўрк қўшиди. Бу ўринда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, шоир Хуршид Даврон, композитор Мустафо Бафоев, пианиночи Адиба Шарипова хизматларини ҳам алоҳида эътироф этмоқ лозим.

Анжуман қатнашчилари танлов дастурини Регистон майдонида намойиш қилдилар. Шу билан бирга Самарқанднинг бошқа концерт майдонлари ҳамда истироҳат боғларида ҳам байрам тантаналари давом этди. Айниқса, Шоирлар хиёбони, Ҳамза номидаги ёзги театр биноси, «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғи, Самарқанд туманидаги Нодир Девонбеги мадрасасидаги саҳналарда санъаткорларнинг чиқишлари меҳмонлар ва мезбонларга бирдек хуш кайфият бағишлади.

Республикада мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан ташкил этилган халқ амалий санъати ярмаркаси эса самарқандликлар хунармандчилик борасида ниҳоятда ҳассос эканликларини яна бир бор намойиш этди.

Юқорида айтганимиздек, «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзуидаги илмий-амалий конференция қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, анжуман сўнггида ўтказилган давра суҳбатида эътиборга молик таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди. Хусусан, олимларнинг «Тасаввуф ва мусиқа» мавзуида илмий анжуман ўтказиш зарурлиги, бастакорлик ижодиётига жиддий эътибор бериш, «Сўғдиёна» мусиқасининг бошқа Шарқ халқлари мусиқасига таъсири» масалаларига бағишланган алоҳида анжуман ўтказиш, мусиқашуносларнинг доимий нашри кераклиги, турли халқлар маданиятларининг бир-бирига таъсири масалаларини кўриб чиқиш борасидаги таклифлар кўпчиликни қизиқтирди.

Илмий конференция иши якунидан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, бу анжуман анъанавий бўлиб қолиши керак. Чунки бу тadbирда бугунги Шарқ мусиқаси оламига мансуб долзарб масалалар ўртага ташланди.

Энг ҳаяжонли дақиқалар фестивалнинг охириги кунига тўғри келди.

Яхши чиқишлар, маромига етказиб айтилган кўшиқлар қанчалик кўп бўлмасин, улар орасидан энг яхшилари сараланиб, голиблар ва совриндорлар аниқланди.

Фестивалнинг энг олий мукофоти - Гран-При озарбойжонлик истеъдодли ёш хонанда, мумтоз кўшиқларнинг моҳир ижрочиси Симара Имоновага насиб этди.

Биринчи мукофотга Муножот Йўлчиева (Ўзбекистон) ва Шанну Кхурана (Ҳиндистон) сазовор бўлдилар.

Хи Ли (Хитой), Шахрам Назарий (Эрон) иккинчи мукофот билан тақдирландилар.

Учинчи мукофот эса Цогтсайхан (Мўғулистон), А.Саможиков (Россия), Рамазон Стамғозиев (Қозоғистон)га насиб этди.

Изро Малаков (АҚШ), Кицу Шигари (Япония) ҳамда Самира Салоҳ ва чолғу ансамблига (Миср) ҳакамлар ҳайъатининг махсус совринлари топширилди.

Фестиваль ташкилий кўмитасининг махсус мукофотини туркменистонлик Парахат Шҳимов, ЮНЕСКО махсус совринини корейлик Ли Жун олишга мушарраф бўлдилар.

Шунингдек, фестиваль иштирокчиларига Ўзбекистон республикаси жамоат ташкилотларининг, корхона ва муассасаларининг, Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Фестивалдан кўзланган асосий мақсад мусиқа санъати орқали дилларни дилларга, демакки, элларни элларга пайванд этиш эди. Шу маънода Самарқанд анжумани ўз мақсадига эришди.

Бундай тантаналар, шубҳасиз, мустақиллигимиз ҳамда юртимиздаги тинчлик, осойишталик шарофатидир. Мустақил диёримиз жаҳон ичра ўз мавқеини мустаҳкамлаш йўлидан дадил бормоқда. Бу ҳолат фестиваль танлов ҳайъати аъзоларининг Президентимиз И.Каримовга йўллаган миннатдорлик мактубида ҳам яққол кўзга ташланади. Мактубдаги умидбахш ва дилга хуш ёқувчи тилакларнинг амалга ошишига чин дилдан ишонамиз. Зеро, бунинг учун бизда барча шарт-шароитлар етарли.

Гулчехра УМАРОВА.



# ЁДДА ҚОЛГАН КУНЛАР

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин санъат соҳасида жаҳон миқёсида илк марта катта мусиқавий анжуман - Халқаро «Шарқ тарафлари»ни ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Ушбу мусиқа фестивалининг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши ўзига хос рамзий маънога эга. Чунки, қадимий ва хамиша навкирон Самарқанд, нафақат мамлакатимизда, балки, жаҳон миқёсида ўзининг бетақрор гўзаллиги, тенгсиз маданияти, улўф фарзандлари билан танилган шаҳардир. Шарқ мусиқаси ҳам қўвна Самарқанд каби қадимий ва жаҳон маданияти ривожига салмоқли хисса қўшган санъат турларидан биридир.

Шундай нуфузли анжуманда бизларнинг ҳам иштирок этишимиз катта бахт, юксак масъулият ҳамдир.

Консерваториямизнинг Ф.Содиқов номли ансамбли анжуманда қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Ансамбль анъанавий ижрочилик кафедраси қошида ўқитувчи ва талабалардан ташкил топган.

Гуруҳимиз гарчанд фестиваль талловида қатнашмаган бўлса ҳам, лекин бирор кунимиз бўш ўтмади. Фестивалнинг ҳар бир кунини Самарқанд бўйлаб ташкил этилган турли концертларда ўз дастурларимизни намойиш этдик. Ансамблимиз аъзолари Регистон майдонида, Хўжа Аҳрор Валий масжидида, Темирийўлчилар боғида, Театр майдонидаги сахналарда мунтазам қатнашдилар ҳамда мухлисларнинг олқишига сазовор бўлдилар. Концерт репертуарларимиздан Шашмақомнинг Наво мақоми, чолғу қисмидан «Таснифи Наво», «Гардуни Наво», «Мухаммаси баёт», К.Жабборовнинг «Этмасмидим», Рост мақомидан «Соқинамои Савти Калон» куйи, «Мирзадавлат»дан тузилган. Хуррият Исроилова ҳамда Зебо Назаровалар яққол солист сифатида иштирок этдилар. Дастурларимизнинг ҳар бири байрамона руҳда, ўзгача завқ-шавқ билан ўтди. Томошабинларнинг бизни тинглашларини кўриб бир нарсадан жуда қувондим. Шарқ халқлари мусиқасидаги ўхшашликлар инсонни хайратга солмай иложи йўқ экан. Тиллар бошқача, оҳанглари турлича бўлса-да, лекин ҳамма санъаткорлар бир-бирларини сўзсиз тушунидилар. Мумтоз меросимизнинг кенг маънодорлиги, сержилва оҳанглари, юракларни сокинлик томон бошловчи майин, дилбар сатрлари турли тиллардаги мухлисларимиз қалбини ром этди. Биз ижро этган куй ва қўшиқлар таъсирида охишта кўз юмиб, енгил тебранаётган томошабин қалбида айни ўша кезде билмадим, қандай туйғулар кечди экан. Балки, бизнинг маънавиятимиз, санъатимиз пойдеворини қўйиб кетганларга офаринлар айтгандирлар. Балки жаҳон тан олган, бизлар ҳар қанча фахрлан-

сак арзийдиган буюк аждоқларимизга уларнинг хаваслари келгандир. Балки йиллар ўтса-да, асрлар ортда қолаётган бўлса-да биз уларнинг анъаналарини фахр билан давом эттираётганлигимизга хайрат билан боқишгандир. Балки...

Қисқа давр ичида биз турли мамлакатлардан келган санъаткорлар билан ижодий мулоқотларда бўлдик. Кўпгина хорижий мамлакатлар - Индонезия, Иордания, Ҳиндистон, АҚШ, Жанубий Корея, Озарбойжондан келган санъаткорлар билан ўзаро тажриба алмашдик. Турли хил мамлакатлар куй-қўшиқларидан бахраманд бўлдик.

Санъат дўстликка чорлайди, деб бежиз айтишмаган. Гарчанд биз хорижий дўстлар тилини тушунмасак ҳам, лекин шунга амин бўлдики, мусиқанинг тили ягона экан. Турли миллатга мансуб санъатсеварлар бир-бирларини оҳанглар орқали тушуниб олдилар.

Ансамблимизнинг барча аъзолари жуда катта таассуротлар билан қайтдилар. Фестивалнинг ҳар бир куни бизлар учун ёдда сақланадиган ёрқин хотиралар, ажойиб учрашувларга бой бўлди.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, фестиваль жуда юксак савияда, байрамона руҳда ўтди. Буни унда иштирок этган барча қатнашчиларнинг сўзларидан, юзларидан, севинчларидан билиб олиш мумкин. Фестивалда қатнашган ҳар бир ижрочи каби бизнинг ҳам ниътимиз муштаракдир. У ҳам бўлса халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ҳамкорликни янада ривожлантириш. Фестиваль концертларида қатнашиш биз учун жуда катта сабоқ бўлди. Ансамблимиз олдида қўйган ягона мақсад - кейинги фестивалда қатнашиш ва совринли ўринларни эгаллаш.

**Иқболхон ТОШПҮЛАТОВА.**



*Куй сеҳри...*

Мустакил республикамизда маънавий маданиятимизни ривожлантириш учун кадимий анъана ва маросимларимизни тиклаш, миллий кадриятларимизнинг ўзига хос томонларини ёшлар онгига сингдириш хозирги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда. Удум ва расм-русумлар, яъни халқ ижодиёти анъаналаридан фойдаланиш ёш авлодни маънавий баркамоллигини тарбиялашда ҳам муҳимдир.

Авлоддан-авлодга ўтиб, сайкал топиб бизнинг кунимизгача етиб келган халқ дурдоналари сержило, серкирралиги билан кишини хайратга солади. Ана шу сержило дурдоналардан бири ўзбек халқ лапарларидир.

Лапарлар асосан тўй, халқ сайллари ва байрамларда бир-бири билан айтишувчи икки гуруҳ ўртасида бадиҳагўйлик билан ижро этилади. Бу гуруҳлар кўпинча йигит ва кизлардан иборат бўлса, баъзи гуруҳларнинг иккаласида ҳам кизлар бўлиши мумкин. Касбий йўналишдаги ижрочилик ривожланган хозирги шароитда эса махсус тайёргарликка эга бўлган таникли санъаткорлар ҳам халқ лапарлари ижро этаётирлар. Масалан, хоразмлик санъаткор аёллар ёки кўконлик Раҳима Мазохи-

дова каби санъаткорлар ҳам радио ва телевидение орқали лапар айтишади.

Ўзбек фольклоршунослигида хозирга қадар «лапар» атамасининг этимологияси (келиб чиқиши) хақида бирор фикр учрамайди. Шу боис ушбу атама англлатган маъно шу кунгача қоронғу бўлиб келмоқда. Биз ҳам мазкур атаманинг аниқ этимологиясини топиш даъвосидан йироқмиз. Лекин мутахассислар ўртасида ушбу масаланинг ечимини масаласида фикр кўзгаш маъносидан биз лапар атамасини тожик тилидаги «лабар», яъни бирор гапга жавоб кайтариш маъносидаги сўздан вужудга келган деган фикрни олға сураамиз.

Мархум профессор Х.Раззоқов ўлан, ёр-ёр, лапар каби тўй, маросим кўшиқлари хақида тўхталиб, мазкур кўшиқларнинг ҳар бири мустакил жанр эканлигини қайд этиб қуйидагича ёзади: «Лапарлар халқ кўшиқларининг бир тури бўлиб, асосан йигит-киз ўртасида ижро этилади. Бу жиҳатдан лапарлар ўланларга ўхшаб кетса-да, тематика, ғоявий мазмуни, вазни ва енгил мусиқийлиги, ўзидаги юмор-сатира элементларининг ўткирлиги билан улардан фарқ қилади».

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда биз ёр-ёр, ўлан ва лапар тарихан мустакил жанрлар сифатида юзага келган деган хулосага келдик. Бундай фикрга келиш учун биз қуйидаги асос-

ларга эгамиз.

Биринчидан, ўлан ҳам, лапар ҳам, ёр-ёр ҳам тўй маросимининг турлича узвларида ижро этилиб, ўзларига хос вазифани адо этади. Масалан, ёр-ёрлар киз узатар кечаси ижро этилса, лапар ва ўланлар «қизлар базми»да ижро этилган.

Иккинчидан, ўланлар асосан ўтмишда кўчманчилик тарзида турмуш кечирган чорвадор ўзбеклар ўртасида ижро этилса, лапарлар ўтрок ўзбеклар ўртасида айтилган. Энг қизиғи шундаки, ўлан ижро этилган жойларда лапар айтилмайди ёки аксинча.

Учинчидан, ҳар учала жанр ҳам бириридан фаркланувчи ўзига хос ижро усули, ижрочилари ва бадиийлик хусусиятларига эга. Мантукан ёндошилса, тарихан бир бўлган жанр кейинчалик турли ижрочилар таркибига эга бўлган, турлича мавзу ва поэтик хусусиятлар касб этган мустакил жанрларга ажралиб кета олмайди. Бундан ташқари, бу жанрларнинг ижро этилиш ўрни ва ва-

ри, оханг ва усуллари изчил анъанавийлик асосида авлоддан-авлодга ўтиб келади.

Иккинчиси, айрим лапарлар профессионал санъаткорлар репертуарига ўтиб профессионал мусика асбоблари жўрлигида ракс орқали ижро этилади. Раҳима Мазохидова, Гулшод Отабоева каби санъаткорлар жуда кўп халқ лапарларини ижодий ўзлаштириш орқали ўз вариантларини вужудга келтирганлар.

Хуллас, лапар жанри ва унинг ижро этилиш ўрни қай даражада кенгаймайсин, унинг тарихан илк вужудга келган ўрни тўй маросимлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жанрнинг энг барқарор ижро ўрни сифатида хозирга қадар сақланиб келмоқда.

Хозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай, жойларда халқдан чиққан санъат фидойилари чинакам халқ санъатини ўрганаётганликлари ва ундан халқимизни баҳраманд қилаётганликлари ҳаммага маълум. Минг афсуслар

бўлсин-ким, хали бизлар эшитмаган юзлаб кўшиқлар магнит тасмасига ёзилмасдан қолиб кетмоқда. Уйлаймизки, Бастақорлар

уюшмаси, Х.Х.Ниёзий номидаги Санъатшунослик илмий текшириш институтининг мусика бўлими, М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг шарқ мусикаси бўлими, ЎзРФАсининг А.Навоий номидаги Адабиёт институти фольклор бўлими, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ва А.Кодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг Халқ ижодиёти ҳамда Халқ мусикаси кафедраси олимлари, аспирантлари ва тадқиқотчилари экспедициялар уюштириб, кишлокма-кишлок юришиб, битмас-туганмас сержило халқ дурдоналари, халқ кўшиқлари, термалари, лапарлари ва куйларини йиғиб, тўплаб келажак авлодларга қолдирадилар, деган умиддамыз. Бунинг учун эса халқ маданияти фидойиларини тайёрлаш, улар таълим оладиган илмий ўчоқларни янада кенгайтириб, ўтмиш авлодларимиздан мерос қолган энг гўзал намуналарни нашр этиш, уларни кўпроқ тарғиб этиш ишларини тўғри йўлга қўйиш лозим.

**Нозим КОСИМОВ,**  
А.Кодирий номидаги Тошкент  
Давлат маданият институти  
ўқитувчиси.

# БҮҮЮК ДЕВОНАВОРАЛИК...

Абдулҳақ ота Абдуллоҳ шоир эмас. Абдулҳақ Абдуллаев буюк мусаввир. Бу - Ҳақ. Биз бир пайт ёзган мақоламизга шундай тағсарлавҳа қўйган эдик. «Абдулҳақ» туркийда «Ҳаққул» дегани». Қаранг, ҳариккиси ҳам нақадар ғолибона янграгувчи сўзлар.

Мен чоғлигина бу тўпламни бир-бир варақлаб шундай хулосага келдим. Буюк шоирлар юракларини ситиб ташлаган туйғуларини вужудларидан бутунлай чиқаролмаган кезде икки йўлни танлаганлар - ўлим ё узлат.

Демак, буюк мусаввир ҳам бўёқлар оқиб-оқиб тўхтаган жойда, мунтазам тилсиз исёндан жони ҳалқумига тиқилгач, Сўзга чанг солар экан-да.

Ё Раб! Бу эгри-бугри ҳарфларни қоғозга михлаган мусаввирнинг газабига ўзинг паноҳ бер!

Ё Раб! Мусаввирни ўзинг асра!

Адабиёт назариётчилари кечирсинлар ва сукут сақласинлар. Бу шеърда туроқ билан қофия, ташбиҳ билан истиора деган қолиплар йўқ. Бу ерда назария йўқ. Бу ерда буюк бир Жон бор. Дарғазаб ва қайсар Рух бор. Саксон йил бўёқ билан ҳаётнинг туб-тубигача оқиб кириб бораман, деган бир зоти шариф бор!

Мусаввирлик - тилсизлик.

Борди-ю мусаввир даҳо бўлсанчи?

Унда бу сукутнинг номи нима? Инқилобми? Исёнми? Қиёматми?

Мен охир-оқибат инсон даҳоси билан ҳазиллашиб бўлмаслигини англаган бир ночор қаламкаш яхшиям «У шоир эмас...» деган хаёлга бордим.

Тасвирда ҳазрат Навоийни тирилтирган (Оллоҳ ўзинг кечир!) зот Сўз билан мурдани тирилтириб юбормайдими?

Бандалардан Ғавсул Аъзам (раҳимахуллоҳ) мурдани тирил-



А.Абдуллаев. Автопортрет.

тирган. Буюк шоирлардан кимнидир Сўз билан мурдани тирилтирибди, деган афсона йўқ.

Аслида ҳам йўқ!..

Ҳарчанд «ибтидода сўз бўлган» бўлса-да.

Назаримда сўзлар жонлидек туюлади. Сўзларнинг бир оз иситмаси, титроғи бордек эди. Баъзи эгри-бугри нақиллар ортидан кимдир истеҳзо билан боқиб тургандек...

Йўқ, бубирбуюк девонаворлик эди...

Бу зотнинг даҳоси, салоҳияти ва қадр-қимматини билган улугларнинг қарийб барчаси ўткинчи дунё дарвозаларини шарақлатиб, охират диёрига сафар этганлар. Буюк Миртемир, тақрорланмас Қазҳор, афсонавий Ойбек ва Аброр Ҳидоятювлар...

Сўз ҳам бўёқ каби танланади. Одам кўзларининг туб-тубидаги илоҳий нур-

ни бир чўғлашиб яна сўнишининг оний лаҳзаларига ранг топа олган, минг машаққат юзларига кабирлик ва хокисорлик, самимийлик ва ғариблик нақилларини солган аёл сиймосидаги буюк бир ҳолатни ранглар билан ифода-лай олган кимса Сўзни ҳам танлай билади.

Абдулҳақ Абдуллаев тасвиридаги ҳазрат Навоий инсон буюклигининг яхлит тимсоли. Навоийнинг руҳий юксаклигини бундан ўзгача тасвирлаш мумкин эмас. Шундай зотгина инсон даҳосининг чек-чегарасиз уфқларини кашф этиши мумкин.

Не чора, ҳазрат Навоийнинг манглайига Сўз, Абдулҳақ Абдуллаевнинг тақдирига Ранг ёзилган экан.

Асқар МАҲКАМ





Жавоб ололмадим сўроқларимга,  
Чунки бу кўрганам туш эди, ҳайҳот.

1995 йил 15 март.

Ушбу шеърни Асқад Мухтор  
тилимизга ўзгирган.

## ТЕМУР ҲАҚИДА ЎЙЛАГАНЛАРИМ

Менинг хаёлим қизиқ,  
Тутруғи йўқ беқарор.  
Осмонга парвоз қилиб,  
Бутун оламни кезар.  
Агар-да қўйиб берсам,  
Жуда ҳам шўх хаёлим.  
Юрагимни ўйнатиб,  
Ҳайратга солар доим.  
Темур туғилган кунни,  
Ёздим унга сиғиниб.  
Табаррук жасадини,  
Хаёлимга келтириб.  
Улуғ саркарда донги,  
Бутун дунёга кетган.  
Аждод-авлодларимиз,  
Боши осмонга етган.  
Шундай экан не учун,  
Ўйламаслигим мумкин?  
Бундай буюк бир зотни,  
Айниқса шу бугун?  
Мен учун энг қимматли,  
Улуғ амирнинг қомати.  
Бир зумда ярақлади,  
Рассом яратган портрети.  
Ё Раббим, деб ё Раббим,  
Тушимми ёки ўнгим?  
Ақлимдан адашиб,  
Бутунлай довдираб қолдим!  
Бу бир ширин хаёлим,  
- Ўйлама мени золим -  
Темур тирикдай турса,  
Оҳ, бу қандай мўъжиза.  
Асрлар ўтди кетди,  
Лек бу забардаст сиймо.  
Ер юзини титратди -  
Руҳи тирикдир аммо!



## БЕҲЗОД

Беҳзод, Беҳзод, Беҳзод!  
У кимнинг улуғ авлоди?  
Кимдир ўзи, қайси авлод.  
Қайси Шаҳзоданинг зоти?  
Йўқ бу бошқа Беҳзод,  
Бу улуғ рассом эмас.  
Бу тўполон ижодчиси;  
Шўхларнинг улуғ жарчиси.  
Бўлса ҳам уйда меҳмон,  
Ҳеч кимга йўқдир омон;  
Бориб ўзини унга отар -  
Ушлаб маҳкам лабини тортар.  
Ёки келиб қулоққа секин,  
(Хушёр бўлмасангиз лекин)  
Шири нафас билан бир оз,  
Юборади қаттиқ овоз.  
Шунга ҳам шукур қилинг,  
Бўлмаса чайнаб хашак,  
Бўласиз унга эшак.  
Ана шундайдур Беҳзод,  
Шўх Беҳзод, олов Беҳзод.  
Ҳозир шу ерда ўтирибдир,  
Бугун уч ёшига тўлибдир.

12.10.62.

## ОНАЖОН

Илоҳий жазога гирифторм банда,  
Боши узра чақин чақнаган мисол.  
Машаққатли висол шарпаларида,  
Волидам дийдори тикланар тақрор.  
Қайларда. Даҳшатли хаёллар аро,  
Босирқи туш янглиғ аёвсиз ва зор.  
Тиз чўкиб ўлтирадур мотамсаро,  
Онажон, онажон, оҳ, онаизор...  
Ғамбода нигоҳи ер чизар унсиз,  
Гўё мен барига гуноҳкор, зомин,  
Гўё мен шармисор, гўё мен юзсиз.  
Бу нечук бахтсизлик, билмам, илоҳим.  
Мурувватсиз, аёвсиз тақдир,  
Билмайдурман надур гуноҳим.  
Қабри узра титрайман зир-зир,  
Фалакларга чирмалар оҳим.  
Онажон, онажон, оҳ, онаизор,  
Бу фоний дунёдан бўзлаб ўтарман.  
Суратинг қошида тақрору тақрор,  
Тиз чўкиб турарман, қонлар  
ютарман...

Шеър рус тилида бўлиб, А.Маҳкам  
ўзбек тилига ўзгирган.

## МИРПҶЛАТНИНГ АЗАМАТЛАРИГА ЭСЛАТМА

Катталарнинг орзуси,  
Азаматлар бўлса йўлдош.  
Бунинг учун бургутдай,  
Зийрак бўлса ҳар бир ёш.



Ажойиб музейингнинг,  
Нуқсонларин тузатайлик,  
Келгуси авлодларга,  
Келинчақдай узатайлик.  
Уйимда ойим портретлари,  
Деворда осилиб турибди.  
Портретлари эмас ўзлари,  
Гўё отланиб юрибди.  
Бу табаррук сиймога,  
Менга қолса жон киргизсам.  
Ўз кўзимга ишонмай,  
Овозларини эшитсам!  
Қайси авлод, қайси зот,  
Она аксин сақлаб қолган?  
Аждод-авлодларимиз,  
Бунинг асло кўрмаган.  
Дунёга келганингни,  
Ҳеч ким билмаса ёмон.  
Номинг ўчиб кетмасин,  
Шафқатсиздур бу замон!  
Из ташлаб кетиш керак -  
Бу ёруғ жаҳонга.  
Келгуси авлодлар,  
Қойил қолишин сенга!  
Тарих шаббодалари,  
Сиймомизни силасин.  
Уни эҳтиёт қилиб,  
Ҳатто ўпиб ҳам олсин!

9.07.96.

Мирпўлат — мусаввирнинг  
яқин биродари.  
Тошкентда хусусий уй галереяси  
бор. Мусаввир бир неча  
портретларини унга тақдим этган.

## СУМАЛАК


Наврўз шодлиги кунлари, дўстим  
Мирпўлатга!

Келди баҳор, келди Наврўз,  
Уйда мен ўзим ёлғиз.  
Ҳар куни еганим сумалак,  
Озми-кўпми бир челақ!  
Аммо кетди обрўйим,  
Мирпўлатнинг олдида.  
Мечкайлик қилдим ўзим,  
Ҳамма бало нафсимда.  
Адашдимми ақлимдан,



Тўхтасин ҒОҒУРБЕКОВ,  
 Санъатшунослик институти  
 директори, профессор,  
 санъатшунослик фанлари  
 доктори

# Л.И.РЕМПЕЛЬ 90 ЁШДА



Она заминимизда 1997 йил «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинганлиги ҳаммага маълум. Шу боис, биз, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида турли даврларда беминнат меҳнат қилган, ҳатто Ўзбекистонни тарқ этган йирик олим-фузалоларнинг таваллуд кунлари, хотира кечаларини мунтазам ўтказиб келмоқдамиз. Ана шулардан бири Лазарь Израилевич Ремпель бўлиб, у муассасамизда 1954 йилдан бошлаб ишлади. Ўша пайтлари «Меъморлик, тасвирий ва амалий санъат» бўлими (ҳозир буларнинг ҳар бири алоҳида мустақил бўлимлар)га раҳбарлик қилиб, авваламбор ўзи ибрат кўрсатиб, қатор-қатор каттаю кичик монография ва китоблар тайёрлади, нуфузли нашриётларда чоп эттирди. Санъатшунослик фанлари доктори, (1963) илмий даражаси, профессорлик (1966) унвони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1966) мавқеларига монанд ишларни амалга оширди.

Қамина бу олим билан фақат институт ҳузурида ўша йиллари фаолият кўрсатган «К» индексли Ихтисослашган кенгаш мажлисларида учрашиб турган бўлсамда, унинг табиатан камтарлиги, қомусий билимлари, ҳусусан, жаҳон классик мусикаси ва ҳозирги замон композиторлари (айниқса И.Стравинский) асарларидан бохабарлиги мени хайратда қолдирар эди.

Л.И.Ремпель билан мени узок йиллар давом этган шахсий ва ижодий мустахкам дўстлик ришталари боғлаб турган эди. Талабалик давримдаёқ, Ўрта Осие Саноат институти курилиш факультетининг архитектура бўлимида сабоқ олаётганимда унинг «Урушдан кейинги Италия архитектураси» деб аталган китобини марок билан ўқиб чиққан эдим. Унда ўша йилларда биз учун ёпиқ бўлган ғарб оламидаги архитектурага оид изланишлар соҳаси ёритилган эди. Бирок унинг чинакам истездодини Ғарб эмас, балки Шарқ юзига чиқарди. У Кримда туғилган бўлиб, ўсмирлик чоғидаёқ Боғчасаройни, унинг турк-татар услубидаги ўзига хос иморатларини синчковлик билан ўрганди.

Кейинроқ Москва университетининг санъатшунослик бўлимига ўқишга киргач, мусулмон санъатидан дарс берган ҳамда унинг турли халқлар ва мамлакатларда намоян бўлишини тўлақонли тарғиб этган профессор Б.П.Деникенинг лекцияларини завқ билан тинглардим. Б.П.Денике Ўзбекистонга ҳам экспедициялар уюштириб турар, қизиқувчан талабаларни ўзи билан биргаликда олиб келарди. Натижада унинг талай шогирдлари кейинчалик Шарқ бадий санъатининг таникли билымдонлари бўлиб етишдилар. Улар орасида Л.И.Ремпель ҳам бўлиб, у университетни битиргандан кейин истиқболли ёш олим сифатида Архитектура академиясида ишлаб бошлади. Бунда у Яқин Шарқ, Ироқ, Эрон, Бухоро, Хива архитектураси масалаларини ўрганди.

Аммо тақдир унга аёвсиз зарба берди. Машъум 1937 йилда, «зараркунадалар»га қарши кураш никоби остида бутуниттифок ови бошланган пайтда у бу шафқатсизликнинг минглаб қурбонларидан бири бўлди. Бунга сабаб шу эдики, хотини аввал ҳам турмуш қурган бўлиб, унинг ўша эри – таникли олим ҳам, унинг собиқ хотини ҳам лагерга сургун қилинади. Улар ўша ерда халок бўлишган. Л.И.Ремпель эса, фармойишга қўра, Москвани тарк этиши, узок чекка шаҳарлардан бирига жўнаб кетиши керак эди. У Бухорони танлади ва янглишмади.

Бу ерда ёдгорликларни сақлаш идораларида ишлар экан, Лазарь Израилевич қадимий шаҳарнинг топографиясини, унинг меъморий ёдгорликларини асл ҳолида ўрганиш бўйича улкан ишларни амалга оширди. Бунда у бухоролик кўплаб халқ усталари, қадимий анъаналарнинг давомчилари билан доимо мулоқотда бўлар, керакли нарсаларни албатта фотосуратларга туширар, дафтарига қайд этиб қўяр эди. Ая шу ёзувлар ва фотосуратларни «керагида фойдаланиш учун» йиғиб боради, чунки Москвадан бадарга қилинган кишининг мақоаларини ҳеч ким босиб чиқармас эди. Уруш бошланган пайтга келиб унинг Самарқандга қўчишига руҳсат беришди. У бу ерда музейда ишлади, шаҳарда ва унинг музейида жойлашган барча шакллардаги меъморчиликка оид мерос устида кузатишлар олиб борди.

40-йилларнинг охирида репрессияларнинг янги тўлкини бошланди ва Л.И.Ремпель Жанубий Қозоғистондаги Жамбул (Авлиёта)га бадарга қилинди. У бу ерда ҳам маҳаллий музейда ишлади, айни пайтда Тошкентдаги Хамза номли Санъатшунослик институти билан илмий алоқада бўлди. Кейинчалик унинг шу ерга келишига ижозат беришди. Айнан Тошкентда унинг фаол илмий, илмий-ташқилотчилик, педагогик фаолияти қирк йилдан ортиқ вақт давом этди. Мен улардан бири ҳақида тўхталиб ўтаман.

Унинг иши бутунича Ўрта Осие, кўпроқ Ўзбекистон бадий маданиятининг тош асрига оид қояларга ўйиб солинган расмлардан тортиб, то замонавий ўзбек рассомларининг асарларигача бўлган турли-туман масалаларга бағишланган.

Л.И.Ремпелнинг ўтиши асрлар ёдгорликларига зеб бериб турган ва халқ усталари амалиётида ҳозирга қадар сақланиб қолган меъморий-нақшларни ўрганиш устидаги ишлари фанга (амалиётга ҳам) шубҳасиз хисса қўшди. Бу ишлар «Панджара - архитектурные решетки» (Тошкент, 1957) китобини ёзишдан бошланган, кейин асосли асар «Архитектурный орнамент Узбекистана» (Тошкент, 1961) - унинг докторлик диссертацияси, И.Ахроров билан биргаликда ёзилган «Афросиёнинг ўйма нақшлари» (Тошкент, 1971) асарлари яратилди.

## ЛАЗАРЬ ИЗРАИЛЕВИЧ РЕМПЕЛЬ - ОЛИМ, ПЕДАГОГ, ФАН ТАШКИЛОТЧИСИ

Биз биргаликда бешта китоб тайёрлаганмиз, бунда ҳар бир муаллиф муайян бўлимларни ёзардик, кейин бир-биримизнинг бўлимларимизни тўлдирдик. Булардан, «Энг қадимги давлардан XIX аср ўрталаригача Ўзбекистон санъати тарихи»ни (М.1965) айтиб ўтсам kifоя. Китоб юкори бахога сазовар бўлди - чунотчи Хамза номдаги Давлат мукофоти берилди ва бир қанча ижобий тақризлар чиқди. Шунга қарамасдан, москвалик шарқшунослардан бири нега китобда Ўрта Осие тўғрисида эмас, Ўзбекистон тўғрисида сўз юритилган дея таъна қилди. Эмишки, қадим замонларда Ўзбекистон тушунчаси бўлмаган, давлат (Бактрия, Сўғд, Хоразм) чегаралари умуман ўзгача бўлган. Шубҳасиз чегаралар ўзгарган. Бирок, бу ўзбек халқи аждодларининг асрлар давомида маданият кадриятларини яратишдаги хизматини инкор этадимиз? Қарангки, бу нуқтаи назарни яқинда москвалик бошқа муаллиф такрорлади. Бир қатор Ўрта Осие халқлари ўз мустақиллигига эга бўлган, ўзининг узок ўтмишидан ҳозирга қадар бўлган маданият меросига зўр эътибор бераётган қунарда айтилган шундай гаплар кишини таажжубга солади.

Л.И.Ремпель умрининг охириги йилларида бир қатор ажойиб китоблар яратдики, бу унинг ижодий истездоди вақт ўтган сайин сайқалланиб, бойиб борганлигидан далолат беради. «Узок ва яқин ўтмиш» («Далёкое и близкое», Тошкент, 1982) шулар жумласидан бўлиб, бунда 20-40-йилларда Бухорода тўплаган маълумотлардан фойдаланилган. Улар мазмунан кўхна Бухоро ҳаёти, турмуши, меъморчилиги, ҳунармандчилиги ва санъати саҳифаларини очиб беради. «Даврлар силсиласи» («Цепь времён», Тошкент, 1987) китоби «Ўрта Осие анъанавий санъатида азалий тинсоillar ва кўчманчи сюжетлар» кичик сарлавҳаси остида нашр қилинган. «Замондошларим» (Тошкент, 1992) китобида муаллиф ўз устозлари, санъатшунос дўстлари, тақдир турли йилларда ўзи билан боғлаган қатор халқ усталарининг адабий портретларини тасвирлаган.

Юкорида айтилганлардан ташқари, Л.И.Ремпелнинг Ўзбекистон бадий мероси масалалари қўтарилган ўнлаб мақоаларини эслатиб ўтиш мумкин. Унинг ижоди Ўзбекистон доирасида чекланиб қолгани йўқ. «Русь санъати ва Шарқ, тарихий-маданият ва бадий муаммо сифатида» («Искусство Руси и Восток, как историко-культурная и художественная проблема», Тошкент, 1969) асарларини эслатиб ўтиш kifоя. Биз асарларни ўқир эканмиз, кўз олдимизда ўтмиш авлодлар томонидан яратилган нафосатни эгаллашга, бу меросни келгуси авлодлар учун сақлаб қолишга завқ-шавқ билан интилган олимнинг ҳаёти намоян бўлади. Айни чоғда у Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси фаолиятида астойдил иштирок этар, навбатдаги кўргазмалар муҳокамасида ёки назарий баҳсларда қизгин ва асосли сўзларди.

Афсус, вақт шитоб билан ўтмоқда! Мана беш йилдирки, Лазарь Израилевич орамизда йўқ. Бирок олимнинг ақл-заковати ва ўй-фикрларини ўзига жо этган илмий мероси биз билан бирга. Ҳа, ўзи учун жонажон юрт бўлиб қолган Ўзбекистонга ижодий қуч-ғайратини бахш этган буюк олимнинг фаолияти тўғрисида яна кўп нарсаларни айтиш мумкин.

**Г.П.ПУГАЧЕНКОВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**ФА академиги.**

Ҳадемай архитектура назарияси ва тарихи соҳасида ишлаётганимга 30 йил тўлади. Мен тенгқур архитектор ва санъатшуносларга омад қулиб боққан деб ҳисоблайман, чунки биз бу соҳанинг етакчи олимлари бўлмиш Е.М.Слоним, В.А.Нильсон, Л.Ю.Маньковская, Л.И.Ремпель, Г.А.Пугаченкова, М.С.Булатов каби билан бирга ўқиб, ишлаганимиз. Аммо, минг афеуслар бўлсинки, вақт бешафқатдир ва айни кунларда улардан фақатгина икки кишигина - Г.А.Пугаченкова, М.С.Булатовлар ўз иш фаолиятларини давом эттирмақдалар.

Бу йил Лазарь Израилевич Ремпель ҳаёт бўлганида 90 йиллик юбилейини нишонлаган бўлур эди, лекин у бугун орамизда йўқ. Аммо уни ҳозир ҳам дўстлари, ҳамкасблари ва қариндош-уруғлари илиқ сўзлар билан эслайдилар.

60-йилларда биз ёш мутахассислар эдик. Меҳнат фаолиятимизни ҳаммага таниқли бўлган Л.И.Ремпель ишлайдиган Санъатшунослик илмий текшириш институтида бошлаганимиз. Ўша пайтларда у юзлаб мақолалар муаллифи эди. Биз сабрсизлик билан олимлар мажлиси бўлишини кутардик, чунки бундай йиғинларда чоп этиладиган илмий ишлар хусусида қизгин баҳслар бўларди. Етакчи олимларнинг, шу

## УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ...

жумладан Лазарь Израилевичнинг ҳам фикрларини диққат билан тинглардик. У жуда ҳам улуг нотиқ бўлиб, чиройли, пайдар-пай сўзлар, агар қарши бўлса, далиллар билан ишботлаб берарди. Ёш мутахассислар унинг чиқишларини қисқача қилиб ёзиб олишар ва ёрқин фикрларини кейинчалик қайд қилишарди.

Мени Л.И.Ремпель биографиясидаги бир ҳодиса ҳайратга солади. Кунлардан бир куни самолётда Жиззах устида уча туриб ойнасидан қараган Лазарь Израилевич чўлда ястаниб думалоқ ҳолда жойлашиб ётган қадимги мазорларни кўриб қолади. Тошкентга қайтгач, у ўз тахминларини ҳамкасблари билан ўртоқлашди. Ўша жойга археологик экспедиция жўнатилди. Бу ерда бирорта қадимги гўр қолдиқлари ҳам, яшаш учун керакли анжомлар ёки санъат асарлари ҳам топилмади. Шунда қадимшунос М.С.Булатов ўзининг

тахминларини айтди: «Бу бизнинг эрализгача бўлган I асрда яшаб ўтган саклар тақвимиридир». Ушбу фикрлар Ремпель кузатишларининг нақадар чуқурлигидан далолат беради.

Менинг шахсий кутубхонамда Л.И.Ремпельнинг бир неча монографияси бор. Уларга муаллиф ўз қўли билан «Чин дилдан, мени хотирлаб туринг» деган сўзларни ёзган. Ва, ҳақиқатан ҳам, қалбларимизда у ҳақдаги ёрқин хотиралар қолган. Ахир Лазарь Израилевичга ўхшаган кишилар бу ҳаётдан мангу ўчиб кетишмайди. Улар ўзларининг амалга оширган ишларида яшайверадилар.

**Искандар АЗИМОВ,**  
**Шарқ мамлакатлари**  
**архитектураси халқаро**  
**академиясининг мухбир**  
**аъзоси.**

## ЭКСПЕДИЦИЯДА...

Турли шарт-шароитларга ва, аввало, табиий мойиллик туфайли мен фан билан жуда эрта шуғуллана бошладим. Ва уни эгаллаш йўлида талай ажойиб ва машҳур олимлар, истеъдодли шахслар билан учрашганман. Улардан бири Лазарь Израилевич Ремпель бўлиб, уни вафотига қадар ўттиз йилдан ортик билардим. Биз узоқ йиллар Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтида биргаликда ишладик, бизнинг хоналаримиз ёнма-ён жойлашган, кўпинча бир-биримизнинг ёнимизга кириб ўзимизни қизиқтирган илмий муаммолар хусусида фикр алмашардик.

Мен Лазарь Израилевич билан 1962 йилда, ўша йили 17 апрелда Сўғдиёнада археология ишларида иштирок этиш учун Галина Анатольевна Пугаченкованинг таклифи билан Тошкентга келганимда биринчи марта танишганман. Ўша куннинг эртасига эрталаб Лазарь Израилевич билан биринчи учрашувимиз бўлди. Эсимда, биз ўшанда қисқачина сўзлашдик: Лазарь Израилевич

мендан ўзи бир неча марта бўлган Кавказ тўғрисида, менинг илмий кизиқिशларим ҳақида сўради. Бизнинг дўстлигимиз мен 1967 йилда университетни битириб Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтида профессор Г.А.Пугаченкова раҳбарлигидаги бўлимда ишлай бошлаганида ва, айниқса, биз у билан биргаликда археологик сафарга борганимизда мустаҳкамланди. Айтиш лозимки, Лазарь Израилевич, аслини олганда, кабинетдан чиқмай ишлайдиган олим эди, шунга қарамай баъзан дала шронтидаги тадқиқотларда иштирок этарди. Жумладан, Торозда, профессор М.Е.Массонининг Жанубий Туркменистон комплекс археология экспедицияси таркибида Нисда, профессор Пугаченкова бошчилигидаги Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси билан Сурхондарёда бўлган, бунда у халқ архитектураси ёдгорликларини тадқиқ этиш билан шуғулланган.

У археологияга ҳурмат билан қарарди, негаки ундан ўз китоблари ва муло-

### Л.И. РЕМПЕЛЬ

ИСКУССТВО  
СРЕДНЕГО ВОСТОКА



НАСТЯНИ  
ДРЕВНОСТИ  
КУЛЬТУРОВАЯ  
СРЕДНЕГО  
ВЕКОВ  
ИСТОРИЯ  
ИСКУССТВ  
И СОВРЕМЕННОСТЬ

ИЗБРАННЫЕ ТРУДЫ  
ПО ИСТОРИИ  
И ТЕОРИИ  
ИСКУССТВ

# РЕМПЕЛЬ ҲАҚИДА СЎЗ

Лазарь Израилевич Ремпель билан суҳбатлашганимда ва шунингдек у ҳақда ўйлаганимда, унинг теран ақлига, катта олимлик эрудициясига, юзага келган қийинчиликлар олдида ўзини йўқотиб қўймаслигидан ва чекинмаслигидан ҳар доим ҳайратга тушаман.

Ремпель оддий одамлардан бўлмай, шафқатсиз оғир ҳаёт йўлига эга шахслардан эди. У Москвадан Ўрта Осиёга сургун қилинган бўлиб, бақувват илмий ҳаётдан узиб қўйилганига қарамай қўплаб ноқулайликларга чидаган эди.

Бир сўз билан айтганда, бу инсон ўткинчи машаққатлардан чўчимасдан, астойдил меҳнат қилиб, катта кутубхона тузишга эриша олган эди. Унинг кутубхонасида шарқшунослик ва санъатшуносликка оид илмий ишлар сақланган. Санъат олийгоҳида санъатшунослик факультети очилишига эришган, Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг ранг-тасвир ва социология назарияси бўлимларини муваффақиятли, моҳирона бошқарган эди.

Баъзан мен Л.И.Ремпель билан келишолмай, назарий масалалар

хусусида баҳслаша кетардим. Лекин, тан олиб айтишим керакки, унинг менга олим сифатидаги ҳамда илмий ишларимга муносабати гурурланишимга сабаб бўлди.

Л.И.Ремпель азиз Ўзбекистонимизнинг ёш санъатшунослигига ёрқин ва сермаҳсул ижодий ишлар қолдирдики, шу соҳанинг бургути сифатида унинг номи ҳурмат ва эътиборга лойиқдир.

*Рафаил ТОҚТОШ.*



ҳазалари учун зарур бўлган барча материалларни оларди. Кўп археологларга нисбатан эса кўпинча танқидий муносабатда бўларди, уларнинг илмий муаммога бир ёқлама ёндошувда айбларди ва шу ваздан орамизда қизғин баҳслар бўларди, негаки, мен ҳам санъатшунослар ҳақида шундай фикрлар билдирар эдим.

60-йилларнинг ўрталарида Л.И.Ремпель самолётда Самарқанд - Тошкент йўналишида учиб бораётиб, Жиззах яқинида битта умумий марказга эга бўлган доиралар билан ўралган қандайдир ўзига хоҳ кўрғонни кўриб қолади. Ўрта Осиё археологиясида бунақаси ҳали учрамаган эди. Лазарь Израилевич ушбу ноёб мажмуани текшириб кўриш учун мени ўзи билан юборишга Галина Анатольевна кўндирди.

Л.И.Ремпель, мен ва шофёрдан иборат кичкина гуруҳимиз 1969 йил апрель ойининг иккинчи ярмида ҳаво очик, қуёшли кунда Тошкентдан чиқиб кетдик. Галлаоролга етиб боргач, биз ўша археология ёдгорлиги қаерда жойлашганлигини узок суриштирдик. Ниҳоят, шу ерлик кишилардан бири, бу,

эхтимол темир йўл разъездларидан бири яқинида, темир йўлнинг шундай ёнғинасида жойлашган «Шаит бобо» бўлса керак, деди. Окшомдаёқ разъедга етиб бориб, шу ерлик бир кишининг уйида қўноқ бўлдик.

Эрта тонгда биз Л.И.Ремпель билан ёдгорликни текширишга кетдик. Унинг марказида улкан кўрғонтепа бўлиб, атрофи ўйиб ҳосил қилинган бешта кичик кўрғонтепа билан ўралган эди. Мен аввало бутун мажмуанинги режасини суратга олиш, кейин ишчилар гуруҳи билан қазиб ишларини, Лазарь Израилевич эса, археолог бўлмагани сабабли, ушбу мажмуани мансублигига оид назарий масалалар билан банд бўлди. Марказий кўрғонтепа ўлчамларининг катталигига кўра скифлар ва сакларнинг эрамизгача бўлган XI-Васрларга оид гўртепаларини эслатар эди. Бирок бутун мажмуани тадқиқ этиб, биз мазкур санага оидликни тасдиқловчи на бир ашё ёки сопол парчасини топмадик. Дафн этиш билан боғлиқ ҳеч нарса йўқ эди. Бу қадим замонларда кўпинча ўзга юртларда ҳалок бўлган ёки вафот этган ҳамюртлар хотираси учун қурилган

кенотафн - рамзий қабрлардан иборат бўлса керак деган тахмин пайдо бўлди. Лекин уларнинг 360 тадан ортиқ бўлиши эхтимолдан узоқ эди. Бошқа ғояга кўра, бу доиралар қуёшга сифиниш билан боғлиқ ва жез ҳамда илк темир даврида кенг тарқалган кўрғонтепалар атрофидан махсус битта умумий марказга эга бўлган ўйма темалар - кромехлардир.

Кейинроқ, тошкентлик таниқли олим М.С.Булатов биз суратга туширган режага асосланиб, бу мажмуа саклар тақвими акс эттирилган астрономик нукта бўлса керак деган тахминни айтди. Афсуски, булар ҳаммаси ханузгача тўлиқ ўрганилгани йўқ.

Экспедициядан сўнг Лазарь Израилевич Тошкентга қайтди, мен эса Далварзинтепадаги қазиб ишларини давом эттирдим.

Менинг хотирамда хануз ўша унутилмас кунлар, суҳбатларимиз, окшомлари биз кезган, қизғин баҳслашган Галлаорол чўли жонланади.

*Э.В.РТВЕЛАДЗЕ,  
Ўзбекистон Республикаси  
ФА академиги.*

# Л.И.РЕМПЕЛЬ ХАМСАСИ

XX аср жахон маданияти тараккий этиши факат Европа билан боғликлиги тўғрисидаги карашлар бархам топган давр бўлди - бошка китъалар ва минтакалар халкларининг тарихий ютуқлари хам эътироф этилди ва тан олинди. Фикрларнинг бунчалик туб ўзгариши археологларнинг хайратомуз кашфиётлари ва санъат тарихчиларининг Ўрта Ер денгизидан Хинд океанигача бўлган жуғрофий минтакани камраб олган бекиёс илмий ишлари туфайли содир бўлди.

Жахон тарихий-маданий жараёнини идрок этишдаги бундай ўзгариш содир бўлиши учун турли ихтисосликдаги олимлар - тарихчилар, археологлар, санъат ва архитектура тарихчиларининг янги авлоди юзага келиши зарур эди. Кўплаб тарихий-санъатшунослик тадқиқотлари натижасида қадимги Шарк маданияти ва Европа маданиятининг бешиги - Эллада ўзаро зид маданий-тарихий ва бадий доминантлар сифатида эмас, балки бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатган доминантлар сифатида талкин қилина бошлади. Антик маданиятнинг Шарк-Ғарб йўналишидаги континентлараро хусусиятини эътироф этиш жахон маданиятининг моноцентрик ривожланиши назариясини янгилаш мушохада этиш жараёнида катта хисса бўлди. Юкорида кайд этилган Шарк-Ғарбнинг бир-бирига ўзаро маданий таъсир кўрсатиши тизимида XX аср бошларига келиб Марказий Осиё деб аталувчи унинг ўрта минтақаси бадий маданиятининг тақдири ойдинлаштирилмай қолган эди. Марказий Осиё халкларининг бадий меросини ўрганиш бўйича оммавий тадқиқот ишларини ўтказиш зарур эди. 1930 йилдан бошлаб бу ишга Л.И.Ремпель қўшилди.

У жуда серғайратлиги ва фотоматериаллар хамда кўчирма нусхаларни тўплашдаги хафсалалиги билан бир каторда, фактларни кайд этиб боришга бир қадар бепарволик билан қарарди ва шогирдлари билан талабаларга мустақил фикрлаш ва

мушохада қилиш кўникмасини сингдирарди. Мен Л.И.Ремпель билан деярли ўн беш йил мобайнида бевоқифа ишлаш пайтида олим илмий тафаккурининг фавқуллодда ноёб хусусиятига ишонч хосил қилдим.

Унинг учун энг мухими, Шарк санъати воқеликларининг фалсафий ва бадий ахамиятини очиб бериш эди. У бунга кўпинча ғарб дунёси санъати материаллари билан мохираона ва илмий жиҳатдан ишончли таккослаш орқали муяссар бўларди. У санъатлар тарихи фалсафасини конкрет материаллардан абстракциялаштирилган ҳолда изохламасдан - археология ёдгорликлари ва музей коллекцияларини пухта ўрганиб - у Ўрта Осиёда Шарк эллинизмининг ўзига хос хусусиятлари хусусидаги ўзининг ажойиб ва оригинал хулосаларини чиқарарди ёки ўрта аср мусулмон санъати жўшқинлигини аниқлашга ҳаракат қиларди.

Назарий карашларга берилиб кетиши археологлар ва тарихчилар унинг умумий мулоҳазаларидан камчилик топганларида кўпинча муқаррар равишда улар билан бахслашувларга сабаб бўларди, у хам ўз навбатида уларни ёндошувларининг бир ёкламалиги ва юзакилиги учун кўпинча танкид қиларди.

30-йилларнинг охирида Ремпель ўзи учун афсонавий Бухорога келиб қолганида, у ёш бўлишига қарамай анча таниқли тадқиқотчи - жиддий тадқиқотларнинг муаллифи эди.

50-80-йиллар материалларнинг камрови ва умумлашмаларнинг ҳар томонламалиги жиҳатидан энг самарали ва хайратомуз бўлди. Худди шу даврда у ўзининг энг мухим асарларини яратди ва ажойиб хотираномалари нашр этилди.

Л.И.Ремпельнинг илмий-ижодий меросида, фикримизча, бешта асосий йўналиш намоён бўлади:

1) «Ўзбекистоннинг меъморий нақшлари», «Афросиёбнинг ўйма нақши», «Ўзбекистон санъатлари тарихи» ва «Ўрта Осиё санъати очерк-

лари» (Г.А.Пугаченкова билан биргаликда) каби қатор жиддий китобларидан акс этган Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё халкларининг санъатини тарихий-санъатшунослик жиҳатидан ўрганиш;

2) турли тўпламлардаги бир қатор мухим илмий мақолаларида ва, хусусан, «Л.И.Ремпельнинг танланган асарлари»да акс этган Ўрта ва Яқин Шарк, шунингдек Марказий Осиё антик хамда ўрта аср санъати соҳасидаги назарий ишланмалар (жанрлар, услублар ва бадий қонун-қоидалар муаммолари);

3) «Русь санъати ва Шарк» тарихий-маданий муаммолари бўйича тадқиқотлар туркуми, улардан ана шу икки минтақа бадий алоқаларининг юзага келиши ва хусусиятлари очиб берилган;

4) Ўзбекистонда XX асрда содир бўлаётган бадий жараён масалалари бўйича илмий-танқидий мақолалар ва маърузалар;

5) олимнинг ёрқин адабий истеъдоди хам намоён бўлган «Замондошларим» ва «Бухоро хотиралари» китобларида ўз ифодасини топган хотиранома хусусиятидаги илмий-ижодий қайдлар.

Л.И.Ремпельнинг Марказий Осиё ва Ўрта Шарк халқлари санъат ёдгорликларини жахон эстетик воқелиги ва кадрятлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил этишга интилиши бу санъатшуносни Шарк тамаддунлари - цивилизацияларининг жахон бадий ва маданий тараккиётидаги ўрнини тадқиқ этишининг бош йўналишига мухим ўзгариш кирита олган жахон микёсидаги тадқиқотчилар каторига қўйишга имкон беради.

**Акбар ҲАКИМОВ,**  
Ўзбекистон Бадий академиясининг бош илмий котиби.



Хаётингда битта ақли одам билан дўст тутинишинг қанчалик бахт келтириши маълум. Агар донолар даврасига тушиб қолсанг борми, бундай саодатнинг нечоғлиқ улур ҳикмат эканлигини ё улардан айрилиб қолганинда, ё замона зайли билан узоқлашиб кетганинда жуда ҳам чуқур ҳис қилар экансан. Олдиндан оққан сувнинг кадри йўқ дегандай сен ҳар куни кўриб, гаплашиб, маслахатлашиб юрган дамларинг ғанимат бўлганини кейинроқ тушуниб етасан. 60-йиллар мен учун донолар даврасида кечган паллалар бўлди. Университетнинг 5-курсидаёқ 1958 йили Абдулҳак Абдуллаев мени Л.И.Ремпель билан таништириб, Санъатшунослик институтининг тасвирий санъат бўлимига лаборант бўлиб ишга ўтишимга хомийлик қилган эдилар. Институтда Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, Ф.Кароматов каби билимдон ва зукко олимлар билан яқиндан мулоқотда бўлдим. Беvosита раҳбарим ва устозим Л.И.Ремпель эди.

Л.И.Ремпель билан биринчи бор учрашганимда менга у бироз «ичимдан топ», қаттиққўл, қўл етмас қоядай юксак туюлди. Ҳафтада уч марта кўришабергач, тобора унга яқинлаша бошладим, суҳбатлар, мулоқотлар давомида унинг кўнгли ва ақли шу қадар катта бир уммонни эслатардики, унга ҳар қанча ва ҳар томондан кириб борса бўладигандай туюларди. Тошкентдаги Л.И.Ремпель, Г.А.Пугаченковалар билан ўтган икки йиллик лаборантлик давр мени Москвага бориб ўқишга тайёрлади. Л.И.Ремпель маслахати билан жаҳон халқлари санъати тарихини ўрганишга киришдим. Бир йиллик Москвадаги стажировкадан сўнг жаҳон микёсидаги машҳур олима Н.А.Дмитриеванинг илмий раҳбарлигида Г.А.Недошивин, М.А.Лифшиц, Ю.Давидов, М.Ф.Овсянников, В.И.Тасалов, В.А.Разумний сингари улкан эстетиклар даврасида инсон бадий истёбодининг сир-асорлари хусусида диссертация ёзишга муваффақ бўлдим.

Сўнгра 1965 йилдан то 1995 йилгача

Тошкентда Л.И.Ремпель билан ёнма-ён ўтириб, ёнма-ён юриб илмий, ижодий ва инсоний муаммолар хусусида фикрлашдик. Бизнинг илмий қизиқиш ва тадқиқот йўналишларимиз турли йўналишда бўлса ҳам Л.И.Ремпельдаги фалсафий-назарий мушоҳадага мойиллик, жаҳон халқлари, айниқса, Ўрта Осиё халқлари маданияти бўйича эга бўлган амалий ва назарий билимлари туфайли у ҳар қандай илмий ва ижодий муаммо бўйича ҳар қанча мунозара қилишга қурби етарди.

Лазарь Израилевич билан ўртамизда устозу шогирдлик бора-бора ота-бола самимиятига ўхшаш илиқ муносабатга айланиб кетди. Л.И.Ремпель ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган, кўп қийинчиликларни бошидан кечир-

ақли таклиф киритди:

- Биродарлар, - деди у, - биз фалсафа ва эстетика бўйича ёзилган диссертацияни муҳокама қилдик. Ҳаммамиз санъатшуносимиз. Яхшиси, Москвадаги эстетик мутахассислар кўриб чиқишсин, улар нима дейишса - шу ҳақиқат бўлади. Сўнгра, лозим бўлса, биз муҳокамамиз қарорини юборамиз.

Ана шу тариқа Л.И.Ремпель мени жарга йиқилишдан биринчи бор қутқариб қолган эди.

Л.И.Ремпель билан ҳар ойда икки-уч марта Хумсонга чиқар эдик. Бу парса, айниқса, 1981 йилдан сўнг одат тусига кириб қолди. Авваллари автобусда борсак, 1982 йилдан енгил машинада эрталаб бориб, кечқурун қайтган вақтларимиз ҳам кўп бўларди.

Хумсонга боришимизда кўпинча бизга Э.Умаров, А.Эшонқулов, У.Валиев, Д.А.Биховскийлар ҳамроҳ бўлишарди.

Лазарь Израилевич катта олим, ажойиб суҳбатдош бўлишдан ташқари жуда мохир фотограф ҳам эди.

ган инсон сифатида одамлар билан, ҳатто қўл остидаги илмий ходимлар билан муносабатда ҳам ўта маданиятли, бировларнинг кўнглига қараб муомала қиладиган, баъзи ўринларда кўпчиликнинг унинг фикрига зид қарашларига ҳам кўникувчан одам эди. Ёдимда, 1965 йилнинг ёз ойлари эди. Мен номзодлик диссертациямни тамамлаб, ҳали домлам Н.А.Дмитриеванинг ёзма тақризини олмасдан Тошкентда муҳокама қилдириб Москвага жўнатмоқчи бўлдим. Диссертациянинг бир нусхасини Л.И.Ремпель ўқиди, бошқалари сектор ходимларига тарқатилди. Икки ҳафтадан сўнг муҳокама қилинди. Муҳокамадан аввал, Л.И.Ремпельнинг қўлёзма тақризини ўқидим. Иш унга маъқул бўлган, химояга тавсия қилган эди. Бирок муҳокамада сўзга чиққан А.Морозова, А.Р.Умаров, П.Зоҳидов, Т.Кодирова, Ш.Тошхўжаевлар ишни бир овоздан танқид қилишиб, уни химояга нолайик деб топдилар. Шунда Л.И.Ремпель ўз тақризини ўқиб ҳам бермади, жуда

Уни икки-учта қадимги фотоаппаратлари бўлиб, ўз асарлари учун кўпинча ўзи расм олар, аввал бу фотоматериалларни алоҳида папкаларда тўплаб, уларни муаммоларга қараб тартибга келтирар, ҳар бир фото ёнига ёпиштирилган бир варақ қоғозга янги тувилган фикр-мулоҳазаларини ёзиб қўяр, сўнгра уларни тамомила йиғиб бўлгач, китоб матнини қоралашга тушарди. Устознинг қўлёзмаларини қайта-қайта кўчирганини кўрмаганман. Асосан, қўлёзмалар ёнига янги фикрлар матни ёпиштириб қўйилар, сўнгра машинисткага бериларди.

У ҳар қандай тадқиқотни бир марта ёзарди.

Хумсонга борганда қўлидан фотоаппарат тушмас, чиройли манзаралардан ташқари, атрофидаги дўст-биродарларнинг расмини олишни ҳам яхши кўрарди. Ҳаётда кўп масалаларда юрагини олдириб қўйган устоз рассомлар, раҳбарлар, умуман, бошқалар ҳақида ўта эҳтиёткорлик билан гапирар эди. Лаганбардорлик, тилёғламалик унга





### **Т.Маҳмудов Л.И.Ремпель билан Хумсонда.**

бегона эди. Бирор ишни баҳолаш зарур бўлса, у масаланинг моҳиятига фалсафий муносабатда бўлар, мунаққид ҳаёлига келмаган тарзда янги назарий мулоҳазаларни ўртага ташлар эди. Гарчи ўзи бевосита санъат тарихига оид тадқиқотлар олиб борса-да, у конкрет фактлар, мисоллар орқасида турган ижтимоий-тарихий силсилаларни кўра олар, санъатнинг ўз специфик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фикр юритар эди. Олимнинг бу фазилати уни санъат тарихи бўйича бошқа тадқиқотчилардан ажратиб турар, Марказий Осиё санъати тарихи назариясини ва методологияси бўйича мактаб яратиш имкониятини берган эди.

Л.И.Ремпель нафақат ақлли олим, шунингдек талантли инсон эди. Унинг тугма истеъдоди натижаси сифатида Марказий Осиё санъат тарихининг ажойиб саҳифалари нур билан йўғрилди. Лазарь Израилевич замонавий тасвирий санъатимиз намоёндаларининг ижоди билан ҳам қизиқарди. Бироқ улар ҳақидаги мақолаларни кам ёзди, алоҳида тадқиқот олиб бормади. Бу нарса олимнинг рассомлардан узоклиги эмас, Ўзбекистон санъати бўйича ҳали

ўрганилмаган муаммоларнинг кўплигида эди. Уни ҳар қандай рассом ўз устахонасида кўришни шараф деб биларди. Рўзи Чориев домланинг бир эмас, бир неча портретини ишлаган бўлса-да, у рассом ҳақида алоҳида мақола ёзмади.

Мен домланинг рассомлар ҳақидаги жуда кўп фикрларини эшитганман. У ижодда янгиликка интилиш, ўз йўлини топиб олиш, бошқаларга ўхшамаслик ва, айниқса, расмий чақириқлардан холи бўлган бадийий гоёни ифодалашни маъқуллар эди. Ҳар қандай фикр, гоё ва мавзулар бадийий гоё бўла бермайди. Бадийий гоё ўз специфик хусусиятига эга бўлган эстетик воқелик деяр эди.

Умрининг охирида Москвага - кизининг олдига кўчиб кетган Л.И.Ремпель билан хат олиб-беришиб юрган кезларда у А.Жумаев билан учаламиз «Ислом ва санъат» деган китоб ёзишимизни, унда Шарқ маънавий ҳаётида ўн асрдан ортиқ давр ичида ислом ўйнаган роль ва анъаналарнинг мусулмон мамлакатлари ва халқларининг ўз-ўзини англашдаги аҳамиятини кўрсатиш назарда тутилиши керак эди.

Афсуски, устознинг қайноқ юраги бирдан тўхтаб қолди. 80 ёшдан ошган бўлса ҳам бутун фикри-зикри илм-фан билан банд бўлган устоздан хат келмай қолди.

Мана, беш йилдан ошди, у билан бевосита мулоқотдан маҳрумимиз. Бироқ унинг охириги хатларини қайта-қайта ўқир эканман, китобларини бот-бот varaқлар эканман, устознинг босиқ ва мулоғим овозларини эшитгандай бўламан. Л.И.Ремпель қатор тадқиқотлари билан ўзига ўлмас ҳайкал қўйиб кетган олимлардан биридир. Ҳар йили Хумсонга борганда, «Ажабсанда» тайёрлаётганда уни эслайман. У картошкани, пишган саримсоқни яхши кўрарди. Гўшнни эса чайнаб-чайнаб мазасини сўриб, қолганини ютмас эди. Тинимсиз, кечаю кундузи ишлашни ҳам биларди, имконият туғилиши билан Хумсонга бориб келишни ҳам ёқтирарди. Хумсонда ҳам менга ўчоқ бошида ёрдам беришдан қўли бўшади дегунча ёнғок тагида нималарнидир ёзиб ўтирарди, мияси фикрлашдан, қўли кимирлашдан тўхтамасди...

**Тилаб МАҲМУДОВ.**



## ҲИНДИСТОН ИМПЕРАТОРИ БУЮК АКБАРШОҶ

(«Ҳиндистонда Бобурийлар империяси» китобидан)

Олижаноб ва доно шох ўз халки учун нима қилиши керак эди?

Акбарнинг давлатни идора қилиш тадбирлари «Темур тузуклари» бу ишда хайратта лойик назария бўлгани каби бошқарувчилик амалиётининг намунаси сифатида эътиборга молик. Акбар ерларни чегаралади, бўлди ва чекларга тақсимлади. У солиқларни тенглаштирди. Очарчилик, табиий офат ёки бахтсиз ходисалар даврида солиқни қисман қамайтирар ёки халкни умуман озод этар эди.

«Аъло Ҳазратлари ўзбошимчалик билан олинадиган барча солиқларни йўқотди. У бир хил ўлчовни яратди. Шундан сўнг ернинг нарҳини белгилади ва биноаналайх давлат даромадини аниқлади. Манфактурадан олинадиган солиқ икки марта (аниғи 5 фоизга) қамайтирилди. Амалдорларни тақдирлаш учун жорий этилган чигал ёхуд мутлако нотўғри бахшиш тизими солиғи деярли йўқотилди ёки ниҳоятда соддалаштирилди. Амалдорлар хазинадан маош оладиган бўлдилар, акс холда улар кўпинча дехконларнинг охириги нонигача тортиб олишар эди. Батафсил статистик далиллар тўпланди ва бунинг асосида ўн йилга мўлжалланган солиқ жорий қилинди. Давлатнинг минг хил ишларидаги турли, ўткинчи, ўзгариб турувчи инжикликлар тугатилиб, мустақкам давлат қонунлари ишлаб чиқилди. Биз буларнинг ҳаммаси хақида тушунча бера олмаимиз, бунинг учун жуда кўп қоғоз ва вақт кетади. Менинг назаримда бунинг ўрнига «маъмурлар тўғрисидаги қўлланма»ни келтириш ўринлидир. Бу қўлланма империяни бошқариш қонунининг моҳияти бўлиб, у Акбар ҳукмронлик даврининг охирига қадар қўллаб келинди.

ВИЦЕ-ШОХ (Шох вориси). «У до-

(Боши ўтган сонда.)

имо халқ бахтини эътиборда тутиши керак: мукамал муҳокама-тафтишдан сўнг ўлимга ҳукм қилиши мумкин. Адолатлаблар ишнинг чўзилиб кетишидан хафа бўлишмасин, у афсус-наломат чекиб, кечирим сўровчиларни авф этсин. Йўлларнинг беҳатарлигини таъминласин, меҳнатсевар дехконга ёрдам беришни ўзининг бурчи деб билсин.

КОЗИ. Ўзидаги тамағирлик, очкўзликдан воз кечиб, жабрланувчи билан жабрловчининг фарқига борсин. Ана шунга мувофиқ иш кўрсин.

КУТВОЛ (Полиция бошлиғи). «У ўз хулқ-атвориға кўра тўғри ва ниҳоятда халол бўлиши керак; у дангасаларни бирон хунарга ўргатишга мажбур этиши мумкин; у фақат оғирлик жихатидан қонун бўйича белгиланган тангаларнинг оғирлигига тўғри келмайдиган тангаларни мажбурий олиши (кўп бўлиши мумкин эмас); спиртли ичимликларни манъ этиш ҳуқуқига эга, лекин одамлар нима ишлар қилаётганликларини хуфёна суриштиришга ҳаракат қилиши шарт эмас, у бевадарнинг (унинг майлига қараб) ёқиб юборилишига йўл қўймадлиги шарт».

СОЛИҚ ЙИГУВЧИ. «У ўзини бево-сита ер хайдовчи дехконнинг дўстидек хис этиши шарт; у қандайдир даллолга муҳтож бўлмаслиги керак; у муҳтож дехконга қарзга пул билан ёрдам бермоғи ва солиқни кечроқ ва дехконга қулай пайтда олиши керак; у мохирлик билан иш олиб бораётганларни тақдирлаши лозим; унинг талаби (ўртадаги шартномадан, келишувдан) ортиб кетмаслигини қузатиб борсин; у давлат солиғини хайрихоҳлик билан тўпласин; оғир солиқлар жазо йўли билан олинмаслиги лозим».

Юкорида келтирилган парчалар император Акбаршоҳ томонидан маъмурларга тақдим этилган аниқ ва батафсил битилган қўлланмалардан олинган намуналардир. Бу кизикарли ҳужжат-

ларнинг баъзи нусхалари бизнинг давримизгача етиб келган.

Бу қўлланманинг ўлик бир сўз бўлиб қолмай, маълум даражада ҳаётга тадбиқ этилганига асослар бор. Ҳар холда (қўлланма) Акбарнинг энг юксак омонга астойдил интилишини намоян этади.

Акбар 1542-йилдан то 1605-йилгача яшади.

Акбар шохлик тахтига ўтирган пайтда ўн уч ёшдан сал ошган эди. У ўша кундан то ўн саккиз ёшга тўлгунча ўзининг биринчи вазири ва васийси бўлиши Байрамхон таъсирида яшади. Акбар ундан уруш олиб бориш санъатини ўрганди. У шу билан бир қаторда бошқаришнинг мулозим ва дағал усуллари билан танишиб борди. Биз буларни Темур усуллари деб атасак ҳам бўлаверди. Хақиқатан ҳам бу усуллар Темур усуллари эди, булар фақат Бобур ва Ҳумоюн, оқил ва олижаноб ҳукмдорлар, маданият ва жанговарлик тараққиёти таъсири остида ўзгарган эди.

Акбарнинг ҳокимиятни бошқариш усуллари хақида фикр-мулоҳаза юритиши мавжуд идора тизимидаги жиддий нуқсонлардан бирини очик кўрсатганига шубҳаланмасамиз ҳам бўлади. У Ҳиндистондайдир бир мамлакатни бошқариш учун қудратли хинд рожалари билан тинчлик алоқаларини ўрнатиш зарурлигини яхши билар эди. Бунинг учун либерал сиёсий усулни қўлламасдан ўзга чора йўқ эди.

Бинобарин, ҳар бир Ислоҳ давлатининг асосий қонуни Куръондир. Унинг талқини эса тамоман Ислоҳ мутаассибларининг қўлида эканини унутмаслик лозим. Миллионларча хиндларни бундай қонун тўпламига асосланиб бошқариш қийин эканлиги маълум. Шундай қилиб, сиёсий ҳам диний жихатдан чиқишмоқ масаласи ўзини тез-тез эсга солиб турарди. Акбар эскича бошқариш усуллариининг кўпчилигини ўзгартириш

кераклигига ишонди. Балки, Байрамхон Акбарнинг бундай фикрларига кўшилмагандир, аммо харам ахли Байрамхонга нисбатан қарши фитна уюштиргани маълум. Хар холда, Акбар ўн саккиз ёшга тўлган чоғида Байрамхонни ишдан четлатди ва унга Маккага бориб ҳаж қилишни тақлиф этди. Байрамхон унга қарши дарғазаб бўлди. Лекин Акбар уни кечирди ва умуман унга нисбатан олижаноблик кўрсатди. Шундан кейин (1560-йилдан) у ҳокимиятни ўз қўлига олиб, давлатни шахсан ўзи бошқара бошлади. 1573-йилгача, яъни ўн саккиз ёшга тўлгунча мамлакат ичқарисидаги ғалаёнларни бостириш ва бошка вилоятларни босиб олиш билан умр ўтказди. Шундан кейингина унинг улкан мамлақатида осойишталик бошланди. Акбар ҳукмдорлигининг илк йиллари ана шундай уруш билан ўтди.

Абулфазл саройга 1574-йили, яъни Акбар шохлигининг биринчи шиддатли даврида келди. Акбар бу пайтгача жуда мулоим бир мусулмон каби азиз-авлиёларнинг қадамжоларини ва турбаларини зиёрат қилиб юрди. 1570-йилдан бошлаб, яъни шохлик даврининг иккинчи ва охириги даври уруш ҳамда ғалаёнлардан бутунлай холи бўлмаса-да, анча суҳбларварона зафарлар билан ўтди, деса бўлади.

«Аъло Ҳазратлари қадимги урф-одатларни қай бири энг хурматга сазовор эканини билиб олгач, улар билан тез танишишга интилади. Кейин улар ким томонидан яратилганига қарамай энг кераклигини танлаб олди». Акбар ўз ҳукмронлигининг сўнгги даврида хинд ва форс бидъатчиларига йўл очиб берди. Бу унинг сиёсий тизими асосининг қалити бўлди. Абулфазл ҳаққоний равишда аҳолини «диний таъкиб этиш оқибатида бора-бора ўз олдига қўйган мақсадини чиппаққа чиқаради. У одамларнинг ўз фикрларини яширишга мажбур этади, аммо уларга ҳеч қандай ўзгартириш киритмайди», деб изох беради. «Минг бир кеча» ҳикоясининг жимжимадор сўзлари билан ифодаласак: «Кўз қорачиғининг атрофига игна билан «Эхтиёткорликни хоҳлаган эхтиёт қилинади», деган унда (принцип) эътиборга лойиқ».

Акбар подшоҳлигининг дастлабки пайтларида йўл қўйиб берган виждон эркинлиги қоришиқ дин - «Дини илохий»ни вужудга келтирди. Қадимги Рим подшоҳлари ўз мажусий динларига бош бўлганларидек Акбар ҳам будинга раҳнамолик қилди. У хар қуни тонгда ҳукмдорлик рамзи бўлган куёшга таъзим қилар, халқ эса шохни ердаги олий ҳукмдор ноиб деб эъзозларди. Абул-

фазл бу янги эътиқодни «Дини илохий» ва «Илохий яққа худодлик» (монотеизм) деб бир неча бор эслатиб ўтди. Мен унинг айрим фикрларини келтираман.

Инсоният тарихида янги эътиқоднинг пайдо бўлишидан кизикарлироқ ҳеч нарса йўқ. Бу янги эътиқод барча эски динларни инкор этмайди, аммо замон талабига қараб ўзгартиради. «Дини илохий» Акбарнинг шохлик даврида гуллаб-яшнади, унинг вориси даврида ҳам бир қанча вақт давом этди. Лекин у табиий ҳолда ўз-ўзидан йўқолиб кетди. Хиндистон унчалик ўзгармаган Ислом ва талайгина майда мазҳаблар ҳукмронлиги остида қолди.

Шох бир кунда тўрт марта Худога ибодат қилар эди: бомдодда, тушда, шом ва хуфтонда. «Бу барча улуг ибодатлар Худо шарафи учун бажо келтирилади. Агар нодон халқ унинг аҳамиятига тушуниб етмаса, у холда қимни ҳам айблаш мумкин? Ҳаммага маълум, бизнинг вазифамиз ўз валиенематимизга миннатдорчилик билдириш, бинобарин, ёруғлик манбаи бўлмиш куёшни макташдан иборатдир. Бундай қилиш бекларга хосдир, зеро коинот ҳокими бўлмиш куёш ер юзидаги подшоҳларга илохий таъсир ўтказади. Шунингдек, Аъло Ҳазратлари умуман оловни жуда улуглайдилар, шамга ҳам эътибор берадилар, чунки уни улуг куёшнинг нури деб ҳисоблайдилар». Бир йилда бир мартаба, баҳор вақтида, кун ва туннинг тенглик кунларига яқин пайтларида кабарикли биллур идишлар ёрдамида олов фалақдан туширилди ва «бу ёруғлик махсус тайинланган одам орқали текширилди эди (Уларнинг бошлиғи Абулфазл эди). Йил охирида эса яна олов туттилар» эди. Тунда шох ўрдасини олтин ва қумуш шамдончаларга ўрнатилган улкан кофурий шамлар ёритиб турарди. Унинг ишлари шундай аниқлик билан тартибга солинган эдики, хатто саройдаги шамлар, ликобчалар сони ҳам янги ой кўринган кунлардан ҳисобланар эди. Янги ой туғилган куни саккизта шам ёкилади. Ойнинг тўртинчи кунидан то ўнинчисигача кунига биттадан шам қайтирилиб борилади, ҳуллас янги ойнинг ўнинчи кунидан бошлаб то охиригача фақат битта шам ёниб туради. Ҳар бир шамга сарфланган пилик ва ёғ ҳам жуда аниқ белгилаб қўйилган эди.

Абулфазл асарининг «Маънавий раҳбарлик» бобида: «Оллоҳнинг хоҳишироласига кўра инсоният ўз қилмишларини маъқуллаб, ўзгаларнинг фаолиятларини қоралайди, шундай қилиб қишларнинг турли жамияти турли эътиқодга эгадир, улар ўзларининг орзу-хаваслари билан завқланиб юра-

дилар». «Баъзан инсониятнинг бахтига «Ҳақиқат» ҳам очилиб қолиши мумкин. Агар бу ҳақиқатта бир шахс ўз илми билан етишган бўлса, у инсон киёфасидаги ёввойи махлуклардан кўриқиб, сукут сақлайди. Лекин бундай синоат ато этган бўлса, мунажжимларнинг талқинича у нарса Акбарга насиб этган». Унда ҳақиқатни айтишга лойиқ вақт келибди. «Аъло Ҳазратлари бу синоатни бошқаларга билдирмаслик учун узоқ вақт сир тутиб келди».

Нихоят, Акбар ўзининг илохий ҳусусиятларини ошқор қилди. Унинг мўъжизакор қуввати турли усулларда кўрина бошлади. Қим унга яқинлашса, унинг билими ошиб борди. Бева-бечоралар эса уни жудаям севишар эди. У келажакни башорат қилар, беморларни даволар эди. «Аъло Ҳазратлари шароит талабига кўра ўз биланларини бошқаларга ўргатар, кўпчилик ўзининг қобилияти даражасида бу улуг суҳбатдошдан баҳра олар эди». «Бирок, - дейди Абулфазл, - у инсонларга ўргатган ёки содир этган талайгина мўъжизалар ҳақида батафсил маълумот бериш ўрни эмас. Агар менинг умрим, бўш вақтим етарли бўлса, мен бу қизик ахлок (предмет) ҳақида алоҳида бир китоб ёзаман».

Абулфазлнинг гапидан маълум бўладики, «Дини илохий» ҳаётий заминга эга бўлмагани учун ҳам у айтган асарини ёзишни бир чеккага суриб қўйган. Зеро, бу дин кенг мушоҳадага асосланган бўлиб, барча динларга хос бўлган сирли мўъжизакорлик қувватига эга эмас эди. Акбарга нисбат берилган мўъжизаларни фавқулодда ҳодиса деб бўлмайди. Акбар «Дини илохий»га ишонувчилардан эътиқодни унчалик талаб ҳам қилмасди. Улар эса фақат подшоҳнинг ҳукмронлигини тан олишар, унинг муруватларидан баҳраманд бўлиб, адолат билан ҳукм юритишидан ҳузур-халоват топар эдилар. Юқорида айтилганидек, Акбар томонидан киргизилган давлат дини, фақат Акбар ва унинг вориси ҳукмронлик қилган даврдагина давом этди. Хатто ана шу даврларда шохларнинг ўзлари ҳам уни қаттиқ ушламадилар. Иезуитлар билан мусулмонлар ўртасидаги бахсларга тортинмай ружсат берар эдилар.

Абулфазл Акбарнинг динга беғараз қарашини Қашмирда бино қилинган бир ибодатхона пештоқиға битиш учун ёзган шеърининг мазмунидан билса ҳам бўлади:

«Ё, Оллоҳ, барча ибодатхоналарда Сени кўраётган одамларни кўраман. Мен эшитган барча тилларда сени макташади. Маъжусийлар ҳам, мусул-



монлар ҳам сенга талпинадилар. Барча динлар шундай дейди: «Сен якка-ю ягонасан, сенинг тенгинг йўқ». Одамлар масжидда калималарини пичирлаб ўқийдиларми ё насронийлар черковда кўнғироклардан бонг урадиларми, бари Сенга мухаббат ихзор этадилар. Мен гоҳ насронийлар жомеъсига, гоҳ масжидга бораман. Аммо мен ибодатхонадан-ибодатхонага ўтиб излаган зот - танҳо Ўзингсан.

Сени севганларнинг қуффор билан ҳам, мўъминлар билан ҳам ҳеч иши йўқ, зеро улардан бирортаси ҳам Сенинг ҳақиқатинг пардаси ортида турмайди.

Қуфр қуффор учун, дин мўъминлар учун. Аммо гул япроғининг чанги атир сотувчининг қалбига моликдир». Мен юкорида келтирилганларнинг ҳаммасини Абулфазлнинг «Тузуқоти Акбар» китобидан кўчирганман. Мен воқеалар занжири узилиб қолмаслиги учун ерлик тарихчиларнинг асарларидан ҳам кўчирмалар олдим. Чунки улар ҳам Акбарнинг шохлик даврини ёритадилар. Бирок бу кўчирмаларни ўқувчилар учун қулайроқ бўлишини ўйлаб алоҳида беришга қарор қилдим. Абулфазлнинг китобини тугатиб, энди Акбаршоҳнинг шахсияти ҳақида хикоя қилувчи бошқа манбаларга ўтамиз.

Шох Жаҳонгир ўз эсдаликларига отаси Акбаршоҳнинг шахси тўғрисида қуйидаги маълумотни беради. Бу эсдаликларнинг нуфузига шак-шубҳа бўлмаса керак, деб ўйлайман. Жаҳонгир шундай ёзади: «Менинг отам оми бўлишига карамай барча диндаги олимлар билан бемалол гаплашар эди. У доимо олимлар ва билимдон кишилар

билан суҳбат қургани учун нутки шу даражада ривожланган эдики, у билан суҳбатлашган бирор одам саводсизлигини билолмас эди. У наср ва назмнинг нафосатини теран идрок этар эдики, бусохани ундан яхшироқ биладиганни топиш амри маҳол». Мен бу эсдаликни қайта-қайта ўқиб чиқдим, лекин нозиктабиат, ҳар нарсага танқидий кўз билан қаровчи кишини бутунлай саводсиз эди, деган фикр билан сира чиқиша олмадим. Бу карама-қарши фикр ҳақида бир хулосага келганимдан кейингина тинчидим. Маълумки, Акбар ўн уч ёшида тахта ўтирган эди. У бунгача тақдирнинг қўпгина саргузаштлари-ю, дасисаларини ўз бошидан кечирди. Ўғли Акбарга устоз қилиб тайинланган Мир Яҳё Маъсум қаламига мансуб тарихнинг бир жойида «Ўша вақтда, Акбар ўз шохлигининг иккинчи йилида ҳам ўқиш ва ёзишни билмас эди», - дейди. «Ўша вақтда» деган қалима Акбар кейинчалик ўқиш ва ёзишни ўрганиб, саводли бўлиб олганини кўрсатади.

Жаҳонгирнинг тавсифи балки отасининг ёшлик йилларига, яъни Ҳумоюн подшоҳлигининг охириги йилларидаги жўшқин ҳаётга тўғри келар. Чунки ўша даврда Акбарнинг савод чикара олмани табиийдир. Унинг биринчи муаллими Мир Абдулатиф Акбарга «Сулхи кулл» («Мир совсеми») қондасини ўргатди.

Ўша даврнинг саводхон ёшлари арабча ўқиш ва ёзишни, унинг нахсарфларини ҳамда шеър ёзиш қоидаларини билиши лозим эди. Улар Куръон сураларининг кўпини ёд билишлари ҳам фарз, ҳам қарз эди. Форс тилини она тилидек билишлари, айниқса, Ҳофиз, Саъдийларнинг ғазалларини, Фирдавсийнинг дostonларини ёд билишлари шарт эди. Улар ўтган шох ва шахзодаларнинг шажарасини, таржи-май қолларидан қабардор бўлиши, риёзиёт, фалақият ҳамда мусикадан баъзи бир нарсаларни билишлари мажбурий эди. Темур авлодлари турк тилини ўз она тилида шеър ёза оладиган Жаҳонгир давригача саклаб қелишди.

Жаҳонгир ўз отаси Акбар ҳақида: «Акбар ўрта бўйли, лекин бўйдорликка мойил, юзи буғдойранг, оқ рангга қараганда қорароқ, қора қош, қора кўз, забардаст, кенг пешона ва кўкракли, қўл-оёқлари узун... у жуда баланд овозли, лекин ниҳоятда чиройли ҳам ёқимли нутққа эга эди. Унинг ахлоки ва одоби бошқа одамларнинг одоби ва ахлоқларидан кескин фарқ қилар, юзидан доимо нур томиб турар эди», - деб ёзади.

Акбар ҳам ўз ота-боболари сингари чаккон овчи эди. Масалан, у шахсан

ўзи бир қунда ўн олтига чопагон қулони овлар эди. У Агра йўлларидаги ма-софа белгилари бўлмиш устунларни ўзи отган бир неча юз минг қийик шох-лари билан беазаган эди. У отда 48 соат мобайнида икки юз йигирма миля йўл босиб ўтгани маълум. «Унинг тарихи жасорат романтикаси билан тўла бўлиб, бундай хавфли ҳаракатларга табиий мухаббат ва бошқа ишларга тегишли оқилона туйғу бошлаган бўлса ажаб эмас». У ўз давригача етиб келган рицарлик-жанговарлик омомини тўла адо этди. Бу омомлар араблардан олинган бўлиб, Хиндистондаги ражапутларнинг жасоратига қараб, улардан ўрнак олиб айрим ўзгаришларга учраган эди.

Турк аскарларининг жанговарларга хос жасорати ва садокатини кўрсатувчи қуйидаги мисоллар сўнгилар томонидан бу идеаллар тўлиқ ўзлаштириб олинганини ва амалда ба-жарилганини кўрсатади.

Темурнинг ўғли Жаҳонгир Кама-ридиннинг таъкиб этиб, унга етди. Ушанда унинг хамроҳларидан бири олдинга чиқиб буйруқона овоз билан: «Кама-ридин мен бўламан», - деб бакиради ва ўз хўжаси ўрнига ҳалок бўлади.

Қозим кўка ва Бобур ўзбек хони томонидан асир олинган эди. Ушанда Қозим мардона туриб, ўзини Бобур деб танитади. Асир олганлар уни пор-пора қилдилар. Қозим ўзини ўлимга маҳкум этиб, Бобурни саклаб қолди. Ҳумоюн ва унинг энг яқин кишиларидан бири, кейинчалик Акбарнинг мураббийси бўлган Байрамхонни душманлар қўққисдан қўлга олган эдилар. Жуда баланд бўйли Абдулқозимни Байрамхонга ўхшатдилар. Абдулқозимни ноҳақ ўлдирилаётганини кўрган Байрамхон олдинга отилиб чиқиб, «Байрамхон менман», - деб ўзини қахрамонона эълон қилди. «Йўқ, - деди хайбатли Қозим, - у менинг ботир ва ишончли хизматқоримдир, шунинг учун ҳам уни қўйиб юборинглар». Шундай қилинди. Абулқозим ўлдирилди, унинг хўжаси Байрамхон эса қутулиб қолди.

*Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ таржимаси*

*(Давоми келгуси сонда)*



# ОВОЗ САНЪАТИ

**МУАЛЛИФ ХАКИДА МАЪЛУМОТ:** Ойтилла Холик кизи асли Уйғуристондан. У ўн ёшидан бошлаб ижод қила бошлади. Шанхай консерваториясининг вокал бўлимини тугатган. Гуанжун шахрида бўлиб ўтган Умумхитой вокал танловида Катта мукофотга сазовор бўлган.

Ойтилла Холик кизи Уйғуристон педагогика дорил-фунунининг музыка факультетида муаллимлик қилади. Тошкентдаги М.Ашрафий номидаги консерваторияда стажировка муддатини ўтаган.



Кўпчилик кўшиқ ижрочилик санъатига ниҳоятда қизиқади, эъзозлайди, лекин овоз ишлатишни илмий-назарий қоидаларини яхши ҳис эта олмайди. Бу муаммолар бир неча йўналишга хосдир.

Овоз ишлатиш санъатини яхши тушуниш, кўшиқчилик қонун-қоидаларини пухта эгаллаш, ўз имкониётларига мослаштириш ишлари муҳим омиллардан ҳисобланади.

Иш жараёнида овоз чиқариш йўллари очиқ ва равон бўлганда, овоз нақадар гўзал, майин ҳамда ўта ёқимли ҳолда чиқади. Ижрочи йўли тўғри бўлса ўзини бемалол ҳис қила олади. Шундагина унинг кўшиқлари тингловчиларга хузур бағишлайди ва ҳаяжонга солади. Ижрочи овоз чиқариш ва нафас олиш йўлларини мукамал билса, овозининг чўзимидан бир текис бўлиб, ижронинг давомчилигини таъминлайди. Шунинг учун овоз чиқариш усулларини яхши ўзлаштириш ижодий изланишларга боғлиқдир.

Овоз пардаси кўшиқ ижрочисининг асосий қуроли ҳисобланади. Овоз пардаси кекирдикнинг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб, унинг юзини силлиқ парда қоплаб туради, бир жуфт овоз пардасининг ўртасида эса овоз қопқоғи жойлашган.

Кекирдик томирлари ва мушакларидан таркиб топган аъзоларнинг ўзаро таъсир кўрсатиши натижасида овоз пардасининг майинлиги ва овоз текислиги сақланиб қолади. Нафас олинадиган пайтда икки овоз пардаси айрилиб, овоз очилади. Ижрочи бу талабларга риоя этса, бир маромда нафас олинади,

ёқимли ва майин овоз чиқаришга эришилади. Овоз чиқарганда икки товуш пардаси жуфтлашади. Нафасни мослаштириб бориш натижасида овознинг қалинлиги ва майинлиги ҳосил бўлади.

Ҳаваскор кўшиқчилар, аввало, овоз чиқариш қоидасини яхши билишлари лозим. Бунинг учун, биринчидан, овозни қай даражада, қай ҳолатда ва қайси ўринда чиқаришни тўғри англаб олиш лозим. Ўпқадан чиққан нафас кекирдик орқали сиртга чиққанда, овоз пардаси ёйилади ҳамда нафасни овоз пардасига урилиши туфайли тебраниш ҳосил бўлади. Бунда овоз тўлқинининг садо бериш бўшлиғида бир текис жарангдор овоз ҳосил бўлади.

Овознинг баланд, паст чиқиши овоз пардаси тебранишининг паст-баландлигига боғлиқ. Овоз пардасининг тебраниш ҳолати юқори бўлса овоз ҳам баланд эшитилади, аксинча бўлса паст чиқади. Юқори регистрга хос ашула айтилганда, нафас ҳолати кучли бўлади. Овоз пардаси қисқариб, тезлик билан кенгайиб, овоз кучи оша боради, оғиз бўшлиғи катталашиб боради.

Масалан: «О» товуши бешта оҳангда ижро этилганда, муайян ички ва сиртқи ҳолати биргалиқда тебрангандай туюлади. Паст овозда айтилганда, нафас босими кучсиз бўлади. Овоз пардаси эркин чўзилади. Қалинлашиб садо бериши паст бўлади. Масалан: «О» товушини олти хил оҳангда айтганда кўкрак тебрангандай бўлади. Гавдани тўғри тутмаса, нафас олиш,

овоз чиқариш ва ашула мазмунини ифодалашга салбий таъсир кўрсатади. Ашула айтилгандаги гавдани тўғри тутишда бутун бадан юқори кайфиятда тик туриши ва баданни оғирлик нуқтаси тўғри белгиланиши керак бўлади. Кўкракни кериб, икки елкани орқага тортиб туриши лозим. Юзнинг ҳолати табиий бўлиши, ашула мазмунига кўра ўзгариб туриши ва ҳиссиётга бой бўлиши керак.

Овозни тарбиялашда машаққатли меҳнат қилмоқ лозим. Мақсадга етиш учун оддийликдан мураккабликка босқичма-босқич, режа билан машқ қилишга тўғри келади. Машқ қилганда товуш ва оҳангларга шунчаки берилиб кетмай, куй моҳияти, мазмуни ва тарихини ҳам билмоқ керак. Ёшларимиз бошқаларнинг тажрибасини ўрганишда камтарлик ҳамда ворислик туйғуларига амал қилганлари маъқул.

Овоз ёниб-ўчиб, куйиб ва оқар сувдай бўладиган туйғу каби ҳис этилиши лозим. Ёниб-ўчиш деганимиз - сизни ашула айтиш жараёнида машаққатли ижодий меҳнатингиз туфайли вужудга келган кайфият ҳисобланади. Ғалаба ва муваффақият келтирадиган овоз табиий жўшқин ва янғроқ, очиқ овоз бўлади. Овозда зўрлик кўрсатиш томоқ йўлини чарчатишдан иборат бўлади. Бинобарин, чарчаш орқали овоз йўқолади, ашула йўналиши бузилади. Шу талабларга риоя қилинса, мақсад ва орзу-умидларга эришиш мумкин.

# Маснавлар

Ва қолал инсану ма лаха. (Ва инсон дейди: «Не бўлди унга?!»). Явмаизин тухалдису ахбароха. (Ул кун замин баён этгай ўз хабарларини). Явмаизин ясдуруннасу аштан. (Ул кун одамлар гурух-гурух бўлиб кайтгайлар, яъни қабрларидан саф-саф бўлиб кўпгайлар). Лийуров аъмалахум. (Тоқим аъмоллари уларга намоён бўлсин, яъни қилган амалларининг жазоси муқаррар бўлсин). Фаман яъмал мискола зарратин хойрон яроху. (Бас, қимда-қим бир зарра қадар яхшилик қилган бўлса - кўради). Ва ман яъмал мискола зарратин шарран яроху. (Ва қимда-қим бир зарра қадар ёмонлик қилган бўлса - кўради).

Нихояти саккиз оят. Саккиз илохий қалом. Бу саккизта Оллох қаломининг шарҳига саккиз минг китоб ёзиш мумкин дигар балки. Балки саккиз минг эмас, ундан-да зиёд китоб аллақачон ёзилгандир. Бирок муаммонинг хал бўлиши тинимсиз ёзилиб сотилаётган анвойи жилдларда эмас. Мухими, ҳамма нарасага муқаррар жавоб бор. Мухими хисобу китоб бор. Наинки бу дунёнинг, балки охирагининг ҳам дарвозаси бор. Бу илохий оятларни қим ҳам шох Бобурдан ўтқазиб шархлай олгай!

## РУБОИЙ

Хар қимки вафо қилса, вафо  
топқусидир,  
Хар қимки жафо қилса, жафо  
топқусидир,  
Яхши киши кўрмагай ёмонлик харгиз,  
Хар қимки ёмон бўлса жазо топқусидир.

## МАСНАВИЙ

Хор-хору хийлахову вас-васа,  
Аз ҳазорон қас бувад, не як қаса.

## ТАРЖИМАСИ

Хор-хору, хийладир, васвосдир,  
Бир эмас, минг бир кишига хосдур.

Давоми. Боши ўтган сонларда

## ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Одам боласи хис этишга қобил бўлган изтироб, хийла ва васвослар ёлғиз бир қимсадан эмас, балки жуда кўп кишилардан ҳосил бўлади.

## ШАРХ

Инсон нишон бўлгучи турли маънавий ва моддий ҳиссиёт ёлғиз бир малак ё шайтон, ёлғиз бир фикр ва кайфият, ёхуд махсус бир модалдан зухур этмай, балки бир неча малоик ва шайтон, моддий ва афкорнинг турли таъсуротларидан ҳосил бўлади. Бинобарин, махсус бир кайфият таъсири остида, чунончи, «Мен фалон фикрдан файз олдим», ёхуд «Шайтон васвоса қилаяпти», деб гумон қилмоқ хатодир. Зеро, инсоннинг маънавий ва моддий душманлари гоё кўп. Шунинг учун қалбни турли таъсуротлардан ҳимоя қилиш гоё тўғри.

Одам боласи қайси ирк ё миллатга мансуб бўлмасин, у мусулмон қавмида дунё юзига келади. Оллох изнига таслим холда олам сахнасига тушган Одам замон ва макон, турли моддий ва маънавий таъсуротлар исканжасида ё мусулмон бўлиб қолаверади, ёхуд номуслмон бўлади. Яқиндирки, ҳар иккисидан ҳам воз кечган бир махлуққа айланади. Унинг ушбу зайл қамол топтоғи атроф-муҳитнинг бевосита таъсири.





юз тутади. У жуда улкан заминда дахшат ва кўрқув остида яшай бошлади...

## МАСНАВИЙ

*Бош то хисҳои ту мабдал шавад,  
То бубинийшон ва мушкул хал шавад.*

## ТАРЖИМАСИ

*Сабр кил то хисларинг хам сўнгуси,  
Сўнг улар-да ошкоро бўлгуси.*

## ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сабр эт, хис-туйғуларинг босилиб, ўзга бир кучга бўйин эгсин, шундан сўнг «айнал яқийн» сирлари ошкор бўлиб, сен бу қадар бахсу талош этган малоик ва шаётин намоён бўлади.

## ШАРХ

Баъзи инсонлар малоик ва шаётин ҳақиқатда мавжудми, деган шубҳа билан яшайдилар. Бундай зотларга қуйидагича жавоб берилади: Эй заковатфурӯш, ҳақиқатни ўз кўзларинг билан кўрмоқчи бўлсанг, бир микдор сабр эт. Баданинг мавти (ўлими) билан хиссиётинг мубаддал бўлади ва сен интизор кутган буюк ҳақиқат юз кўрсатади.

Миллионлаб нодон одамларнинг бирламчи ва сўнгги даъволари: «Қани? Бор бўлса, кўрсат!» Аммо, ҳақиқат белгилик лаҳзада ҳеч қандай даъвосиз, бир сонияга бўлсин куттирмай юз кўрсатаверади. Уни ҳамма-ҳамма кўради. «Кўрсат-кўрсат», деб барчани яқосини йиртганлар ҳам кўради. Бир умр «Йўк» деганлар ҳам. У куттирмайди. Белгилик лаҳзада бош кўтарди.

## МАСНАВИЙ

*То суҳанҳои киён рад кардай,  
То киёнро сарвари худ кардай.*

## ТАРЖИМАСИ

*Неча бир зот сўзларин рад айладинг,  
Нечасин сарвар дебон мадҳ айладинг.*

## ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу дунёи фонийда неча бир зот сўзларини рад этдинг. Неча бир инсонларнинг домонини тутиб, сарвар дебон эргашдинг.

## ШАРХ

Эй рухоният мункирлари! Бир лаҳза сабр ва сукунат этингиз! Зеро, ҳақи-

қатни лаҳза-лаҳза қазо лочини явук айламоқда ва шони фанономи умр ғуруб этмоқда. «Баъдал мавт» (ўлимдан сўнг) англари сизки, сиз инкор этган шон-шавкат соҳиби пайғамбарлар ва қароматли авлиёлар барҳак, сиз вавосини бўйин товламай қабул этган шайтон ҳам барҳак экан!

Ҳакни англамоқ - бу одамни ўз-ўзини англамоғидир. Ўз-ўзини англаш ҳақиқатда моддапарастлар ҳам, рухонийлар ҳам кўп гапирадилар. Ўз-ўзини англаш кадр-кимматини билиш кабилидаги соф маиший тушунчага айланган бу такаббур замонда қандай қилиб Ҳакни, яъни ўз-ўзини англамоқ мумкин?

Ўз-ўзини англамоқ - бу бандаликни - Оллоҳга қулликни - Унга таслимиятни бўйинга олмақ.

Ўз-ўзини англамоқ - ер юзида Оллоҳнинг халифаси эканини ва ёлғиз Оллоҳни таниб, унга, фақат унга сиғинмоқ лозимлигини англамоқ.

Ўз-ўзини англамоқ - бу бандаларнинг тенглигини, шоху гадонинг баробарлигини, ерда фонийлик ва охираат абадиятини англамоқ.

Ўз-ўзини англамоқ - заррадан то материягача фақат У зот тасарруфи остида эканини ва ундан ўзга банд шаклида мутасарруф йўқлигини ва бўлиши ҳам мулақо мумкин эмаслигини англамоқликдир.

## МАСНАВИЙ

*Баъд аз он гўфтанд: «Эй харгўш, жаст,  
Дар миён ор он чӣ дар идрок атаст».*

## ТАРЖИМАСИ

*Дедилар сўнг: «Эй қуён, кўзғолгил,  
Неки идрокингдидир ошкор кил».*

## ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сўнгра хайвонлар дейишди: «Эй қуён, ақл-идрокингда бор нарсаларнинг жамини ўртага сол!».

## ШАРХ

Шу пайта қадар зохирбинларча қуённи бир чақага илмаган водий қавми бу увок қалладан бирор жўяли фикр чикармикин, деган андиша билан унга эътиборлари назарини қаратдилар.

## МАСНАВИЙ

*Эй, ки бо шере ту дар печидай,  
Боз гў розе, ки андешидай.*

## ТАРЖИМАСИ

*Шерга ташланган чивиндек жонсен,  
Сўйла қандок маънига иқрорсен.*

## ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Арслон каби қудратга ташланган, эй Қуён! Заковатинг-ла англаб-етган ҳақиқат - розни бизга аён кил!

## ШАРХ

Ҳали замон шернинг дастурхонида қалла-поча бўлишларига ҳеч шубҳалари бўлмаган мутеъ ва кўрқок қавминг тилидан мушдек баҳодирга нисбатан бир оз масҳаралаш оҳанги сезилса-да, «балки», «эҳтимол» каби шубҳали ва яширин умид учқунлари ҳам йўқ эмасди.

Шунақа, баъзан девқалла, девқелбат пахлавлонларда бир қошиқ фаросат бўлмаган холда, сувратан эчкига монанд бир телбаваш қимса уммони ақл бўларкан. Баъзан таянч нуктасини «Мана» деб тутқазсалар ҳам ерни ағдартўнтар қиладиган тизгинсиз қувватда тарикча фаҳм бўлмаган холда бир қилтиллаган заиф танада шиддати бекиёс заковат гулдурӯс соларкан...

## МАСНАВИЙ

*Машварат идроку хушёрӣ дихад,  
Ақлхо мар ақро ёрӣ дихад.*

## ТАРЖИМАСИ

*Машварат идроку хушёрлик берур,  
Ақлар-да, ақлнинг ёри эрур.*

## ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Машварат, яъни кенгаш ақлу идрок ва хушёрлик беради; ақллар ақлга имлод бахш этади.

## ШАРХ

Водий ақли қуёнга ташбех бўлган зотнинг саъй-қўшишига тан бердилар ва уни машварат - кенгашга тақлиф этдилар. Ҳақиқатда, машварат инсон ақлига буюк қувват бахш этади. Машваратсиз адо этилгуси ишда икки навъ зарар бордир: бири, инсон бир иш ё ташвиш талошида экан, ибтидода, яъни, ташвиш бошида зехнига ўтириб қолган фикрнинг адосига тез суръатда киришиб кетади. Бу ҳол кўпинча соҳибига ўзгарилмас зиён-заҳматлар селини бошлаб келади. Иккинчиси, киши заҳмат ё





нинг хиссиётга бойлиги, таранглиги, маънодорлиги, салмоғу зарофати хусусида узок гапириш мумкин. Ҳазрат рисолатпанохнинг (с.а.в.) машарат чоғида юзларини яширишларини турлича талкин қилганлар. Бизнингча, бу Нубувват сири. Пайғамбарлик сир-синоати. Биз бунини шарҳлашга ожизмиз. Аммо, ул зотнинг муборак нутқлари ҳақиқатда пайғамбарона эканликларини ҳар бир фаросати бутун инсон хис этмоклари осон бўлсин учун «Видо хутбаси»дан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

«Эй инсонлар! Сўзларимни диққат билан эшитингиз. Билмайман балки бу санадан кейин сизлар билан бу ерда яна бир бор бирга бўлмасман.

Эй инсонлар! Бу куннинг қандай бир кун эканлигини биласизми? Бугун Явмуннаҳрдир (Курбон куни). Бу оиннинг қайси ойлигини биласизми? Бу ой Шаҳри ҳаромдир (Муқаддас ой). Бу жойни қандай жойлигини биласизми? Бу ер Балдаи ҳаромдир (Муқаддас шаҳар). Бу кунингиз қандай муқаддас бўлса, бу оинингиз қандай муқаддас ой бўлса, бу шаҳрингиз қандай бир муқаддас бир шаҳар бўлса, билингизким, жонларингиз, молларингиз, ирзларингиз ҳам то Оллохнинг ҳузурига чиққунга қадар бир-бирларингизга бу муқаддас кун, бу муқаддас ой, бу муборак шаҳар каби муқаддасдир. Буларга қилинган ҳар қандай тажоввуз ҳаромдир!..

Асқобим! Ҳўшингизни йиғиб олинг! Билингизким, эртага Оллохингизга қовушажаксиз!..

Эй мўъминлар! Сўзларимни яхши-лаб эшитингиз, яхши англаингиз ва яхши

муҳофаза этингиз. Муҳаққакки, Роббингиз бирдир. Отангиз бирдир. Барчангиз Одамдансиз. Одам эса, тупроқдандир. Ҳеч кимнинг бошқалардан устунлиги йўқдир. Шариф ва устунлиги фақат фазилат иладир. Шуни яхши билингки, ҳар мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Бутун мусулмонлар бир-бирларининг биродарларидир... Ҳақсизлик қилманг! Ҳақсизликка бўйин ҳам эгманг!.. (Зақои Қўнрпанинг «Алвидо дунё!», «Ассалом, Охират» китобидан).

Бу парча оламлар раҳмати бўлмиш зотнинг (с.а.в.) видойи сўзлари. Бу сўзларни фақат Ҳақ зотнинг барҳақ пайғамбаригина айта олади. Чунончи, ота фарзандларига васият қилиш бахтига етишса, жилла курса, ахилликка ёхуд меросини адолат билан тақсимлашга чақиради. Жон узаётган дохий китобларидан тушган қалам ҳақини қимгадир қолдиришини, нари борса, аллақайси қабристонга қўйишларини васият қилиши мумкин. Худо ёрлақаб, шу ҳам насиб этса. Аммо, барҳақ Пайғамбарларгина сўнги раҳматий қаломларини бутун оламга - фарзанди башарга изҳор эта олади.

### МАСНАВИЙ

*Дар мисоли баста гўфта роиро,  
То надонад хасм аз сар пойро.*

### ТАРЖИМАСИ

*Ҳақ Расули баста сўйлар роирини,  
Билмасин то хасм боши-пойини.*

### ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Одамлар фаҳри пайғамбаримиз (с.а.в.) бирор муҳим масалани ийрод этганларида хасм билиб қолмаслиги учун фикрларини сарбаста баён этардилар.

### ШАРҲ

Расули ақрамнинг (с.а.в.) орифона ва ҳақимона саволларида жавоб яширинган бўларди.

### МАСНАВИЙ

*Ў жавоби хеш бигрифти аз ў,  
В-аз саволаш менабурдай гайри ў.*

### ТАРЖИМАСИ

*Ул жавобин ўзидан алгайди ул,  
Ҳам саводин бир ўзи англади ул.*

### ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳазрат пайғамбар (с.а.в.) асқоби киром билан суҳбатда ғоят нозик нуқталарни англашлари осон бўлсин учун саволлари замирига жавобларин жо этар, ул зотнинг саволлари фақат ўзларигагина аён эди.

### ШАРҲ

Ҳазрат пайғамбар суҳбат асносида тингловчи - сомеъларнинг ақл ва зақосига қўра нутқ ийрод этардилар. Сомеъ ўзи муҳтож бўлган фикрнингина англади ва ушбу фикрга муҳтож бўлмаган кимса харчанд уринса-да уни англади олмасди. Оллох субҳонаху ва



*Мусаввир Р.Эрматов.*

таёлонинг башариятта нозил қилгучи байинотини тафаккури доирасига жо этиб, уни одамий лисонда баён этгучи зотнинг ахволини тасаввур қилиб бўлмайди. Куръони мажиднинг «Ал-хашр» сурасида нозил қилинган илохий байинотнинг илохий залвори куйидагича таъриф этилади: «Лав анзална хазал Куръаона ала жабадин лароайтаҳу хошиъан мутасоддиан мин хошятиллах. Ва тилкал амсалу назрибуха линнаси лаъаллахум ятафаккарувн». Маъноси: «Агар бу Куръонни тоғларга туширганимизда уларнинг Оллох таъоло хавфидан кўркиб, пора-пора бўлганини кўрган бўлардинг. Ва бумисолларни одамларга шунинг учун баён қиламизки, шояд улар тафаккур қилсалар».

\*\*\*

### КИССАИ МАКРИ ХАРГЎШ

\*\*\*

### КУЁН МАКРИ ХАКИДА

#### МАСНАВИЙ

*Соате таъхир қард андар шудан,  
Баъд аз он шуд пеши шери панжазон.*

#### ТАРЖИМАСИ

*Таъхир айлаб бир неча муддат куён,  
Панжазан шер кошига бўлди равон.*

#### ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Куён арслон хузурига бир соат кечикиб, кўлларини ковуштирган холда этиб келди.

#### ШАРХ

Арслон хузурига йўл олган куёнинг нега бир соат кечиккани кейинги байтларда баён қилинади.

#### МАСНАВИЙ

*З-он сабаб к-андар шудан у монд дер,  
Хокро меканду меғуррид шер.*

#### ТАРЖИМАСИ

*Неча муддат кеч қолиб, боргач куён,  
Ерни тирнаб, ларза солди арслон.*

#### ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Куён ваъдалашган муддатдан бир

соат кечикиб боргач, кўрдики, дахшатли арслон ер тирнаб, тупрок сочиб, борликни ларзага солмоқда.

#### ШАРХ

Арслонга ташбих бўлган золим ҳар нечук ситамкордек ўз соатида етишолмаган ўлжаси учун ваҳший бир ғазабга тўлиб, оғзидан ўт пуркаб, панжаларини ерга санчиб, тўзон кўтармоқда.

Золимларнинг таомили - шу. Золим ҳам аслида одам. Хукмдор ҳам аслида одам. Аммо бу одам тасодиф туфайли хукми қўлга киритса, табиий ўзгаради. Бурун у бир кеча-ю бир кундуз кутишга кодир бўлса, энди бир лаҳза куттиргани учун ўз онасини зиндонга ташлашдан қайтмайди.

#### МАСНАВИЙ

*Гўфт: «Ман гўфтам, ки аҳди он хасон,  
Хом бошад, хом ва сусту норасон.*

#### ТАРЖИМАСИ

*Деди: «Мен айтдим, бу хасдек нотавон,  
Аҳди хомдир, хом, сусту норасон.*

#### ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Куён маълум муддат кеч қолгани боисидан дарғазаб арслон дерди: «Мен бу хас-хашакларнинг аҳллари хом ва суст эканини билардим?».

#### ШАРХ

Ғазабга тўлган арслон махлуклар шаънига таъна тошларини отади. Уларни «хашаклар», «хаслар» деб таҳқир этади. Ғазаб энг жирканч бир манзарадирким, у охир-оқибат ўз асхобини Қудратли Оллохнинг ғазабига гирифтор этади. Хайтда одамнинг халдидан ошувига ва ғазаб жилловини қўлдан чиқариб юбормоғига баҳона бўлгучи омиллар кўп. Зеро, ғазаб итда ҳам исталганча бор. Аммо, ўз ғазабини енголмаган мард номарддир. «Инжил»да Ийсо алайхиссалом, «Бир юзингга тарсаки урсалар, иккинчи юзингни тут!», ёхуд «Ёмонликка яхшилик билан жавоб бер!» каби ақидаларни баён этган. Ғазаб қаердадир эмас, одамнинг ўз ичида яшириниб ётган тимсохдир. Уни кўзгаб ҳамма ерни вайрон қилиш ҳам мумкин, ёхуд вужуднинг олис хавзаларига хайдаб, ўша ерда абадан қолдириш ҳам мумкин.

#### МАСНАВИЙ

*Дам-дами ийшон маро аз хар фиканд,  
Чанд фиребад маро ин даҳр, чанд?*

#### ТАРЖИМАСИ

*Отди маркабдан уларнинг макри чун,  
Нега алдайдур мени бу даҳри дун?*

#### ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Уларнинг дам-дама ва ваъдалари мени уловдан туширди. Бу давру замон мени не вақтга қадар аллайди?

#### ШАРХ

«Мени маркабдан туширди» таъбири уч ваҳж билан шарҳ қилинади. Биринчиси: саъй-ҳаракат ва жаҳдни маркаб деб тасаввур қилсак, жабарийларнинг хийласи мени бу маркабдан тушириб, қуллиян маҳрум ва дилхун айлади. Иккинчиси: оддий маркаб ҳам ўтламоқ учун ҳаракат қилиб, яшагани холда, мен маътал - ҳаракатсиз қолганим боисидан ҳам мен ва ҳам у изтиробда қолдик. Учинчиси, агар маркабга «Маътал қол!», «Ҳаракат этма!», «Ўтлама!» деб амр этилса, маркаб бу амрларга алданмайди, балки ўтламоқ - яшаб қолмоқ учун саъй-ҳаракат этади. Мен эса, тубан бу махлукларнинг қаломига алданиб, ҳаракатсиз қолдим. Айни аҳмоқ бўлган маркабдан ҳам тубан кетдим.

#### МАСНАВИЙ

*Сахт дар монанд амири суст риш,  
Чун на пас бинад, на пеш аз ахмақиш.*

#### ТАРЖИМАСИ

*Кўшк соқол хон панд егайдир  
бадтарин,  
Орка-олдин кўрмагай ул қалтабин.*

#### ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кўшк соқол ўзининг аҳмоқлиги боисидан орка-олдини кўролмайд каттиқ панд ейди.

#### ШАРХ

«Суст риш», яъни «Кўшк Соқолли» таъбири ишдан ва мушкулотдан кўркадиганларга нисбатан қўлланилади.

*Мушориҳ - Обиддин Пошшо,  
Мутаржим - Асқар Маҳкам.*



# МАРАТ АЗИМОВ



Умрини санъатга бахшида этган истеъдодларгина хакикий санъат асарини яратадилар ва шинавандалар калбидан ўрин олади. Ана шундай ижодкорлардан бири Ўзбекистон халқ артисти, Уста Олим Комиловнинг энг севимли шоғирди, ишининг давомчиларидан Гофир Азимовдир. Унинг уйда кўплаб санъаткорлар тўпланишар эди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов шу оилада дунёга келди. Оилада, дўстлар даврасида санъатнинг сеҳрли олами, унинг яратилиши, гастрол сафарлари хақидаги хотиралар, концертлар, санъаткорларнинг чиқишлари хақида кизгин суҳбатлар бўлар эди. Ёш Марат уларнинг бахс ва суҳбатларига кизикиб кулок солар, ўзи ҳам бу сеҳрли оламга аста-секин кириб борарди. Олтмишга яқин мамлакатларда ўзбек санъатини намойиш этган Гофир Азимов ўғли калбидаги санъатга мухаббатни сезган ва санъат хақидаги тушунча ва маслаҳатларини аямадан ўргатарди. «Ишчилар шахарчаси»даги 20-мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ хаваскорлик спектакларида катнашиб бир неча роллар ижро этди. Буларни кўрган отаси ўғли калбида шунчаки хавас эмас, балки санъатга астойдил мухаббат ва истеъдод бор эканини тушуниб этди. Шу боис ўғлига санъатнинг сермашаккат йўллари, устозлар хаёти ва маҳорати хақида ўғитнамо хикоя қиларди. Марат ҳам танлаган йўлининг оғирлигини тушуниб етарди.

Марат Азимов 1967 йилда Маннон Уйғур номидаги Тошкент Санъат институтининг актёрлик факультетига кириб ўқий бошлади. Устозларидан олган сабоқлари асосида талабалар сахнасида намойиш этилган «Иркутск воқеаси» спектаклида Денис ролини ижро этди. Ёшларнинг ички тугёнлари, интилишлари акс этган мазкур спектаклдаги Марат Азимов талкин этган образ мукамаллиги, қахрамоннинг ички дунёси ёрқин очиб берилганлиги билан устозларига манзур бўлди. Кейинчалик ушбу сахнада кўрсатилган «Ромео ва Жульетта» спектаклида Парис ролини ижро этди. Марат бу образни асар руҳиятига мос ўйнади. 1971 йили унинг хаётида унутилмас воқеа содир бўлди. У Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрига қабул қилинди. Хакикий актёрлик таржимаи холини шу сахнада бошлади. Унинг бу сахнада ижро этган илк ролларидан бири «Тарих тилга кирди» спектаклидаги Қўркмасдир. Марат Қўркмас тимсолида эътиқодига содиқ қолган, қалб амри билан иш кўрувчи, катъиятли инсон сиймосини гавдалантирган бўлса, «Ой тутилган тунда» спектаклида мухаббатига садокати билан қалби ёник, ахдига вафодор, қўнгли очик Окйигитнинг ўзи яшаб турган мухитга қарши тугёнларини ишонарли кўрсата олди. Ўзгаларнинг хатоси билан қисматининг қийноқларини хаяжон билан та-

жасум этди. Окйигит ўз мухаббатини ҳамма нарсадан устун қўяди. Хар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга шай туради. Кабиласидан бадарга бўлаётганда ҳам пушаймон бўлмайди. Ўзининг севгилиси билан бирга кетаётгани, бир лаҳза бўлсада у билан бирга бўлиши, бирга қурбон бўлиши унга таскин беради.

Марат театр сахнасида ўттиздан зиёд турли характердаги образларни яратди. «Эшик ортидаги аёл»да Мансур, «Ибн Сино»да шахзода Масъуд, «Қароқчилар»да Шуфтерле каби роллари уни мухлисларга танитди.

У театрда актёр бўлиб ишлаш чоғида, режиссёрлик касбига меҳр қўйди. Шу сабабли 1976 йилда Санъат институтининг режиссёрлик бўлимига кириб ўқиди. Сўнг Москвадаги Малий театрда икки йил мобайнида малакасини оширди. Кейин ўзининг жонажон театрига қайтди. Режиссёр сифатида сахнага олиб чиққан асарлари ҳам мухлислар эътиборини ўзига жалб этди. Хайдар Мухаммаднинг «Хотинлар «гапи»дан чиққан хангома», Фарход Мусажоновнинг «Нажот истаб», Фитратнинг «Абулфайзхон», Мехмонкул Исломуловнинг «Ноёб нухса», Алишер Навоий асарлари асосида сахнага олиб чиқилган «Сабаи сайёр», Иброхим Содиковнинг «Афандининг беш хотини» ва бошқа асарларида хаёт нафасини сахнада жонлантириб бера олди. Абулфайзхон ва замон фожеаси сахнада ўз аксини топди. «Сабаи сайёр» спектаклида эса Бахромнинг Дилоромга севгиси садокат ва вафонинг тараннумидек янгради. Алишер Навоий мулоҳазалари тўлалигича сахнага қўчган. Бу режиссёрнинг маҳорати ошганлигидан далолатдир.

Фарход Мусажоновнинг «Нажот истаб» асарида нототув оиланинг, мухаббатсиз турмушнинг интихосини кўрамыз. Сахнада жонланган хаёт бизни худди кўшни оилада содир бўлаётган воқеалар билан таништиргандай туюлади.

«Фигон» спектаклида ажойиб мумтоз шоира ва малика Нодирабегимнинг қалб тугёнларига, унинг она сифатидаги изтиробларига ошно бўламиз. Нодирабегим сахнада аввало эл-юрт мураббийси ва фарзандларининг онаси сифатида гавдаланади. Унинг Ватанга мухаббат, халқига бўлган эъзози хаяжонларга бой сахналарда намоён бўлади.

Хуллас, Марат Азимов актёрлик ва режиссёрлик чўққисини ҳалол меҳнат ва машаққатли изланишлар билан забт этаётган ижодкордир. Биз унинг юксак чўққиларни ишғол этишига тилакдошмиз.

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.**

# ОДОБ – ИНСОН ЗИЙНАТИ

**В**атанимиз мустақилликка эришгач, миллий ва диний кадрятларимиз, гўзал урф-одатларимиз, маънавий меросимизга эътибор кучайди. Ахлоқ ва одобнинг жамият таракқиётига, ҳар бир инсон маънавий камолотига таъсири жуда катта эканлигини ҳозир кўпчилик тушуна бошлади.

Маънавиятимизнинг порлоқ юлдузларидан бири Алишер Навоий «Маҳбул-қулуб» асарида одоб ҳақида бундай ҳикматли сўзларни айтган эди:

«Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халойиқ учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан хурматлироқдир.

Одоб кичик ёшларни катталар дуосига сазовор этади. Ёшлар дуо баракасидан умрбод баҳра оладилар. Одоб улуглар кўнглида ёшларга меҳр уйғотади... Ёшларни кўзга улуг қилиб кўрсатадиган одоби феъл-атвордир. Одоб «...хурматсизлик эшигини беркитади ва одамни (беодобларга хос) ҳазил-мазаҳдан, камситилишдан сақлайди. Одоб одам табиатига инсонийлик бағишлайди...

Одобли, гўзал хулқли одамлар кўпаяверса халқ, одамларнинг дўстлиги, меҳр-окибати борган сари ривож топади».

Ювон мутафаккири Арасту ҳақими фикрича, гўзал ахлоқ нима эканлигини билиш билан иш битмайди. Ҳар бир инсон ана шу билимларга амал қилсагина - маънавий камол топа олади.

Истиқлол йилларида одобнома фанининг турли-туман дастурлари ишлаб чиқилди, мактабларда асосий фанлар қатори ўтила бошлади. Бундан ташқари, педагогика соҳасидаги атоқли олимларимиз ахлоқ-одобга доир бир қанча қизиқарли тўнлам ва қўлланмалар ёзиб, нашр эттирдилар. Таълим-тарбия соҳасида узоқ йиллар ишлаб, бой ҳаётий тажриба орттирган олим ва шоир Сафо Очил «Инсон зийнати одобдир» деб номланган янги китобда ёш авлодлар маънавий камолоти учун сув ва ҳаводай зарур бўлган ҳаётий муаммолар ҳақида фикр юритади. Бу фикрларга гоҳо қўшиласиз, кўнглингиз тўлади, руҳан бойиб, ижтимоий адолат кучайганидан қувонасиз. Гоҳо баъзи фикрларига қўшилмай, эътироз билдирганингиз, баҳслашганингиз келади.

«Инсон зийнати одобдир» китобида ижтимоий иллатларнинг илдизлари нимада экани, уларнинг инсон бахтига завола келтириши ҳаётий

воқеалар орқали очиб берилади.

Сафо Очилнинг китоби, мукаддимада эътироф этилганидек, «ўттиз йиллар довомида синалган ҳаёт ва турмуш сабоқлари, инсонлар ўртасидаги муносабатлар, кўрган, эшитган ва қузатилган воқеа-ҳодисалар» аксадоси сифатида пайдо бўлган фикрлардан таркиб топган.

Китобда Ватан ва халқ, дўстлик ва душманлик, ижод ва матбуот, мактаб ва боғча тарбияси хусусида теша таъмаган фикрлар бор.

учраб қувғин қилинганини, «Муштум»да фельетон бўлганини, Тошкентга келиб, обрў-эътибор орттирганини кўнлаб китоблари чоп этилганини айтади. Биз ҳам ўша даврни, муаллиф ҳақидаги фельетоннинг шоир ижоди ҳақидаги қисмига қарши битилган раддияларимизни «Муштум» ойномасида чоп этилмаганини яхши эслаймиз. Энди ўйлаб кўрсак, раддиянинг босилмаслиги шунчаки, бизга ёки фельетон бўлган кишига ғаразгўйликдан эмас, балки яққаоқимликнинг иш таомили экан, зеро шўро матбуотида фақат КПССга ёқа-диган фикрлар босилиши, иккинчи бир мулоҳазага йўл берилмаслиги ёзилмаган қонуи эди.

Китобнинг таҳрири, мулоҳазаларнинг мавзу нуқтаи-назаридан жойлашиш тартиби ҳақида баъзи мулоҳазаларимиз бор. Айтилик, китобнинг 110,158-бетларидаги мулоҳазаларнинг бир-бирига яқинлиги учун уларни битта жойда бериш мумкин эди. Ёки «Бир донадан сўрабдилар» деб бошланадиган ривоятлар ҳар хил шаклда бўлса, китобнинг таъсир кучи янада ошарди. Аммо булардан қатъи назар, ушбу китоб халқчил фикрларни эркин йўсида илгари суриши, кишида фикр уйғотиши ва баҳс кўзғотиши билан ажралиб туради. Бу бежиз эмас. Зеро, биз эндилдикда, шўро тизимидан, унинг тазйиқларидан қутулдик, мустақилликнинг 7 йиллигига қадам қўйдик. Бу хил хур фикрли ва баҳсли китобларнинг чиқиши Ватанимизда демократия нуфузи ошаётганлиги белгисидир.

**Маҳкам МАҲМУД,**  
*филология фанлари номзоди.*  
**Ботир НОРБОЙ,**  
*филология фанлари доктори,*



Сафо Очил ҳозирги мактабларда кескин табақаланиш жараёни бошлангани ҳақида ёзади. Айрим оилаларнинг фарзандлари қимматбаҳо кийимларга ўраниб, ялтир-юлтур тақинчоқлар тақиб, шахсий машиналарида юришса, баъзи оилаларнинг бундай яшашга қурби етмайди. Мактаб ўқувчилари кимнинг фарзанди бўлишидан қатъи назар, бир хил кийимда ўқишга келиши зарурлиги хусусида фикр юритади.

Китобнинг жуда кўп ўринларида муаллифнинг шахсий ва ижодий ҳаёти билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади. С.Очил ўз асарида 70-йилларнинг охирларида вилоят раҳбарининг ва айрим «дўст»ларининг тазйиқига





Аскиячилик Муҳаммаджонга ота касб эмас. Шунингдек у бирон бир санъат ва адабиёт институтини ҳам битирмаган. Лекин у хар кимнинг ҳам қўлидан келармайдиган нафис ва гўзал аскиячилик санъатини нак хаётнинг ўзидан ўрганган. Шунинг учун ҳам унинг ижросидаги хар бир аския, лутф ва пайров ўзининг жўшқинлиги, жозибадорлиги билан ажралиб туради. Шу боис қачон ва каерда бўлмасин, кулгу мухлислари ва шинавандаларини ўзига ром этиб, койил колдиради.

Муҳаммаджоннинг отаси - Олимжон Шарипов Қўқоннинг эгар-жабдук тайёрловчи машхур усталаридан бири бўлсада, табиатан адабиёт ва санъат, айникса, аскияга жуда ишқибоз эди. Шунинг учун дўжонларга ўз улфатлари, ёру жураларини йиғиб тез-тез суҳбату хангомалар уюштириб турган.

Табийки ёш Муҳаммаджон ана шу мухитда ўсди-унди. Унинг аския санъатига кизикиши ва унга астойдил хавас қўйишида, тоғаси, шахарнинг таникли аскиячиларидан - Турсунали Аҳмедов, шоирлардан Фирокий, шунингдек Аминжон, Раҳмонжон, Ўлмасжон ва Аҳмаджон ака деган аскиячи ҳамда кизикчиларнинг таъсири катта бўлди.

Муҳаммаджонга улар ижросидаги «Косибчилик», «Фолбинлар», «Даллоллик», «Пазандалик» ва «Қушлар» хақидаги пайровлари жуда-жуда ёкиб тушарди, айникса, устод аскиячилардан: Ижрокўм (Турсун) бува, Комил кори, Пўлат кизик, Ака Бўхор, Насриддин ва Мамарозик акалар ижросидаги «Билганлару билмаганлар бу дейди», «Ўшхатдим», «Гулмисиз, сунбулмисиз», «Гузарлар», «Махалла», «Дехқончилик», «Бобқончилик» каби ичакузди аския ва кизикчиликларни зўр хаяжон ва кизикиш билан тинглаб, томоша килар, уларни мумкин қадар эсла саклаб қолишга ҳаракат киларди.

Муҳаммаджон 1956 йилда Қўқондаги Амин Умарий номидаги ўрта мактабни олтин медаль билан битиргач, шу йили Тошкентдаги Ўрта Осие политехника ин-

титутига имтихонсиз қабул килинди. 1961 йилда «Усимлик мойлари технологияси» бўйича инженер-технолог дипломини олди.

1961-63 йилларда Урганч ва Қўқон шахарларидаги ёғ-мой комбинатларида ишлади.

1963 йилдан то 1993 йилгача, яъни меҳнат пенсиясига чиккунча Қўқондаги автойўл техникумида ўқитувчилик килди.

Ана шу кезларда унинг директори, республикада хизмат кўрсатган автотранспорт ходими Аъзамжон Яхеев ташаббуси билан «Йўлларим» номли хаваскорлик ашула ва ракс ансамбли ташкил этилди. Унга республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Максудали Мансуров раҳбар этиб тайинланди.

Ансамбль ишида фаол катнашиб юрган Муҳаммаджон, кўп ўтмай ўз атрофига Одилжон Халилов, Йўлдошхон Носиров ва Солижон Носиров сингари ёш истеъодли аскиячиларни тўглаб, аскиячилар гуруҳини ташкил этди ва уни ансамбль таркибига киритди. Аскиячилар репертуарини ўз устозларидан ўрганган чиройли, сермазмун аскиялар билан бойитди.

1977 йилда Тошкентда Ўзбекистон автотранспорт вазирлиги тизимида кирадиган корхона, муассаса ва ўқув юртлари қошида ташкил этилган бадиий хаваскорлик жамоаларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўрик-танловда «Йўлларим» ашула ва ракс жамоаси ҳам катнашиб, ўз репертуарининг бойлиги ва ижрочилик маҳоратининг юксаклиги билан кўпчилик эътиборини тортди.

Кўрик-танлов якунига кўра кўқонлик хаваскорлар 1 даражали диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Шундай килиб техникум қошида Муҳаммаджон раҳбарлигида илк бор «Аскиячилар мактаби» яратилди. Бу мактаб ҳозирги кунда ҳам Муҳаммаджоннинг севимли шогирдларидан бири - Ахроржон Турдалиев бошчилигида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Муҳаммаджон яратган бу мактабдан

ўз вақтида унинг издошларидан, шахардаги Хамза номидаги драма театрининг артисти, истеъодли хонанда ва созанда, эхтиросли аскиячи Акрамжон Анваров, мохир аскиячи ва кизикчи Баходиржон Шокировлар сабоқ олганлар.

Муҳаммаджон 1980 йиллардан бошлаб, элу халқ орасида машхур аскиячи ва бадиий сўз устаси сифатида танила бошлади. Кун сайин унинг доврўғи ортиб, обрўйига-обрў, шўхратига-шўхрат қўшилди. У қачон ва каерда бўлмасин, ўзининг устозларидан ўрганган «Махаллалар», «Хунарманглик», «Қушлар», «Докторлик», «Иморат куриш», «Даллоллик», «Атторлик» каби пайровлари, нишонга тез ва бехато тегувчи сўз ўйинлари билан барчани койил колдириб, ўзига янги-янги мухлислар орттирди.

Муҳаммаджон аскиячиликда маҳоратини ошириш учун тинмай ишлади, ижодий изланишлар натижасида ўзи ҳам «Ўқитувчилик», «Шифокорлик», «Шохмот», «Футбол», «ГАИ», «Чайковчилик», «Кинофильм», «Спектакль» каби янги-янги аския пайровларини яратди. Шунинг билан бирга у ўз устозлари ҳамда республикадаги машхур аскиячи ва кизикчилар томонидан яратилиб, халқ орасида кенг тарқалган «Пахтачилик», «Чорвачилик», «Сохибкорлик», «Қаштачилик», «Парранда» ва «Ковун сайли» каби пайровларга янгича ёндошиб, уларнинг янги сўз ўйинлари, маъно ва мазмун билан бойитди.

Ҳозирги кунда Муҳаммаджон ўз ижодий изланишларини давом эттириб, «Ёшлар тарбияси», «Қонунчилик», «Бозор», «Телевизор», «Наврўз», «Сумалак», «Қўқатлар» сингари пайровлар яратиш устида астойдил иш олиб бормоқда.

Муҳаммаджон 25 йиллик аскиячилик фаолияти мобайнида дўстлари ва ҳамкасблари - Йўлдошхон Носиров, Солижон Толипов ва Одилжон Халиловлар билан биргаликда яратган ва ижро этган «Матбуот», «Газета», «Журнал», «Уй-рўзғор буюмлари», «Ширинликлар», «Таомлар» каби янги, оригинал аския пайровлари оммавий ахборот воситаларида босилиб, кинофильм ва телекўрсатувларда намойиш этилди ва этилмоқда.

Муҳаммаджон бу йил ўз умрининг 60 баҳорини қаршилади. У хаётини инсонларга хизмат қилиш, ёшларни тарбиялаш, кадриятларимизни бойитишга бахш этди.

Биз Муҳаммаджон Шариповни муборак ёши билан кизгин табриклаймиз, унга узок умр ва ижодий баркамоллик тилаймиз.

**Алижон УМАРОВ,**  
театришунос.







**Учредитель:**  
Министерство по делам  
культуры  
Республики Узбекистан.

На узбекском языке

**Набатчи муҳаррир**  
**Сайёра ШОДИЕВА**

**Мусахҳиҳ**  
**М.АБДУЛЛАЁРОВА**

**Компьютерчи ва**  
**саҳифаловчи**  
**Нодира СОАТОВА**

**Муҳарририят турар жойи:**  
700083, Тошкент – ГСП,  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Телефонлар:**

Бош муҳаррир – 136-78-90

Бош муҳаррир ўринбосари – 133-07-94

Масъул котиб – 133-07-94

Расм ва мусахҳиҳ – 136-56-02

Босишга рухсат этилди

13.11.1997 йил.

Қоғоз ҳажми 60x84 1/16

Офсет босма.

Шартли босма тобоғи 7,64.

Наширёт ҳисоб тобоғи 9,88.

Шартли бўёқли нусха 18,5.

Буюртма N 1725

3385 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нарх.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
концернининг босмаҳонаси.  
700083, Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41.

© «ГУЛИСТОН» 6, 1997.


япти», - деди. Мен айтдим: «Мен боя бўшаганман, ишдан, ха...» Спектакль тугади. Режиссёр Музаффар ота Мухамедов мени ушлаб тоза койиди: «Қандок боласан, бекорга ҳўкиз боқаянган эканмиз, ахир шесани буздинг-ку! Тескариси-ку. Қоработир ўрнига Тоҳир ўлиб турибди». Мениям жаҳлим чиқди шекилли: «Ие, ҳар куни - кундузи ҳам, кечкурун ҳам Қоработир ўлаверадими, Тоҳир ҳам бир кун ўлсинда!» - дедим...

«Алпомиш» томошасида довларнинг каттаси, Қўқалдовни ўйнайман. Бу спектакль ҳам ҳар куни - эртаю кеч қўрсатилади. Аммо ролимдан жуда хурсандман. Охири-жуда хафа бўлганман. Овқат есам ҳам, емасам ҳам тўй картинасида Алпомиш билан кураш тушадиган ролим бор. Йиқилишим шарт. Алпомишни навбатма-навбат Маҳмуджон Ғафуров, Абдугофур Абдурахмонов ва Турсун Валиев ўйнайди, Маҳмуджон Ғафуров ўйнаган куни ёнбошим билан йиқилиб бераман. Сал белини тортсам директорга киради. Яна ишдан бўшайман. Ўша вақтда бир бутилка арок 25 сўм. Алпомишни Валиев ўйнайдиган бўлса, мени Шайхонтохурданми, Закусочноеданми топиб, 25 сўм бериб, «бугун Алпомишни мен ўйнайман, қўп қийнаманг» деб пул ташлаб кетади. Унга ҳам секин йиқилиб бераман. Абдугофур Абдурахмонов Алпомиш бўлганида, белини маҳкам ушлаб, сахнанинг у ёнига чалғитиб, оборманидан кейин ялинишга ўтади: «Орқасидан катта ашула бор, ўпкам чиқиб кетади, йиқилиб беринг», деб жанжал қилади. Мен «Йўқ, менам довларнинг каттасиман, номим Қўқалдов. Алпомишмисиз, ўз кучингиз билан йиқитиб олинг. Вой дод сизни йиқитиб бўладими, ҳа йиқита олмайсизми, бўлмаса 25 сўм. Хўп, гримхонага чиқиб олиб бермасам палонда пистон бўлмай, деб онг ичгандан кейин йиқилиб бераман. Ха, Барчинини ҳаммаларини асир тушириб, Тойчахонни ўтовига олиб борадиган картинамиз бор. Хон аввал Ултоннинг, кейин Барчинининг сўзини тинглаб бўлгач, у кишини сўзи бор: «Олиб чиқинг!..Хаммасини зиндонга ташланглар», - дейди. Шунда мен «Улуғ хоқон!..Шу киз менга берилсин...» деб ўзимни хоннинг оёғи тагига ташлайман-у, унинг иски оёғини маҳкам ушлаб оламан. У мени сўқади: «бадбахт оёғимни қўйвор йиқиламан». Пастда эса Усмон ака ва Ҳукумат раҳбарлари ўтиришибди. «Қўйвор, оёғимни!» каллани баландга кўтариб, оёғини қўймасдан 25 берсангиз, оёғингизни қўйвораман. Бўпти, деб дарров гримхонадан кийимларини қовлатиб, 25 оламан. Хуллас, ҳар куни арокка пул топишнинг йўлини топиб олганман. Бечора Қори ака кундузи ҳам, кечкурун ҳам ҳар куни 25 беравериб, «зиндон» дейдики, сахнада

кочиб юради. Мен ўзимни оёғининг тагига ташлашим керак. Шундагина пул унади. Режиссёр бир томондан уни сўқади: «Ў, подшо! Бир жойда туриб, буйрук бериш ўрнига сахнада чопиб юрасан», деб. Хон - Умаров эса мен билан бўлаётган воқеаларни айтишга қўрқади.

Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаев - Сурдов Алпомишга аталган захарни келиб, ичиб қўяди. Халқ «душманнинг ўзи йиқилди», деб хурсанд бўлиб, гулдурот чапак чалади. Захар ичган Сойиб Хўжаев гандираклаб, сахнанинг ўртасига йиқилади. Шундан кейин Алпомишнинг чиройли ашуласи бор. Тонинг орасида туриб айтади. Ашуланинг энг яхши жойида халити захар ичган Сурдов - Сойибжон кимирлаб қолади. Хали ўлмаган экан деб, томошабинлар орасида кулги чиқиб кетади. Икки-уч бор шунақа қилади. Мен секин сахнанинг ёнига келиб, «Вой, Сойибжон ака, захар ичган одам қотиб қолади, сиз мунча кимирлайсиз. Ахир Алпомишнинг ашуласини бузаяпсиз» десам, секин юзини мен томонга буриб, «Ишинг бўлмасин, аралашма, мен Алпомишни 25 га ўргатайман. Бу дегап гап «яримта» - арок» - дейди.

...Хозирги ёшларимиз бутун меҳнатини, олқишларини, талантини арокка алмаштирган одамдан, яъни мендан ибрат олишларининг талабгориман. Меҳнатни соғлом, пок юрак билан ҳеч нимага алиштирмасдан омадли бўлишларининг тарафдориман.





ҲИНД ГҶЗАЛИ.



БАҲОР.

ОЛТИН ВОДИЙ.



МУСАВВИР  
А.БУХОРБОЕВ  
ИШЛАРИДАН  
НАМУНАЛАР



Ўзбекистон Бадий Академиясининг фахрий академиги  
Абдулҳақ АБДУЛЛАЕВ. АВТОПОРТРЕТ.

